

*Адиб ва
жамиат*



Бахтиер Ҳайдаров

**СОҲИБҚИРОНИ
АНГЛАШ -
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**

821.512.133

Х, 19	2020/45-102
Х. а. 9996 Б	
Соҳибқиромил	
ахтани - Ғафуров	
ахтани	
Т. 2013	-102 5

2020/45-102

O'ZBEKISTON
YOZUVCHILAR UYUSHMASI



TUHFASI



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва
жамият*

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

СОҲИБҚИРОНИ АНГЛАШ – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Бадиий публицистика



ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2019

821.512.133-4 (081) - 44
84(5У)6
X 18 . 2

X 18 **Ҳайдаров, Бахтиёр.**
Соҳибқиронни англаш - ўзликни англаш [Матн]:
Бадиий публицистика / Б. Ҳайдаров.
- Тошкент: "MASHHUR-PRESS" нашриёти, 2019. - 176 б.

ISBN: 978-9943-5568-9-8

Тақризчилар:

Тулқин ҲАЙИТ,
*ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раисининг биринчи
ўринбосари*

Озод МУМИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Амир Темур шахси нафақат миллатимиз, балки умуминсоният аҳамиятига молик истеъдоди ва инсоний фазилатлари туфайли боқий саналади. Ул зот умри давомида қатъий амал қилган "Куч – адолатда" деган машҳур шиор, аслида бутун инсониятнинг кўп асрлик орзуси эди.

Тажрибали публицист, синчков ижодкор Бахтиёр Ҳайдаров Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ўрганади ҳамда унинг маънавий қудрати қанчалик катта эканлигини ҳис этиб, бу қудратни ўз мақолалари орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Ушбу мақолалар маҳсули бўлган қўлингиздаги китоб сиз азиз ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-4 (081)
КБК: 84(5У)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN: 978-9943-5568-9-8

© Бахтиёр Ҳайдаров, 2019
© "MASHHUR-PRESS", 2019

2020/45
102

испешибон

КИРИШ СЎЗИ ЎРНИДА

*Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган улуғ
тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган
буюк аждодларимиз бор...*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Тарихда узоқ асрлар оралиғида дунёга бир келувчи улуғ зотлар бўладики, уларнинг оламшумул фаолияти нафақат бир миллат, балки бутун инсоният тақдирига дахлдордир. Буюк бунёдкор, илм-фан ҳомийси, энгилмас саркарда, адолат байроқдори Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари – инсониятнинг ана шундай даҳо фарзандларидан биридир.

Амир Темур ва темурийлар қолдирган бетакрор маънавий мерос – бугун инсониятнинг умумий бойлигига айланди. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур давридагидек мукамал ҳарбий тузилма тўғрисида маълумотлар тарих мулкида кам учрайди. Унинг салтанатида қўшин тузилиши, лавозим ва унвонлар бериш, моддий таъминот, қурол-яроғ тутиш тузуги, маош ва рағбатлантириш тузуклари, ҳатто муносиб нафақа – пенсия тизимигача тузуклар ишлаб чиқилган ва амал қилган. Бу ҳарбий тизим нафақат юртимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида бугунга қадар андоза, асос ва пойдевор сифатида ўрганиб келинаётгани билан аҳамиятлидир.

Халққа доим меҳр-мурувватли бўлган Амир Темур адолат ва ҳақиқат учун курашган, салтанатни ҳам ана шу мустаҳкам асосга қурган. Адолат, қонун устуворлиги, инсон қадр-қиммати, иймон-эътиқод, бугунги тушунча билан айтганда – **юксак маънавиятга** катта эътибор қаратилгач, бу ҳаракатлар **енгилмас кучга**

айланишига амалий мисолни Соҳибқирон Амир Темур армиясида, салтанатида қуриш мумкин.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов, 1993 йилнинг 31 август куни Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкали очилишига бағишланган тантананда нутқ сўзлар экан, юксак ишонч билан: *“Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштириш, улуғ мақсадларга сафарбар этиш, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди”*, дея улуғ ният қилган эди.

“Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир”. *“Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир”*. *“Амир Темурни улуғлаш – тарих қарига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”*, деган сўзлари ғоявий-мафкуравий жиҳатдан нақадар чуқур асосли эканини вақт тўлиқ исботлади.

Ўзбекистон шаън-шавкати тимсолига айланган Соҳибқирон сиймоси, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Амир Темурнинг шонли ҳаёти – Ватан ва миллатга хизмат қилишнинг энг ёрқин намунаси.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида ушбу ҳақиқатни тилга олиб, бугунги ислохотлар жараёнида улуғ Соҳибқирон сиймосининг аҳамиятини таъкидлаб шундай деган: *“Суворов мактабини Темурбеклар деб ўзгарттирдик. Гап номда эмас, ғояда, мафкурада, ғурурда! Боғчадаёқ болаларимиз Ватанни, тарихни, гимнни, байроқни, Амир Темурни, Биринчи Президенти-мизни... яхши ўрганишсин...”*

Улуғ бобокалоннинг, **“Сармоёси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз савдосини тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда маблағ берил-**

син. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур бўлган уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин”, дейилмиш тузуклари бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Президентимиз, “Фуқаролар келажакда эмас, бугун яхши яшашлари керак” лигини таъкидламоқда. Бугун мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. Аҳоли учун қулай, арзон ва замонавий уй-жойлар қуриш дастури амалга ошириляпти. Бу билан қанчадан-қанча рўзгорлар бутланиб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

Улуғ аждодимиз ўз тузукларида “... амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар”, деб ёзади. Бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилаётгани – Соҳибқирон тутуми авлодлари томонидан ҳаётга жорий этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

2018 йилнинг ноябрь ойида миллий армиямиз жанговар шайлигини текшириш юзасидан илк бор кенг кўламли ўқув машқлари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбийлар билан учрашиб, улуғ саркардаларимиз, хусусан, Амир Темур бобомизнинг бой меросини яна бир бор эсга олди:

– Мана, Амир Темур бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, холисона айтайлик, улуғ Соҳибқироннинг “Тузуқлар” ини қанча аскар ўқиган? – Ёки буюк саркарда Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги куплаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишади.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамёд қилишдан олдин, албатта, Ўзбекистон тарихи фани ва “Темур тузуқлари” дан синов топшириши кераклигини таъкидлади. Илғор ҳарбий қисмларга улуғ саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашкарбоши боболаримиз ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш, бадиий китоблар, кинолар яратиш тўғрисида кўрсатма берди.

Улуғ Соҳибқироннинг **“Аскарни қувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскарни қувватли бўлур”**, деган машҳур ибораси бор. Бугун бу ҳикмат **“Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”**, деган шиор улароқ ҳаётга жорий этилмоқда.

Кексайиб, ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан сипоҳийларга тирикчилик учун етарли ер-сув ва бошқа имтиёзлар берилган, тўй, байрам ва бошқа маросимларда йўқлаб, аҳволларидан хабар олиб турилган. Сипоҳийларнинг оилавий таъминот масалалари давлат сиёсатида муҳим ўрин тутган.

“Сипоҳий давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради”, дея уларнинг мураккаб ва шарафли вазифалари алоҳида таъкидланган.¹ Буларнинг бариси улуғ Соҳибқирон салтанатида Ватан ҳимоячисининг

¹ Темур тузуқлари, Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 1996. – Б. 100.

қадрӣ нақадар улуғлангани яққол кўрсатувчи мисоллардир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси ва доимий юксак эътибори ўлароқ, бугун юртимизда китобхонлик, буюк аждодлар маънавий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, улуғ Соҳибқиронга хос адолат тамойилларини ҳаётга кенг жорий этиш юзасидан катта ҳаракатлар бошлангани жуда қувонарлидир.

Соҳибқирон сиймоси биз, авлодлар учун улкан уммонга қиёслагулик бепоён маънавий бойликдир. Елканларни кенг ёйиб, бу уммонда сузиш, фахрланиш, дунё аҳлини ҳайратга солиш фурсати аллақачон етган!

Зеро, “Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ”.¹

¹ Каримов Ислоҳ. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 й. 24 октябрь. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд, - Т.: “Ўзбекистон”НМИУ, 1997, - Б. 191.

ДАҲО

*Амир Темур – нафақат Турон, Туркистон,
Узбекистон заминининг, балки инсониятнинг
энг улуғ даҳоларидан биридир.*

Ислоҳ КАРИМОВ

“Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганди. Устига, устак, Чингизхон авлодлари Мовароуннаҳрга тез-тез босқин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннаҳрнинг истибдод аламини тортган оддий фуқароларидан то йирик сиёсий арбобларию дин пешволаригача жуда ҳам оғир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган халоскор, ДОҲИЙ зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди”.

Италиянинг Марко Поло институти томонидан нашр этиладиган “Марко Поло” журналининг 2006 йил 2-сонида буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур ҳақида босиб чиқарилган махсус мақолада юқоридаги сатрлар дарж этилган.

Энди араб тарихчи-сайёҳи Ибн Баттутанинг сўзларига қулоқ тутамиз. У XIV асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳрдан ўтиб кетаётиб, кўрганларини шундай ёзиб қолдирган: “Узоқдан кўм-кўк дарахтзорлар, шаҳар ва бинолар кўринганда яқинроқ борилса, вайронагарлик, харобалик кўзга ташланади, чунки ҳам-

ма кучманчиликка ўтган ва ҳеч ким ерларни ишламаган. Шаҳарлар муҳофаа деворларисиз худди патсиз қушдай ва шаҳарларнинг олдинги шон-шуҳрати сувқумга сингиб кетгандай йўқ бўлиб қолган эди”.

Юртнинг босқинчилар томонидан вайрон қилиниши, миллатнинг истибдод асоратига солиниши – Ватан аҳли учун энг катта фожиадир. Руҳияти тушкун, тили, дини ва қадриятлари топталган миллат аста-секин келажакка бўлган умид-ишончини ҳам бой беради. Муғуллар забт этилган худудларда зулм ва қон тўкиш борасида мисли кўрилмаган ваҳшийликларни содир этишганки, ҳатто улар тўғрисида, “ўқ ўтмас, қилич чопмас, сувда чўкмас, ўтда ёнмас” деган тасаввурлар пайдо бўлган. Ана шундай оғир шароитда буюк йўлбошчига эҳтиёж ҳар қачонгидан кучли бўлади.

Соҳибқирон Амир Темурдай халоскорнинг дунёга келиши замон зарурати ва талабига айланди, бошқача айтганда, тарих ва замон ўз қаҳрамонини жаҳон майдонига олиб кирди. Энг оғир тарихий даврларда давлат, миллат ва дин олдида фавқулодда хизматлар кўрсатган, келажак авлодлар учун миллий тараққиёт дастурини яратиб берган буюк йўлбошчиларни инсонлар доҳий, дея улуғлайдилар. Улуғ Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти – миллат қайғуси ва халқ дарди билан яшашнинг яққол намунасидир.

Собиқ шўро (СССР) даврида “доҳий” сўзи хўп меъдамизга теккан эди. Юртимизга умрида келмаган, кўрмаган, тилимиз ва урф-одатларимизга етти ёт бегона, Туркистонни парчалаб, унга бало-қазоларни йўллаган тепакал ва сариқ соқолли одамни бизга “доҳий” дея уқтиришарди. Бу сўзнинг қадри кетиб, эшитганда пинак бузмайдиган аҳволга келгандик. “Биз бир пайтлар кўкларга кўтариб, мук тушиб сиғинган Ленин бобо, Сталин бобо ва бошқа “бобо”ларимиз ҳақиқатда

хаммаси қаллоб ва жаллод бўлиб чиқди. Мана, сизга ҳақиқат”¹

1991 йили мустабид шуро тузуми барбод бўлиб, Истиқлолга эришдик. Буюк аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни ўргана бошладик. Ўзбеклар тарих саҳнасига кеча ёки бугун чиққан миллат эмаслиги, бир асарда Соҳибқирон бобомиз лафзидан айтилганидек, “Туркнинг бош бўғини” эканлигимизни англадик. Оламшумул алломаларимиз – миллатимиз фарзандларининг умуминсоният илм-фани тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳар қанча фахр ва ғурурга лойиқ эканини ҳис этдик.

Мен Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини узоқ Мурманск ўлкасида ҳарбий хизматни ўташ чоғида илк бор мутолаа қилдим. Улуғ адиб ўзининг ўлмас асарида Амир Темурни “доҳий” деб таърифлаган. Ушанда бу сўзни негадир эътиборимнинг бир четидан “утказиб” юборганман. Балки бу ҳам сохта “доҳий”дан безганимиз туфайлидир? Негаки, у пайтда “бутун дунё пролетариати”нинг ўша худобехабар “доҳий”си ҳали “амалда” эди.

Истиқлол шарофати билан миллатимизнинг яна бир улуғ фарзанди Алихонтўра Соғунийнинг китоблари ҳам қўлга тегди. Аллома “Туркистон қайғуси” асарида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида шундай ёзади: *“...бу жаҳон қаҳрамони, ислом оламининг улуғ қўмондони, буткул турк улусининг фахрланарлик буюк султони, Қуръондаги “Аллоҳга ва унинг пайғамбари Муҳаммадга ва ҳам ўзларингдан бўлган подшоҳларга итоат қилинғлар”, деган Аллоҳ ҳукмича, Туркистон ва бошқа бўйсунган мамлакатларга ҳақиқий шаръий ва қонуний подшоҳ эканлиги шак-шубҳасиздир”*.

¹ Каримов Ислом. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. – Б. 121.

Алихонтўра Соғуний Соҳибқирон Амир Темурни “улуғ доҳий” деб таърифлайдики, бунда “доҳий” сўзи ўз асл ўрнида, бу юксак номга муносиб зотга нисбатан ишлатилганини қалбан англаймиз: *“Ўзининг кимлигини танитиб, унинг ким эканлигини билдирувчи туркий тилида ўзи ёзган “Темур тузуклари” ва бошқа қонуннома асарлари эса бу қаҳрамоннинг қандайин улуғ доҳий эканлиги учун, энг кучлик гувоҳлардир”*¹.

Ушбу сўзларни ўқигач, дарҳол “Ўткан кунлар”ни қайтадан варақлаб, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида айтилган жумлани топдим: асарнинг “Қипчоққа қирғин” номли бўлимида Юсуфбек ҳожи, ўғли Отабекка шундай дейди: *“Темур Қурагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Абу Али ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!”*

Бу таърифларни ўқиб, ниҳоятда ғурурланиб кетдим. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларини “улуғ доҳий” деб таърифланиши – баайни ўринли, деган хулосага келдим. Шундагина улуғ бобомизга нисбатан айтилган “доҳий” сўзидан рози бўлдим, кўнглим тўлди.

Айтиш керакки, бу хулосага дафъатан ва юқоридаги улуғвор таърифдан ҳаяжонланганим туфайли келганим йўқ. Аввало, турли луғат ва қомуслардан “доҳий” сўзининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга ҳаракат қилдим. Масалан, 2006 йили чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “доҳий” – *“фавқуллодда ақл-заковатга эга бўлган шахс, оқил йўлбошчи”*, дея таърифланган.

¹ Соғуний Алихонтўра. Туркистон қайғуси. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. – 2003. – Б. 146.

Ибн Баттута XIV асрнинг I чорагида Мовароуннаҳр шаҳарлари ўрнида вайроналар кўрган бўлса, кастилиялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо XV асрнинг бошида элчи сифатида келиб, бу ерда умуман бошқача манзарани кўрганини ёзиб қолдирган. У мамлакатдаги обод ҳамда маъмур шаҳар ва қишлоқларни, Зарафшон дарёсининг қирғоқларида, Самарқанд шаҳрининг мудофаа деворлари атрофидаги ҳашаматли биноларни, ҳунармандчилик устахоналарини, савдо расталарини, умуман, байрамона манзараларни тасвирлаган. “Бутун шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир ярим, баъзи жойларда икки чақирим узунликда. Шаҳар эса уларнинг ўртасида жойлашган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, унга яқинлаша борган сари баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди, унинг ўртасида эса шаҳар жойлашган.

Шаҳар ва боғлар ўртасида кўплаб суғориш каналлари қурилган. Бу боғларда кўплаб қовунлар ва пахта етиштирилади. Бу ернинг нони мўл-кўл бўлганидек, виноси ва гўшти ҳам, мева ва паррандалари ҳам сероб... Бу шаҳар шунчалик тўкин-сочин ва бойки, ҳайратланасан киши. Бу ернинг бойлиги фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан эмас, балки ипак матолари билан, жун ва шойи астарлари билан, упа-эликлари билан, олтин ва лазурит (кўм-кўк феруза тош) ранглар билан ҳам бойдир”¹².

Булардан ташқари у турли мамлакатлардан келтирилган таниқли усталар, дунёнинг ҳамма давлатларидан олиб келинаётган маҳсулотлар тўғрисида хабар беради.

Испан элчиси завқ билан тасвирлаган озод ва обод Ватаннинг барпо этилиши – буюк давлат арбоби

¹² Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканде по двору Темура (1403-1406. – М. Наука ГРВЛ, 1990. – С. 138-139.

Соҳибқирон Амир Темур даҳоси билан чамбарчас боғлиқдир.

Хорижий муаррих Ҳарольд Ламб таъкидлаганидек, “Амир Темур Самарқандни қақраган тупроқ, ярим вайрона шаҳардан “Шарқона Рим” деган таърифга муносиб шаҳарга айлантирди. Самарқанд – Соҳибқирон орзуларининг рўёбига айланди”.

Амир Темур элим деб, юртим деб, унинг шони, шавкати, озодлиги, деб ҳаловатсиз умр кечирди. “Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим...” деб ёзган эди бобокалон ўз “Тузуқлар”ида. Ул зотнинг барча юмушлари фақат Ватани ва халқи манфаатларига қаратилган эди.

Улуғ бобокалоннинг маънавий мероси, бугун ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли ва долзарбдир. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 1993 йил апрелида ёзувчилар билан бўлган мулоқотда, *“Мен ҳар гал “Темур тузуқлари”ни ўқиганимда, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. “Темур тузуқлари”ни ўқиганимда бугунги куннинг катта-катта муаммоларига ечим топгандек бўламан”,* деган сўзлари бу фикрнинг яққол исботидир.

Буюк давлат арбоби, беқиёс саркарда, буюк бунёдкор сифатидаги мислсиз салоҳияти, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи, адолат тимсоли бўлган бу мумтоз сиймо нафақат авлодлар, балки бутун инсоният учун мангу ибрат намунаси бўлиб қолаверади.

Миллатнинг улуғ ва оқил фарзанди, йўлбошчисидан ўша миллатга хос энг улуғвор фазилатлар акс этади. Шу ўринда Ислоҳ Каримовнинг ниҳоятда ғурурли бир иборасини эсга оламиз: *“Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”*.

Абдулла Қодирий, Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ва Биринчи Президентимизнинг улуғ Соҳибқиронга берган таърифлари – фавқулодда ақл-заковатга эга бўлган буюк йўлбошчига берилган энг холис ва адолатли таърифлардир.

Бугун бир миллат ўзлиги – улуғ Соҳибқирон Амир Темур сиймосида мужассам! Хорижий адиблар ёзган асарлар ва тарихчи олимларнинг тадқиқотларида ҳам Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг дохийлиги ҳақида холис эътирофларни ўқиш мумкин. Миллатимиз тарихида жаҳоншумул улуғ сиймолар жуда кўп, аммо ҳеч бир зотга юқоридагидек юксак таъриф берилмаган.

Бугун Амир Темурга бағишланган асарлар баҳоли қудрат ёзилмоқда, лекин бу мавзуда “Ўткан кунлар” даражасида шуҳрат қозонган ва севиб ўқиладиган китоблар ҳануз йўқ...

ХУЖАИЛҒОР

Хужаилғор! Буюк жаҳонгир, Соҳибқирон Амир Темур туғилган табаррук маскан. Бу қишлоқнинг номи бутун дунёга маълум ва машҳур. Унинг оддийгина кўчалари, тепаликлар, далалар ва ниҳоят, сокин қабристонидан улкан ва сирли тарих яширин...

Ёш амирзодани улуғ ниятларга йўллаган, буюк инсон қилиб тарбиялаган қудрат нимада? Ҳисор тоғлари

салобатими ёки ястаниб ётган кенгликлар шуқуҳими? Бу табаррук манзилнинг ҳавоси, суви ва тупроғида қандайин сирли хосиятлар бор?!

Мустабид шуро тузуми даврида улуғ Соҳибқироннинг киндик қони тукилган Хўжаилғор тарихини одамлар хотирасидан буткул учириш учун қаттиқ ҳаракат қилинган. Ушбу қутлуғ маскан атайлаб эътибордан четда қолдирилган. “Пахта жазаваси” даврида бу тарихий қишлоқнинг теварак-атрофига, ҳатто қабристон дарвозаси остигача пахта экилган...

Оқибатда, Хўжаилғорда кўҳна тарихий обидалар бугунгача сақланмаган. Соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ тарих ва ривоятлар эса қишлоқ қабристони ва унинг атрофидаги булоқлар билан боғлиқ.

Хўжаилғор қишлоғи азалдан муқаддас зиёратгоҳлардан бири саналган. Қишлоқ қабристонида Хўжаилғор ота даҳмаси бор.

Хўжаилғор ота ким бўлганлар?

Ул зотнинг асл исмлари Муҳаммад Ибн Абдулқосим бўлиб, ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири эканликлари ривоят қилинади. Бу ерга ислом маърифатини ёйиш учун келганлар. Қўшиннинг аввалида борувчи, сараланган махсус қисмга бошчилик қилиб, юраклари қайнаб, илғор тортиб чиққанлари учун Хўжа илғор номини олган экан.

Ривоятга кўра, қабристон тепалигида неча минг йиллар бурун оташпарастларнинг қалъаси бўлган. Муҳаммад ибн Абдулқосим бошчилигидаги илғор қўшин келиб, қаттиқ жанглардан сўнг ушбу қалъани қўлга олгач, ундаги аҳолини ислом динига киритган. Маҳаллий аҳоли ул зотнинг исмларини ўз талаффузларига мослаб, Хўжа илғор деб атаган.

Бир кун ибн Абдулқосим жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан “Менинг ажалим белгисини айтиб беринг?” деб сурабдилар. Шунда: “Ажалингиз олдидан Сиз минган от оқ туяга айланади”, дея жавоб берган экан.

Ҳазрат Ибн Абдулқосим Кеш шаҳри яқинидаги Лаълистон деган манзилда бўлган қаттиқ жанг чоғида яраланиб, отдан йиқилади. Анча муддатдан кейин ўзига келиб, бошини кўтариб қараса, атрофида айланиб юрган от ўрнида оппоқ нортуя пишқириб турганмиш. Шунда дарров жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтган сўзлар эсига тушиб, ўз одамларига: “Дорилбақога кўчиш фурсати етди. Мени шу туяга юкланглар-да, у қаерда чўкса, ўша жойда дафн қилинглари”, дейди. Ул зотнинг айтганларини бажо келтиришибди. Туя анча юриб, қалъага яқин қолган жойда чўккан экан, саркарданинг жони дорилбақога рихлат қилибди. Аммо шу пайт қалъа тарафдан: – “Сизнинг жойингиз у ерда эмас”, деган ғойибона овоз эшитилади. Туя яна кўзғалиб, қалъа томонга юради. Туя чўккан ўрнида эса тип-тиниқ сув чиқа бошлайди. Туя иккинчи марта чўкканида ҳам шундай ҳолат такрорланибди. Охири шу тепалик яқинига келиб тўхтагач, ўша жойда учинчи булоқ кўз очибди. Шу булоқдаги сув билан ибн Абдулқосимни ювиб, кафанлаб расм-русумлар бўйича дафн этибдилар.

Ривоятда айтилган учта булоқ ҳозир ҳам бор. Улар шифобахш хосиятли, қўтир, қавс, чилла каби хасталикларга даво сифатида одамларга минг йиллардан бери хизмат қилмоқда. Ўтган асрнинг 80-йиллари, тепаликнинг ён тарафида зах сувларни қочириш учун зовур қазилди-ю, улардан биттаси – Чиллабулоқ қуриб қолди. Аммо мўъжизани қаранг, одамлар қуриган булоқ атрофидаги тупроқдан ҳам шифо топишяпти.

Шу теварак-атрофда яна тўртта чашма бор. Булар – Каттачашма, Қўшчашма, Совуқбулоқ ва Амир Темур чашмаси. Ҳаммасининг суви ширин, шифобахш. Одамлар ҳозиргача фойдаланишади.

“Амир Темур чашмаси”, Соҳибқирон таваллуди билан боғлиқ бўлиб, бу ҳақда ривоят ҳам бор. Амир Тарағай Баҳодир биринчи хотинидан фарзанд кўрмай,

кейинроқ бухоролик қизга уйланган. Кўп ўтмасдан кенжа хотини ҳомиладор бўлади. Тарағай Баҳодирнинг пирлари туғилажак бола Соҳибқирон бўлиб, етти иқлимга ҳокимлик қилажаги ҳақида башорат қилибдилар.

Ривоятга кўра, шу қудуқ яқинида маликанинг кўзи ёриб, Соҳибқирон дунёга келган...

Мана, ўша булоқ, “Амир Темур чашмаси”! Бу чашма не-не сирлардан воқиф! “Амир Темур бобомиз етти чашманинг ўртасида туғилганлар”, – дейишади қишлоқ кексалари ва уларни бирма-бир кўрсатиб, санаб беришади. Бунда қандайдир бир илоҳий синоат йўқмикан?


Ҳўжаилғор XX аср бошларига қадар анча обод манзил бўлган. Бир нечта масжид ва хонақоҳлар одамлар билан гавжум бўлган. Аҳоли зич яшаган. Бугун улуғвор ўтмишнинг айрим изларигина сақланиб қолган. Қабристон дарвозасининг ўнг томонида асфальтланган супа – қадимий масжиднинг ўрни, у ўтган асрнинг уттизинчи, қирқинчими йилларида баъзи “фаол” одамларнинг фикри билан бузиб ташланган...

Бузишлар, талон-торож ва қатағонлардан муборак Ҳўжаилғор кўп зарар кўрган. Даҳрийлик авж олган йилларда араб ёзувидаги бир неча қоп бебаҳо, нодир китоблар тепаликнинг ён томонидаги чуқурга кўмиб юборилган. Уларнинг ичида оғирлиги бир неча килограмм келадиган, муқоваси чармдан чиройли қилиб ишланган Ҳўжаилғор тарихи ҳам бўлган, дейишади.

Жимжимадор нақш билан арабий хат битилган эски қабртошлар қабристонда кўплаб учрайди, улар ҳар ерда сочилиб ётибди. Ҳеч ким ўрганмаган, нималар битилганлиги қоронғу.

Яна бир ноёб осори атиқа – машҳур Полвонтош ҳам шу ерда сақланмоқда.

Амир Тарағайнинг Ҳўжаилғордаги кўрғончаси қаерда бўлган, у XIX асргача сақланганми? Влади-



мир Череванскийнинг 1898 йили Санкт-Петербургда нашр этилган “Амир Тему́р” романида шундай ёзилган: “Қўрғончанинг ҳозирги кўриниши унинг Амир Тарағай давридаги қиёфасидан кўп фарқланмайди. У қалъага ҳам алоҳида қурилган қўрғончага ҳам ухшамас, кенглигию чоғлиги ҳам ўртамиёна, баланд ва қалин пахса девор билан ўралган эди...”

Ҳозирги кўриниши деганда қайси жой назарда тутилган? Кешнинг шундоққина биқинида, суви лим-мо-лим анҳорлардан бирининг ёнида...

Демак, ўтган асрда бу қўрғонча сақланганмиди?

Бугунги Хужаилғор кўримсизгина бир қишлоқ, эътиборни деярли тортмайди. Қабристон, теракзорлар, боғларга бурканган қишлоқ ҳамда атрофдаги экин далалари...

ХУЖАИЛҒОР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛМОҚДА...

Соҳибқирон таваллуд топган Хужаилғор қишлоғи ўтган чорак аср ичида эътибордан четда қолиб кетган эди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Амир Тему́р шахсига ҳурмат, Соҳибқирон ва temuрийлар даврини қайтадан кашф қилиш, Амир Тему́рнинг нафақат Ўзбекистон, балки дунё халқлари давлатчилигида тутган ўрнини очиб бериш каби хайрли ишлар алақачон бошланган. Тарихнинг шонли саҳифалари ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ҳисларини тарбиялайди, юракларига катта куч ва шижоат бағишлайди.

2018 йилнинг 9 апрелида Хужаилғор тарихида илк бор **“Хужаилғор: қайта кашф қилинган тарих – янги сайёҳлик йўналиши”** мавзусида катта тадбир ва тантаналар бўлиб ўтди. Шу куни Хужаилғор қишлоғига 30.000 дан ортиқ одам тўпланди.

Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рузиев:

- Бундай тантана вилоятимиз тарихида бўлмаган. Қашқадарёда 500 мингдан ортиқ оила истиқомат қилади. Бугун улар оиласи даврасида, маҳалла-кўйларда, таълим муассасаларида, Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган Оқсарой атрофида Амир Темур хотирасига Қуръон тиловат қилиб, бобомиз ҳақида фарзандларига сузлаб бермоқда. Бу анжуманни ҳар йили ўтказишни анъанага айлантирамиз.

Хужаилғор энди обод манзил бўлади. Ҳазрат Амир Темур билан боғлиқ унлаб қадамжолар бор бу қишлоқда. У киши таваллуд топганда сув олинган булоқдан ҳали ҳам шифобахш сув чиқиб турибди. Бу ерда бобомиз ёшликларида кутариб машқ қилган 100 килолик тош сақланиб қолган. Йигитлари билан машқ қилган ғорлар бор. Хуллас, сайёҳларни жалб қиладиган манбалар талайгина. Хужаилғор қишлоғида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу ерда йирик масжид бунёд этилиши режалаштирилмоқда. Зиёрат туризми учун келган сайёҳлар ибодат амалларини бажаришлари учун зарур шароитлар яратамиз. Амир Темур ва темурийлар даврига оид музей ташкил қилиш ниятимиз бор...

Ҳақиқатан ҳам, таваллудининг 682 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу издиҳом, улуғ Соҳибқирон бобомиз ўтказган улкан ва фойзли тўйларни эсга солди. Бир томонда дор ўйинлари, бир томонда кураш, бир томонда чавандозлар мусобақалари, чет элдан келган меҳмонларга лутфу-карам. Тўққизта дошқозонда Амир Темур бобомиз даврида тайёрланган таомлар тайёрланиб, меҳмонларга тарқатилди.

Тадбир давомида Қашқадарё вилоят драма театри актёрлари томонидан тайёрланган лавҳалар ҳам жуда таъсирли чиқди. Қамишзорлар орасидан янги туғил-

ган чақалоқни кўтариб келган Тегинабегим, Темурбекнинг бувиси ва холаси неча асрлардан бери суви тинмаган булоқдан гўдакка сув ичириши саҳнаси, гўдакнинг бешикка беланиши, ёшгина гўдак отга талпиниши ва отга миниб, уни чоптириб кетиши... Тадбир сунгида оппоқ тулпорда буюк саркарда, салтанат соҳиби бўлиб кириб келиши, тўпланганларга гумбурлаган овозда мурожаат қилиши саҳналари томошабинларнинг юракларини тўлқинлантириб юборди.

Саҳна атрофида миллий ҳунармандлик намуналари, халқ ўйинлари намойиши, этнографик чиқишлар, Амир Темур даврини эслатувчи уйғун композиция, далада қурилган ўтовлар хорижлик сайёҳларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Полвон йигитлар Амир Темур машқ қилган тошни кўтаришлари, Соҳибқирон бобомизнинг чет элик элчиларни қабул қилиш саҳналари томошабинлар кўнглида завқ, ғурур туйғуларини жўш урдирди.

Тўйда қатнашган хорижий меҳмонларнинг таассуротлари жуда кўтаринки бўлди:

– Мен Темур ҳақида кўп ўқидим, аммо у туғилган жойни кўргач, ўқиганларим ҳеч нарса бўлмай қолди, – дейди Туркиядан келган тарихчи Бурак Эржиас. – Амир Темур ҳақида билишни ул зот туғилган жойдан бошлаш керак экан.

– Биз Темур ғорида бўлдик, – дейди яна бир туркиялик тадқиқотчи Баҳор Уздемир. – Биласизми, биз тарихнинг ичида бўлдик. Хужаилғорга яна келиб, алоҳида тадқиқотлар олиб боришни ният қилдик. Бу ерлар сир-синаотнинг кони экан.

– Мен Шаҳрисабзга сайёҳ бўлиб келган эдим, меҳмонхонада менга Хужаилғор қишлоғида катта тантана бўлаётганини айтишди ва мен хотиним билан бу ерга келдик. Агар бу ерга келмаганимда бир умр ўзимни кечирмаган бўлардим, – дейди Швейцариядан

ташриф буюрган сайёҳ Эрнст Фогел. – Қаранг, халқ яйрапти. Мен узбекларнинг меҳмондўстлигини билардим, аммо бунда буюк Амир Темур даврида тайёрланган турли таомлар билан меҳмон қилишгани таърифга сиғмайди. Мен айрим таомларни умримда қурмаганман. Ҳаммаси ғаройиб! Бугун ҳамма бир-бирига меҳрибон, бир-бирига кўмакчи. Бизга ҳам хайрихоҳлик билан қарашаяпти, ҳамма бизни меҳмон қилгиси келади. Бундай одамларни дунёнинг бирор мамлакатада кўрмаганман...

Бу сўзларнинг самимийлигига асло шубҳа йўқ. Чунки халқнинг, оддий одамларнинг юз-кўзидаги шодлик, шукроналик, фахр ва ғурур туйғулари “юқумли” бўлади. Юраклардан тошиб чиққан туйғулар бошқа юраклардан жой олади.

Соҳибқирон дунёга келган табаррук Хужаилфорда шундай бир синоат, кўтаринки руҳ бор!

ОЛАМ УЗРА ТАРАЛГАН НУР

Ёхуд Темурбекнинг туғилиши билан боғлиқ ғаройиботлар

Буюк инсонлар туғилган пайти ғайриоддий воқеалар содир бўлгани ҳақида маълумотлар кўп. Булар тарихий фактми ёки кейинчалик тўқиб-бичилганми – аниқлаш мушкул. Айтишларича, буюк Соҳибқирон туғилган чоғда тоғлар бошида чақин чақнаган, еру кўк ларзага келиб, титраган экан.

Улуғ бобомизнинг туғилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятларни кўп эшитганмиз, кўп ўқиганмиз.

– Умуман, буюк шахслар ҳаёти ҳақида турли ривоятлар афсоналар, ҳатто ёлғон-яшиқ гаплар, мишмишлар кўп бўлади, – деган эди улуғ шоиримиз Абдулла Орипов ўз суҳбатларидан бирида. – Бу – табиий. Бундай шахслар уммонда сузиб бораётган улкан кемага ўх-

шайди – изи ҳам шунга яраша, кенг ва мавжли бўлади. Жумладан, Амир Темур ҳазратлари ҳақидаги турли мишмишлару ривоятлар ҳам ҳали у киши ҳаётлигидаёқ кенг тарқала бошлаган. Масалан, у кишининг дунёга келишини бевосита илоҳият билан боғлашган – ҳазрат туғилганида вулқон отилган, чақмоқ чаққан экан ва ҳоказо.

Бу – буюкликнинг белгиси.

Ривоятларга қараганда, кунлардан бир кун Соҳибқироннинг саккизинчи бобоси Қочувли баҳодир туш кўрибди. Тушида унинг кўйнидан бир юлдуз учиб чиқиб, жамол кўргизибди, шу заҳотиёқ сўнибди, кейин иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси ярқираб чиқибди, бари сўнаверибди. Бу ҳол етти марта такрорланибди. Бироқ саккизинчи мартасида катта порлоқ юлдуз отилиб чиқибди-ю, бутун дунёни ёритиб юборипти! Мана шу Амир Темур юлдузи, деб тахмин қилинади.

Ундан яна бир кичик юлдузлар пайдо бўлипти, катта порлоқ юлдуз мағриб чизигига бош кўйиб сўнгандан кейин кичик юлдузлар порлашда давом этибдилар...

Нақл этилишича, Соҳибқирон ҳали дунёга келмасидан бурун ул зотнинг падари бузруквори Амир Тарағайга тушида нуроний бир зот қилич ҳадя этган экан. Амир қилични кўлига олиб, ҳавода ўйнатганида, қилич юзидан таралган нурдан олам ёришиб кетибди. Амир Тарағай бу ғаройиб тушни ўзининг пири комили Амир Кулолга айтганида у: “Бир ўғил туғилажаги ва қилич-ла дунёни фатҳ этиб, ислому имон учун катта ишларни амалга оширажагини” башорат этибди.

Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида Амир Темурнинг дунёга келиши ҳақидаги фикрлар бадий тарзда ҳикоя қилинган. Масалан, Амир Темур дунёга келмасидан олдинги воқеалар кўйидагича талқин этилган:

“Тегина бегим моҳни туғори яқин келган вақтда, Йукуна хоним бир кечаси туш кўрдиким, Тегина бегим моҳ этакидин Қуёш тулуъ қилиб, Машрикдан Мағрибга боруб, тамом оламни олди. Андин Ҳиндистон сариға майл қилди. Урнидан туриб отасидин қолган бир ғуломи, яъни қули бор эрди, оти Мойдун эди, они чақириб, Йукуна хоним айтди: “Тегина бегимни тушимда андоғ кўрдум, бир таъбирга етук киши бўлса, ушбу тушни сўрғил” деб воқеани баён қилди... Қул: “Самарқанд вилоятида бир мағорада оти Сабулак ота деган киши ҳар қандай мушкул сўз бўлса ҳал қилур эрмиш” дегач, Мойдунни Сабулак ота сариға юборди... Сабулак ота айди: “Тарихнинг етти юз ўтуз бешида бир ўғули соҳибқирон вужудга келадур. Гумон қилурман, тулуъи Кавкабнинг вақтига қарағонда яқиндурким, ул ўғул онадин ер юзига туғулур соҳибқирон бўлиб, етти иқлимни олғай, онинг авлоди саккиз юз йил салтанат сурғай”... Йукуна хонимга келиб баёни воқеа таъбирини айди. Анга рашк ўти шуъла урди. Қулиға айдиким, “Бир иш қилиб, Тегина бегим моҳни ўлдурайлук...”

Асарнинг давомида Амир Темур дунёга келаётган йилда етти иқлим подшоҳлари (Рум Қайсари, Бағдод маликаси, Дилшод хотун, Шоҳ Шужоъ, Ҳиндистон беги ва подшоҳи Малик Раъно Биллихон, Фаранг подшоҳи, Хитой ва еттинчи Тотор-урус подшоҳлари ҳам худди шундай ташвишга тушганлар) соҳибқирон туғилмасданоқ, уни йўқ қилиш режасини тузишгани ҳақида ҳикоялар берилган. Таъкидланишича, улардан уч нафари мусулмон, тўрт нафари ғайридин подшоҳлардан бўлган. Барчаси Мовароуннаҳр ҳукмдори, аниқроғи, Баёнқулихонга хабар бериш учун Бухорога элчилар жўнатган. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари иштирокида элчилар билан учрашув-йиғин ўтказилган ва туғилажак гўдак – Соҳибқиронни ўлдиришга қарор қилинган.

Муаллиф ўз асарида Амир Темурнинг таваллуд кунини (соати) юқоридаги воқеаларга боғланишини ўтмиш битикларидаги каби бадий бўрттириш ёки тасодифий деб ҳисобламайди. Балки унга олдиндан башорат қилинган ҳодиса деб қараб, Темур шахсиятини янада улуғлайди. Бўрттиришлар, бадий ҳикоялар орқали Соҳибқирон келгусида қандай буюк шахс бўлишини олдиндан башорат қилади.

Туғри, тарихий-бадий асарлар қаҳрамони бўлган буюк шахслар, машҳур шахзодалар тахт-салтанатга эришгунга қадар оғир ва машаққатли кунларни бошларидан кечирадилар, ўлимга ва даҳшатли ҳодисаларга дуч келдилар. Лекин ҳеч бири Амир Темурдек ҳали туғилмасиданоқ бало-қазога рўбарў келмаган.

Жаҳон тождорининг кичик замондоши Ибн Арабшоҳ ёзиб қолдирган маълумотлар ҳам қизиқарли.

Ибн Арабшоҳ (1389–1450) ўн икки яшарлигида Амир Темур фармонига биноан Дамашқдан қариндошлари, илму ҳунар аҳли билан бирга Самарқандга олиб келинган. Жаҳон пойтахтида етти йил яшаб, таҳсил кўрган. Унинг “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур” (“Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асари ўша даврдаги сарой тарихчилари китобларидан ажралиб туради. Олимлар Ибн Арабшоҳни матнда бадий безакка берилиб кетиш, шахсий адоватини аралаштириб юбориш – холисликка қатъий риоя қилмасликда ҳам айблайди.

“Ажойиб ул-мақдур”да ғаройиб ҳодисадан суз очилади: “Ҳикоя қиладиларки, (Темур) туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учкунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва ўйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлди-

риб юборган эмиш (Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. – Тошкент: “Меҳнат”, 1992 йил. 68-бет).

“...кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса” дафъатан учар ликопчалар ҳақидаги гапларни ёдга солади.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига оид афсона ва ривоятлардан унинг шахсиятини улуғлаш, бошқа ҳукмдорлардан фарқли жиҳатларини, ўзига хос буюк шахслигини китобхон кўз ўнгида бадиий тарзда таъсирчан тасвирлаш учун ўринли фойдаланилган.

Фикримиз интиҳосида рус мутафаккири Николай Бердяевнинг: “Тарих том маънодаги афсонадир”, деган эътирофини эслаб, сўзни мухтасар қиламиз.

ТЕМУРБЕКНИНГ БОЛАЛИГИ КЕЧГАН МАНЗИЛЛАР

Юртимизда, умуман, Осиё минтақасида “Дархон” номли манзиллар кўп. Муғулистонда Дархон шаҳри бор. Аммо уларнинг энг машҳури Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Дархон қишлоғи саналади. Нақл қилишларича, Амир Темур бу қишлоққа кўп марта ташриф буюрган. Соҳибқиронга доно маслаҳатлар берган оқила Турғил (Дархон) момо шу манзилда яшган. Қолаверса, Темурбек таваллуд топган Хўжаилғор қишлоғи ҳам бу ердан унча олис эмас.

“Зафар йўли” китобида қуйидаги ривоят келтирилади: Темурбек навкар тўплаш ва ҳокимиятни қўлга киритиш истагида юрт кезиб юриб, бир куни шу қишлоқдаги (у пайтда қишлоқ, эҳтимол, Дархон деб аталмаган) Турғил момонинг ҳовлисига тушади. Момо уни атала билан сийлайди. Очиқиб, шошиб атала ичаётган Темурбекнинг оғзи куяди. Бунни кузатиб турган момо: “Ўғлим, сен ҳам Темурбек каби шошқалоқ кўринасан”,

дейди. Момо бу меҳмон Темурбекнинг ўзи эканини билмаган. Шунда меҳмон сергакланиб: “Момо, Темур қандай шошқалоқлик қилганди”, деб сўрайди. “Темур Қарши қалъасини оламан, деб тўппа-тўғри шаҳарга хужум қилди. Оқибатда, оғзи куйиб, чекинди. Аввал аста-секин, теварак-атрофдаги қишлоқларни эгалласа, иши осон кўчар эди”, дейди момо.

Амир Темур бу ўғитга амал қилиб, Қарши қалъасини қўлга киритади. Қарши шаҳри Темурбекнинг кейинги зафарларига дебоча бўлди. Юрт ҳукмдори этиб сайлангач, Турғил момо ҳузурига келиб: “Тиланг тилагингизни!” дейди. Момо: “Менга мол-дунёнинг кераги йўқ! Ариқ қаздириб, улусга Қизилдарёдан сув чиқариб берсалар”, дейди. Шундан сўнг Амир Темурнинг буйруғи билан Дархон ариғи қазилиб, Қизилдарёдан сув келтирилган.

Ўша даврда аёлларимиз садоқатли, оқила ва маънавиятли бўлганлиги сабабли уларга бўлган муносабат ҳам юксак бўлган. Жумладан, Амир Темур нафақат сарой маликалари, балки, раиятнинг оқила аҳли аёлларининг фикрларини инобатга олганлигига тарих, хусусан, Турғил (Дархон) момо ҳақидаги ривоят ҳам гувоҳлик беради.

Муғулча “дархон” (“тархон”) атамаси темирчи, косиб, озод киши маъноларини англатади. Қадимда айрим кишиларга эл-юрт ва давлат олдидаги катта хизматлари учун тархонлик унвони берилган. Тархонлар кўп имтиёзларга эга бўлишган. Улар солиқлардан озод этилган, ер-сувлар суюрғол қилиб берилган ёки муайян ҳудудларнинг бож-хирожи уларга бағишланган. Тўққизтагача гуноҳлари кечирилган. Тархонлик унвони бир неча авлодга мерос бўлиб ўтган. Бу маълумотлардан мантиқий хулоса шуки, юртимиздаги Дархон номи билан аталувчи қишлоқ, маҳалла ва бошқа манзилларда ўтмишда имтиёзли тоифа саналган тархонлар истиқомат қилишган.

Соҳибқирон топшириғига кўра қазилган Дархонариқ бугун ҳам эл-юртга хизмат қилаётир. Ушбу баракали ариқ ҳозир Дархондан ташқари яна 13 та қишлоқни сув билан таъминлайди. Қизилдарёдан бошланиб, Кенггузар, Жарқишлоқ ва Бешўғил қишлоқларининг адоғидан сўнг тармоқларга бўлиниб кетади. Дархон қишлоғидаги Маккасаид ота зиёратгоҳи ёнидан “Азлар (Азизлар) ариқ” тармоғи оқиб ўтади. Азларариқнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳам қизиқ ривоят мавжуд. Дархон қишлоғи ва Қизилдарё ўртасида баланд-баланд қирлар бор. Ариқ суви адирларнинг қоқ ўртасидан чуқур жарлик ҳосил қилиб оқади. Айрим жойларда жарлик (“Жаркўприк”)нинг чуқурлиги 100 метрдан ошади. Ўтмишда бугунгидек қудратли техникалар бўлмаган, оддий кетмон ва белкураклар билан қир-адирларни мойдек кесиб, қандай қилиб ариқ қазилган? Ривоятга кўра, ҳазрат Маккасаид ота ҳассаси билан қир-адирларни қоқ иккига бўлиб ўтувчи ариқ ўрнини белгилаб берган эканлар. Авлиё ҳассасини судраб ўтган жойлардан сув оққан. Азларариқ – Маккасаид отанинг каромати туфайли пайдо бўлган...

Умуман олганда, авлиё зотларнинг шарофати билан турли манзилларга сув келгани, хосиятли ва шифобахш қудуқ ёки булоқ пайдо бўлиши ҳақида бир-бирига ўхшаш ривоятлар анчагина топилади. Масалан, Китоб туманидаги Хужаилмкони қишлоғида мўъжизавий кориз (ерости ариғи) ҳозир ҳам бор. Кўп асрлардан буён қишлоқни сув билан таъминлаб келаётган мазкур кориз ўрнини нақшбандийлик тариқатининг пири муршиди, ҳазрат Хожа Имканагий ҳассаси билан белгилаб берган эканлар.

Маккасаид ота ким бўлганлар? Ул зот кўп асрлар бурун иймон-эътиқод ва ислом нуруни ёйиш учун Маккаи мукаррамадан келиб, шу манзилда макон тутган. Асл исмлари Ибн Қосим Хожа Аҳмад бўлиб, оддий

ҳалқ “Маккалик саййид” – Маккасаид ота, дея атаган. Теварак-атрофдаги қишлоқлар аҳли ул зотнинг илмидан баҳраманд бўлган. Тўрт нафар биродари Самарқанд томонларда илму маърифат ёйганлар. Эмин Саййид Самарқандда, Дом Саййид Даҳбедда, Бўрон Саййид эса Каттакўрғонда умр кечирганлари нақл қилинади.

Ҳалқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятда айтилишича, Маккасаид ота вафот этмаган, у киши сирли равишда “ғойиб” бўлган экан. Йиллар давомида дараги топилмагач, шу жойда рамзий қабр ва мақбара бунёд этилган. Пок иймонли зиёратчиларга Маккасаид ота бугун ҳам кўриниш беради, деган ақида мавжуд. Ҳатто Азларарикдан таҳоратга сув олиб, хонақоҳга чиқиб кетаётган авлиёни кўрганлар ҳам бор, дейишади.

Сирли “ғойиб” бўлган, шу боисдан барҳаёт, деб ҳисобланувчи зотлардан яна бир нечаси тарихдан маълум. Масалан, Исо пайғамбар, ҳазрати Хизр, Шоҳи Зинда зиёратгоҳидаги “тирик шоҳ” Қусам ибн Аббос сингари улуғлар шулар жумласидандир.

Баланд тепалик устидаги Маккасаид ота хонақоҳи узоқлардан кўриниб туради. Одамлар табаррук қадамжо ёнида от-уловлардан тушиб, пиёда юриб ўтганлар. Шўро тузуми даврида зиёратгоҳ қаровсиз бўлиб қолди. Аммо ўша қаттол замонларда ҳам маҳаллий аҳолининг бу улуғ зотга эҳтироми сўнмади.

Маккасаид ота ҳақида маълумотлар жуда кам. Улар асосан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ривоятлардан иборат. Афсуски, истибдод йилларида кўплаб бебаҳо китоблар аёвсиз йўқ қилинган. Кўҳна Дархон қишлоғи ва Маккасаид ота тарихи хануз ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Яхши кунларнинг бирида улар ҳақидаги манбалар топилиб қолса, ажаб эмас.

Мустақиллик йиллари зиёратгоҳ қайта тикланиб, авлиё қабри устида мовий гумбаз бунёд этилди. Мак-

касаид ота шахси ислом оламидаги улуғ зотлар қаторида эъзозланди. Бугун узоқ-яқин юртлардан зиёратга келаётганлар сони тобора ошиб бормоқда.

Дархон қишлоғи Шаҳрисабз шаҳридан 9–10 чақирим жойда, адирликлар этагида жойлашган. Бу ердан яшилликка бурканган шаҳар, унинг мовий гумбазлари ва маҳобатли Оқсарой яққол кўриниб туради.

Кеш (Шаҳрисабз) Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг маънавий пойтахти, “Қуббат-ул илм вал-адаб”, яъни илм ва одоб қуббаси, дея улуғланган. Шаҳар яқинидаги Хужаилғор, Дархон, Мучин, Қовчин, Ҳазора, Водруғ, Темирчи, Чуқун, Дуқчи (Туғчи), Мираки, Хужаилмкони каби тарихий манзилларда ёвқур амирлар, ҳарбийлар ва зиёли зотлар яшашган.

Жой номлари тарихдан сўйлайди. Соҳибқироннинг кўпгина амир ва навкарлари Қовчин уруғига мансуб бўлган. Вилоят ҳудудида Қовчин номли қишлоқ ва маҳаллалар кўп учрайди. Ҳазорада номига кўра, минглик ҳарбий қисм жойлашган. Темирчи – қуролсоз усталар қишлоғи. Чуқун – кенагас саркардалар боргоҳи. Дуқчи (туғчи) – илғор (авонғор – авангард) қисм қароргоҳи бўлгани англашилади. Миракининг асл номи “Амир арки”, кексалар ушбу хушманзара тоғли манзилда Соҳибқирон кушки бўлганини айтишади.

Ўтмишда Китоб туманидаги Хужаилмкони қишлоғида жуда катта кутубхона фаолият юритган. Муаррихларга кўра, бу зиё маскани ҳозирги Арманистон ҳудудидаги машҳур Матендаран кутубхонасидан ҳам бойроқ саналган. Баланд адирликдаги кутубхонага улкан зинапоя орқали чиқиб борилган. Унинг ёнида нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ҳазрат Хожа Импанагий хонақоҳи олисдан кўриниб туради. 1917 йилги тўнтаришга қадар Бухоро амирлари ҳар йили бу ерга зиёратга келган. Эҳтиром юзасидан от-уловлардан ту-

шилиб, ҳатто пойабзаллар ечиб қолдирилган жой ҳозир ҳам Ковушқишлоқ деб аталади. Юрт ҳукмдори – Амир бошчилигида зинадан ихлос ила кўтарилиш жуда ҳаяжонли маърифий тадбир саналган. Бухоронинг сўнги ҳукмдори Амир Олимхон иштирокидаги ана шундай тадбирда қатнашган кексаларнинг эслашича, юқорига кўтарилаётган зиёратчилар ҳар бир пиллапояда эҳсонлар қолдиришган. Узун ғиштин йулакка жаранглатиб тилла ва кумуш тангалар сочилган...

Афсуски, тарих, илм ва эътиқодга қарши кураш авж олган йилларда маҳобатли зина бузилиб, ғиштлари... вино заводи қурилишига ишлатилган. Ҳужаилмкони (илмлар кони)да асрларга гувоҳ бўлган кўплаб чинорлар яшнаб туради. Улардан бирининг ковагида бир ўқитувчи ва 15–20 чоғли ўқувчи сиғадиган мактаб фаолият кўрсатган.

Қисқаси, бу файзли манзилларда буюк алломалар улғайган, улуғ Соҳибқироннинг болалиги ва ёшлик даври кечган.

ЎХШАШИ ЙЎҚ СИЙМО

Дунё тарихида бугунга қадар уч нафар Соҳибқирон ўтгани эътироф қилинади. Не бахтки, инсоният оламидаги ўта ноёб феномен – Соҳибқирон фарзандлардан бири бизнинг миллатимизга насиб қилган.

Соҳибқирон Амир Темур Қурагоний ибн Муҳаммад Тарағай Баҳодир – инсоният тарихида абадий из қолдирган улуғ сиймолардан бири. Бу зотнинг улуғворлиги шу қадар беқиёски, ҳатто миллий ҳудудлар торлик қилади. Соҳибқирон ҳар қандай қиёслашларга, ўлчовларга сиғмайдиган улуғ зот бўлганлигидан, уни ўтмишдаги бирон тарихий шахс билан таққослаб ҳам бўлмайди. Амир Темур фақат ўзига ўхшаши мумкин.

Ўттиз беш йил (1370–1405) ҳукм сурган Соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё ҳудудини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, Ҳинд ва Гангадан то Орол денгизигача, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан салтанат барпо этди. Самарқандни Турон салтанатининг пойтахти деб белгилади. Амир Темур, ҳукми остидаги бепоён ҳудудлар жихатидан ҳамда улкан салтанат тузган ҳукмдор сифатида Ватанимиз тарихида ягона, дунё тарихидаги саноқли сиймолардан бири саналади.

Амир Темур, энг аввало, улкан Турон давлатини тузган ватанпарвар, дунё тарихида ўчмас из қолдирган бунёдкор, буюк давлат арбоби, ватанимиз ва минтақадаги бошқа халқларни мўғул босқинчиларидан озод этган халоскордир. Шу билан бирга, турли жабҳалардаги бетакрор ибрати билан инсониятга улкан дастур қолдирган даҳодир.

Қуйида фақат Соҳибқирон Амир Темур ва унинг давлатига хос жиҳатларнинг айримларини санаб ўтамиз.

СОҲИБҚИРОН, БАҲЛОС, ҚЎРАҒОН, ТАРАҒАЙ...

Амир Темур ҳазратлари каби оламшумул шахслар кўп асрлар оралиғида бир маротаба дунёга келади. Бу улуғ тарихда тақдири азал ҳукмига хос илоҳий ишораларга ҳам эътибор қаратиш – ўринли.

Хусусан, ровийларга кўра, тўртинчи осмонда етти юлдуз бор, қачонки бу етти юлдуз саратон ойида Жадий буржига кириб, бир жойга тўпланса ва ўша вақтда фарзанд туғилса, унга то ўлгунича ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Чунки шу вақтда Аллоҳи таоло дунёни офарида қилган (яратган). Муаррих Шарафиддин Али Яздий ёзадики: “Уч фарзанд шу вақтларда туғилган. Биринчиси – ҳазрати Искандар, иккинчиси – ҳазрати Муҳам-

мад саллалоҳу алайҳи васаллам, учинчиси – ҳазрати Амир Темури Соҳибқирон”.

“Темури тузуклари” ва “Темуринома” асарида “Соҳибқирон” сўзининг маъноси ҳамда келиб чиқиши қуйидагича изоҳланади:

“Соҳибқирон – Амир Темурининг лақабини англатган; бу сўз “соҳиб” ва “қирон” сўзларининг бирикувидан шаклланган; форс-тожикча “соҳиб” қисми туркий-ўзбекчада “эга” маъносини ифодалайди; арабча “қирон” сўзи эса илми нужумда икки шарофатли сайёра, Зуҳра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) ўз ҳаракатида бир-бирига қараб яқинлашган ҳолатини, “қирон буржи” ва уни бахт-саодат аломати, деб қаралган. Шу пайтда туғилган фарзанд тақдири бахт-саодатли инсон ёки буюк ҳукмрон бўларкан. Умуман, Соҳибқирон – мазкур икки сайёра бир-бирига яқинлашган вақтда туғилган бахтиёр ҳукмрон ёки подшоҳ демакдир”.

Бу фикр “Темуринома” асарининг “Эмди Амир Темури Соҳибқирон онадан туғулмоқи воқеасини эшитинг” номли (сарлавҳали) қисмида баён этилган: “... қай вақт ҳар етти кавкаб толеъи саратонда жадй буржинда маъитда бўлса қирон бўлулар. Шундай вақтга ўғул вужудга келса, толеъи масъуд ўлури. Шу соатда Тангри таборак ва таоло оламини яратибдур. Ҳар фарзанд шу соатда таваллуд бўлса, онинг толеъи охир умригача доимо иқболи масъуддир...”

“Соҳибқирон” сўзининг арабча “саодатли, зафарли, ғолиб” маънолари бор. Илми нужум (астрология) да ва афсоналарда Зуҳро (Венера) – дўстлик ва меҳру муҳаббат туғёнларини инъом айлагувчи, Муштарий (Юпитер) – омаду иқбол, музаффарият ва шодиёналар сайёраси деб таърифланади. Шу икки сайёранинг бир буржда учрашган вақти саодатли лаҳзалардир, уни қирон дейдилар (Аллоҳ таоло шу дамда оламини ярат-

ган экан), шундай вақтда туғилган бола “қирон соҳиби” ҳисобланади.

Соҳибқиронликка лойиқ сиймолар салтанат эгаси бўлиш билан биргаликда, юксак маънавият соҳиби, умуман, комил инсон, баркамол шахс ҳам бўлиши лозимдир. Балки шу боис, ушбу номга саноқли сиймолар муяссар бўла олган.

Ривоятга кўра, бундай ҳолат саккиз юз йилда бир марта рўй берар экан. Искандар Зулқарнайн (Македониялик Александр), сунгра пайғамбаримиз Расули Акрам Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратлари туғилганида шундай бўлган – осмони фалакда Муштарий ва Зухро юлдузлари бир-бири билан бақамти келиб, қирон буржида учрашган. Айнан шу сонияда туғилган бола Соҳибқирон бўлиб етишади, деган ақида қадимдан мавжуд. Юқорида айтилганидек, бундай боланинг бахтли, улуғ мартабалар эгаси бўлиши олдиндан башорат этилади.

Савол туғилади: уша сонияда биргина Амир Темури ҳазратлари туғилмаган-ку? Нега қолганлар бундай улуғ мартабага эришмаганлар? Аввало, бобомизга Яратган Парвардигор буюк истеъдод берган ва айна пайтда у кишининг елкасига буюк бир тарихий юмуш ҳам юклаган.

“Соҳибқирон”нинг яна бир таърифи – Шарқ мамлакатларида улуғ ҳукмдорларга бериладиган шарафли унвонни англатади. Масалан, “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) асарида Ҳафиз Таниш Бухорий соҳибқиронлар сафига Абдуллахон номини ҳам киритади.

Бу каби фикрларни ҳисобга олсак, соҳибқиронликка муяссар бўлган подшоҳлар номи тарихий манбаларда кўп кўрсатилган. Масалан, Алоуддин Отамалик Жуваний (1226–1283), Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний (тахминан 1247–1318), Ҳамидуллоҳ Мус-

тофий Қазвиний (1281–1349) каби муаррихларнинг асарларида бир қанча ҳукмдорлар “Соҳибқирон” номи билан тилга олинган.

Тарихий-бадий асарларда соҳибқирони аъзам сифатида беш нафар жаҳонгир султон (ҳукмдорлар) ва улар сулоласи ҳақида маълумотлар берилган. Баъзи манбаларда эса олти нафар соҳибқирон ўтган, деб қайд этилади. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида Чингизхон ҳам соҳибқирон подшоҳлар қаторида тилга олинади...

Тарихий манбаларда Соҳибқирон Амир Темур шунингдек, “Абулмансур” – “ғалаба келтирувчи”, “Қутбиддин” – замона пешвоси, йўл кўрсатувчи, “Соҳиби жаҳон” ва “Соҳиби адл” – Адолат соҳиби номлари билан ҳам улуғланади.

БАРЛОСЛАР. Амир Темур мансуб бўлган барлос уруғи қадимий турк қавмларидан бўлиб, кўҳна луғатларнинг бирида ёзилишича, “барлос” калимаси “бургут” маъносини англатган. Ривоятнамо тарзда битилган “Темурнома” муаллифи Салоҳиддин Тошкандийнинг ёзишига кура, “барлос” маъноси “қилични қинга солмаганин айтурлар”.

Кўҳна асотирлару бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, “турк” калимаси “қиличли одам” маъносида келишини эътиборга олсак, барлосларнинг туркий қавмга мансублиги яна бир қарра ойдинлашади.

Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” номли қомусида “барлос” сўзига шундай шарҳ берилган: “Ўзбек қавмларидан бирининг исмидир; жанговар, сипоҳдор, солор” (1-жилд, 74-бет; ҳижрий 1298. Истанбул нашри).

XIX асрда яшаган муаррих Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний “Жоме ат-таворих” асарида ёзишича, туркий уруғлар ўзларини насабдор ва улуғ эканларини

кўрсатиш учун Чингиз ва унинг уруғи мўғул бўлганлигига қараб, ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар. Ваҳоланки, жалойир, татар, уйрот, унгут, кераит, найман, тангут каби қабилалар ҳам қадимги вақтда мўғулларни тан олмаганлигига қарамасдан, энди мақтаниб ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари ўзларини қадимги вақтлардан бери мўғулларга қўшилиб келган, деб ҳаёл қиладилар. Ҳолбуки, қадимги замонларда мўғулларнинг ўзлари ҳам чўлларда яшовчи туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган, холос”.

Бу мулоҳаза барлос уруғига ҳам бевосита тегишлидир.

“КҲРАГОН” АТАМАСИ ХУСУСИДА. Қадимдан подшоҳлар исмига турли унвонлар қўшиб айтилган. Ушбу унвонлар уларнинг қайсидир бир хислатларини ҳисобга олган ҳолда берилган. Хусусан, Соҳибқирон 1370 йилда собиқ ҳукмдор Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга уйланади ва мўғул тилида “Кўрагон”, яъни “Хон куёви” деган ном олади. Қозонхон Чингизхоннинг ўғли Чиғатой авлодларидан бири эди.

Туркий халқлардан бўлмиш ёқут, бурят, мўғул ва шу каби кўплаб қавмлар кучиш асносида Энасой, Ангара, Лена ва бошқа дарёлар оша тобора шимол қаърига кириб бораверади. “У пайтларда ҳозирги ёқутлар куриканлар деб аталган. Биз ушбу этнонимни товушдош, оҳангдош бир неча бошқа сузлар билан солиштирган ҳолда хулосани ўқувчининг ўзига қолдирамиз. Курикан – ҳозирги ёқутларнинг қадимги номи. Хуриган – ҳозирги бурят, мўғул ва бошқаларда “куёв”, “почча” маъносини билдиради. Бу жойда биз Амир Темир Кўрагонни айтиб утмоқчимиз”.¹

¹ *Йулдошев Маҳмуд.* Алпларнинг қаноти. “Маърифат” газетаси, 2003 йил, 26 март.

Амир Темурга кўрагон унвонини берилиши ва унинг туб маъноси олимлар ўртасида мунозарали мавзулардан биридир. Бир гуруҳ олимлар кўрагон Амир Темурга берилган унвон деб ҳисоблашса, унга қарши бошқа гуруҳ олимлар, бу унвон эмас, балки уруғ номи эканлигини таъкидлашади. Айрим тадқиқотчилар “кўрагон” атамасини хоннинг куёви эмас, балки “баҳодир” сифатида талқин этишган. “Кўрагон” муғулчада хоннинг куёви маъносини англатса, туркчада “Кур”, “Кўрагон (Гургон)” атамалари “баҳодир” маъносини англатади.

Амир Темур зарб эттирган тангаларда араб алифбосида “Кургон”, Амир Темурнинг қабр тошида эса “Гургон” тарзида ёзилган. Кўрагон атамасини “баҳодир” сифатида талқин қилувчилар, Амир Темурнинг биринчи ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони 1374 йили 18 ёшида Олтин Ўрда хонининг набираси Хонзода (Севинчбека) бегимга уйланганлиги ва 20 ёшида вафот этиб, лекин тарихда “кўрагон” деган унвонини олмаганлиги, унинг вафотидан сўнг бева қолган Хонзода бегимга 1383 йили Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ уйланиб, “кўрагон” деб аталганлигини ҳам асос сифатида кўрсатадилар.

Европалик сайёҳ Ҳерман Вамбери “кўрагон” терминига турлича ёндошган. Жумладан, уни уруғнинг бир тармоғи сифатида, яна бир таърифида эса “куркли ва кўркам”, деб эътироф этган. Бироқ иккала фикрда ҳам уруғга ишора қилган. Шу нуқтаи назардан, у Темурнинг уруғи барлос бўлса-да, лекин кўрагон уруғнинг бир тармоғи, яъни Барлос уруғининг кўрагон (кўркли, кўркам) тармоғидан деб ҳисоблаган.

Юқорида айтилганидек, айрим тадқиқотчилар “кўрагон” терминини хоннинг куёви маъносида ишлатганлар. Хусусан Ибн Арабшоҳ “Темур Хитой хонлари қизига уйланганлиги сабабли “Кўрагон” унвони-

ни олган ва бу атама муғулчасига “хатан” – хон куёви деган маънони англатади”, деб ёзади. Бунга Чингизхоннинг отаси Ясугай Баҳодир уғлига совчи бўлиб, Дайчеченнинг хузурига борганида, у “Майли, қизимни берай, сен эса ўғлингни “Куёв” (гурген, курген) қилиб ташлаб кетавер”, деган ва Чингизхон ҳамда унинг авлодлари қизларига уйланганлар “кўрагон” – хоннинг куёви унвонини олганлар.

Бундан кўринадики, Ибн Арабшоҳ муғуллардаги мавжуд урф-одатни ва Амир Темурни Чиғатой улусига мансуб бўлган муғул хонларидан Қозонхонининг қизи Сароймулкхоним (Бибихоним)га уйланганлигини асос қилиб олган. Бундан ташқари, француз тарихчиси Люсьен Керен ҳам Амир Темурни Чингизхон авлодидан бўлмиш маликага уйланганлиги боис, хоннинг куёви сифатида талқин этади.

Тарихчи олим Турғун Файзиев ўзининг “Темурийлар шажараси” асарида “кўрагон” атамасига тўхталиб, уни хоннинг куёви маъносини англатишини ва шу нуқтаи назардан Амир Темурнинг Сароймулкхонимга уйланиши натижасида “кўрагон” – яъни хоннинг куёви унвонига эга бўлганини ёзади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Амир Темур ва темурийлар исмида “кўрагон” атамасининг учраши борасида тарихчи олимлар ўртасида ҳали бир тўхтамага келинмаган ва бу ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган мавзулардан биридир.

“ТАРАҒАЙ”НИНГ МАЪНОСИ. “Тарағай” сўзининг маъноси ҳақида ҳам баҳсли ўринлар кўп. Аммо оқсоқол адибимиз Пиримқул Қодиров “тарағай” сўзи тўғрисида лунда фикрни айтиб ўтганлар:

“Жуда уятли томони шуки, ҳамон Амир Тарағай баҳодир номини “Тўрғай” деб ёзиш ҳоллари учраб турибди. Бу бирор мантиққа тўғри келмайди. Тўрғай –

миттигина сайроқ куш бўлиб, шавкатли амирга бундай нисбат бериш одобдан эмас. Тарағай сўзи **“нурдай таралсин, кўпайсин, катта ҳудудларни эгалласин”**, деган маънони беради”.

(П.Қодиров, “Амир Темур сиймоси” асари,
– Т, “Ўзбекистон” НМИУ, 2007 йил)

ОНА

Ер юзи минтақаларида оналар шарафига тикланган турфа ёдгорликлар кўп. Бу табиий ҳол. Зеро, фарзанд тарбияси она қорнидаёқ бошланади, инсон боласи дунё саноатларини она сути ва меҳри орқали англай бошлайди. Юртимизда она шарафига барпо этилган муаззам бир обида бор, у олти асрдан бери дунё аҳлини ҳайратлантириб келаётир. Бу обида – Шаҳрисабз шаҳридаги бетакрор Оқсаройдир.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1380 йилда Амир Темур онасига бўлган ҳурматини жойига қўйиш, азиз хотирасини абадийлаштириш ниятида унинг шарафига Шаҳрисабзда Оқсарой қурилишини бошлайди.

Қуйидаги мухтасар изланишлар Оқсарой хусусида эмас. Ватан халоскори ва адолат пешвоси бўлмиш улуғ фарзандни дунёга келтириб улғайтирган Она, Соҳибқирон Амир Темурнинг волидаси Тегина бегим Моҳ ҳақидаги айрим тарихий маълумот ва ривоятларни баён қилмоқчиман.

Амир Темурнинг онаси Тегина бегим Моҳ (манбаларда Тегина бегим Моҳ, Такина хотун, Тегина Моҳбегим, Некузбиби шаклида ҳам учрайди) Бухорои шарифда машҳур олим Садр уш-шариъа (шариат улуғи) Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Маҳбубий Бухорий хонадонидан дунёга келган.

Тегина бегим вояга етгач, Шаҳрисабз ҳокими, барлос бекларидан бўлмиш Муҳаммад Тарағайга никоҳланади. Бу ҳақда Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” китобида шундай бир ривоят келтирилган: “Ушал замонда Бухорои шарифда садр аш-шаърият, соҳиби “Шарҳ виқойа”, ушул асрнинг муллоси эрдилар. Бир куни дарс айтиб ўлтуриб эрдилар, бир қаландар келди. Айтди: “Тегина бегим Моҳ деган қизни куёвга беринг, андин бир ўғул туғуладур, ани “жаҳонгир” ва “соҳибқирон” дерлар.

...Тарағай Баҳодур Бухорои шарифга етгач, тўғри Шайх ул-Оламни олдиларига кириб келди. Шайх ул-Оламни кўрди, суфийлар ҳалқасида муроқабада ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул-Олам бошларини кўтариб, айдилар: “Марҳабо, сафо келдинг, эй, соҳибқирон отаси”.

...Андин кейин Тегина бегим Моҳимни амир Тарағай баҳодурга аҳд қилдилар. Куёш жадй даражасида эрди. Ушал нутфаи пок соати Зуҳалда ота силабидин она ботинига боғланди”¹.

Соҳибқирон тарихига оид ишончли манбалардан саналмиш Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг муқаддимасида қуйидагиларни ўқиймиз: “Шаъбон ойининг йигирма бешиди, тарих етти юз ўттиз олтида, сичқон йиликим (8.04.1336), мўғулларнинг йили била мувофиқ турур, Кеши (Шаҳрисабз. – Б.Ҳ.) дилкаш вилоятида, Тагина хотунким, шаръи мутаххара йусини била ул амири динпарварнинг никоҳида эрди, андин ҳазрат Соҳибқирон кун киби зоҳир бўлди”.

Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган китобларда Тегина бегим Моҳ ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Аксар маълумотлар халқ оғзаки ижоди, дoston ва

¹ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. – Тошкент, “Чулпон”, 1991. – Б. 45.

ривоятлар шаклида бизгача етиб келган. Аммо мазкур маълумотларни тафаккур ишига тизиб, мантиқий таҳлил этсак, улуғ Соҳибқирон даҳосининг айрим синоатларидан воқиф буламиз.

Тегина бегим Моҳ уз замонасининг забардаст олими хонадониди юксак тарбия топган. Муҳаммад Тарағай баҳодир, ёвқур барлосий амирлар шажарасига мансуб. Ушбу покиза никоҳдан туғилган назаркарда фарзанд Темурбек – буюк тарихий шахс, беқиёс давлат арбоби, улуғ салтанат асосчиси, тенги йуқ саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлиб етишди.

Донишмандлар айтмиш, “Болаларга қараб ота онасига баҳо берадилар”.

Амир Темур инсонпарвар, ватанпарвар, юрт халоскори бўлиб улғайди. Она аждодлари уқимишли, юксак маданиятли, уз даври мутафаккирлари бўлгани Соҳибқироннинг тарбиясига ҳам таъсирини кўрсатмай қолмаган. Шу ўринда халқимизнинг: “Уғил тоғага, қиз аммага ўхшайди”, деган ибораси беихтиёр эсга тушади. Тақдирни қарангки, уз даврида мўғулларга қарши курашган халқ қаҳрамони Маҳмуд Таробий – Темурбекнинг она томондан катта бобоси Хожа Шамсиддин Маҳбубийнинг муриди бўлган экан.

Инсон тафаккури ва феъл-атворининг шаклланишида она тарбиясининг ўрни беқиёс. Бу ҳақиқат замонавий инсоншунослик фани пешволари ва руҳшунос олимлар томонидан ҳам бот-бот таъкидланади. Она – оиланинг муаллимаси бўлса, ота – унинг посбони ва устунидир. Шу нуқтаи назардан, Темурбекка хос буюк инсоний фазилатларни таърифлаганда, бунинг пойдевори, аввало, оқила, солиҳа ва доно Тегина бегим Моҳ момомизнинг тарбиясида эканини эътироф этишимиз ўринли. Айниқса, Амир Темурнинг ислом динига эътиқоди шаклланишида устозлари билан бир-

га, онаси Тегина бегим ва она аждодларининг таъсири катта бўлган.

Гарчи тарих китобларида Тегина биби ҳақида маълумотлар кам бўлса-да, бу оқила момомизни гўё жуда яхши таниймиз, ҳатто нурли чехраларини-да яққол тасаввур этамиз. Тегина бегим Моҳ сиймосида барча ўзбек оналарига хос оқилалик, фарзанд камоли йулида жафо чекиш каби сифатлар, ўзида мужассам этган. Масалан, камина Тегина бегим Моҳ ҳақида ўйласам, улуғ бобокалон туғилиб-ўсган минтақада яшовчи оқила ва жафокаш момоларимиз, хусусан, раҳматли Шодмон момом эсимга тушаверади. Шодмон момом жуда сариштали ва меҳнаткаш, ўзгача виқорли, хунарманд аёл эдилар. Камгап, аммо донишмандона сузлардилар. Ҳайдар бобом урушга кетгач, қулида гўдак фарзанди – отам билан ёлғиз қолган. Олис тоғли қишлоқдаги тирикчилик, колхоздаги оғир ва тинимсиз меҳнат – барисида сабот, сабр-матонат кўрсатган. “Отанг йўрғакда, уни дала четидаги баланд бир жойда қолдириб, адирда буғдой урардик”, деб эслардилар. Аммо ўша пайтдаги турмуш машаққатлари ҳақида сузлашни кўп хушламасди.

Тегина бегим Моҳ ҳам гарчи аслзода хонадонга мансуб бўлса-да, турмуш кулфатларидан кўп озор чеккан. Ривоятда айтилишича, фолбинлар Амир Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг туғилажак фарзанди Соҳибқирон бўлиб, келгусида етти иқлимга ҳокимлик қилажаги ҳақида башорат қиладилар. Буларни эшитиб, катта хотиннинг кўнглига ғайирлик оралабди. Кундоши ўғил туғса, ўзининг эри олдидаги мавқеи, мол-дунёси ҳам қўлдан кетажаги ҳақидаги уй-фикрлар унга тинчлик бермабди. Охири кундошини туғилажак фарзанди билан бирга йўқ қилиш режасини тузибди. Кунлардан бир куни Амир Тарағай Баҳодир узоқ сафарга отлан-

ганида, катта хотин кутиб юрган пайт келганлигини сезибди. Эри жунаб кетгач, кундошининг отаси номидан сохта хат битиб, унда отаси оғир хаста экани, қизини ўз ҳузурига – Бухорога чақираётганлигини ёзибди. Хатни ўқиган кенжа хотин кундошининг макридан беҳабар, тезда отаси ҳузурига ошиқиб, йўлга чиқибди. Катта хотин карвон билан йўлга отланаётган Мойдун исмли ишончли бир қулга анчагина ақча бериб: “Йўлда кундошимни ўлдирасан!” – деб тайинлабди.

Қадимда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Кеш ва Хўжаилғор орқали ўтган. Хўжаилғор атрофи ўша пайтларда қалин тўқайзор, овлоқ жой бўлган. Кичик карвон шу жойга келиб, бироз нафас ростламоқчи бўлганида, ҳалиги қул режасини амалга ошириш учун қулай пайт келганлигини сезибди. Кутилмаганда қиличини яланғочлаб, икки канизакни чошиб ташлабди. Сўнгра Тегина бегимга яқинлашиб, уни ҳам ўлдиришга шайланибди. Кенжа хотин ўзининг тақинчоқлари ва йўлда керак бўлар, деб олган олтинларини қулга бериб, ёлворибди: “Агар ўлдирсанг, мени ва бегуноҳ гўдагимнинг ҳам заволига қолиб, оғир гуноҳга ботасан. Яхшиси, мана бу бойликларни олгин-да, бекангга бориб, мени ўлдирганингни айт. Қўлингдаги рўмолчани эса бирорта ҳайвоннинг қонига бўяб, олиб бор. Мен шу ерда йиртқичларга ем бўла қолай”, – дебди.

Қул унинг илтижосига кўниб, ниятидан қайтибди. Бироқ хаёлидан: “Агар бу эсон-омон Бухорога етиб олса, унда сир очилиб, ўзим ҳалок бўламан. Яхшиси, шу ерда ўлдира қолай”, деган фикр ўтиб, яна маликани ўлдиришга қасд қилибди. Буни сезган Тегина бегим югуриб бориб, ўзини суви қуриб қолган эски қудуққа ташлабди. Нобакор қул қарамоқчи бўлганида, қудуқ тубидан кучли олов отилиб, ўзини ҳалок этибди (бошқа ривоятда: “Осмондан чақин тушиб, ҳалок этган”).

Шу қудуқда маликанинг кўзи ёриб, бўлажак Соҳибқирон дунёга келади. Она-бола бир-икки кун кўрқинчли чангалзор ичидаги қудуқда қолиб кетади. Ўша пайтларда Амир Тарағай Баҳодирнинг яқин қариндоши Амир Чоку барлос Бухоро билан Насаф (Қарши) оралиғидаги Занжирсарой деган манзилда яшар экан. Амир Чоку биродарларидан хабар олгани келаётиб, фалакнинг гардиши билан йўлда дам олгани ҳалиги сувсиз қудуқ яқинидаги булоқ ёнида тўхтабди. Қарашса, икки одам чопиб ташланган, яна бири эса куйиб, ўлиб ётибди. Бир маҳал эски қудуқ ичидан инграгандек овоз эшитилибди. Амирнинг одамлари тезда у жойдан она-болани тортиб олибдилар. Шу тариқа, бахтли тасодиф туфайли Амир Чоку бўлиб ўтган воқеа тафсилотларидан огоҳ бўлибди-да, она-болани олиб, Кешга кирмасдан ортига, Занжирсаройга қайтибди. Муҳаммад Тарағай Баҳодир хотини ва ўғлининг қисматидан хабар топгунича, бўлажак Соҳибқирон бир неча йил Занжирсаройда, Амир Чокунинг тарбиясида яшаган...

Тегина бегим Моҳ сувратига оид мантиқий мулоҳазаларни давом эттирсак. Момомиз оқила ва доно бўлиш билан бирга, полвонкелбат ҳамда жуда эпчил-чаққон аёл бўлганлар. Халқимизда, “Зот – отадан, алп – онадан”, деб бежиз айтилмаган. Бухоро томонларда, Соҳибқирон камол топган Яккабоғ ва Шаҳрисабзда барваста, полвон момолар бугун ҳам кўп учрайди. Онанинг қадди-қомати ва жисмоний расолиги кўпинча ўғил фарзандга мерос бўлиб ўтар экан. Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов ҳам бир суҳбатда: “Қадди-бастим менга онамдан мерос”, деган эдилар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг паҳлавон келбатини эса муаррихлар жуда мароқ билан таърифлаган-

лар. Бобокалонни бевосита кўрган Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, “Амир Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил, лекин доғсиз, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз. Серсоқол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; ёши етмишга етган бўлса-да, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, тош мисоли қаттиқ эди. У ёлғонни ёқтирмас, садоқат унга ёқар, у бўлиб ўтган ишга азият чекмас, ютуқдан шодланмас эди. У беҳато фикрли, фаросатли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига қулфат тушганда ҳам ҳақгўй, идрокли, синчков каби хислатларга эга киши эди”.

Улуғ Соҳибқирон волидасининг умр саналари манбаларда кўрсатилмаган. Қабри ҳам сақланмаган. Теги на бегим Моҳ шарафига бунёд этилган Оқсарой бугун муаззам зиёратгоҳга айланган. Унинг пойига бориб тафаккур қилсак, улуғ момомиз ҳақида тарихий маълумотлар кам эмас, балки жуда кўп эканлиги аён бўлади. Фақат уларни тарих китоблари, халқ оғзаки ижоди ва ривоятлардан худди бебаҳо дур-жавоҳирларни тергандек меҳр билан жамлаб умумлаштирсак, бас. Ушбу маълумотлар асосида дейлик, “Буюк Соҳибқирон волидаси” номли кинофильм ишланса, бу кино бутун дунё аҳлини мафтун этиши турган гап. Чунки бу асар қайноқ меҳрли умр йулдоши, оила ва фарзанд учун жони фидо она – умуман, бугун инсоният жуда муҳтож бўлган солиҳа ва оқила аёл тимсолини намоён этган бўларди.

Оқила момоларимиз, хусусан, Теги на бегим Моҳнинг бетакрор суврату сийратини таърифлаб, адоғига етиш қийин.

ОТА

Амир Муҳаммад Тарағай, (туғилган йили номаълум, вафоти 1360 йил) барлос уруғининг эътиборли бекларидан бўлган. Амир Тарағай Туркистоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Амир Қозоғон олдида ишонч қозонган беклардан ҳисобланар, унинг аждодлари эса Чиғатой саройи мулозимлари қаторидан ўрин тутган. Улар Кеш ва Насаф вилоятида ўз мулкларига эга бўлган ва бу юртда ҳокимлик қилган. Шу боисдан Амир Темурнинг отаси Амир Муҳаммад Тарағайбек ҳам йилда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан чақириладиган эл-юрт бек ва бийларининг умумқурултойига таклиф этилар ва бундай йиғинларда қатнашарди.

Амир Муҳаммад Тарағай маърифатпарвар, атрофида олиму фузалоларни тўплаган қўли очиқ киши сифатида танилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, “Тарағайлик уламо ва сулаҳо ва мутаққийларга мушфуқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди...”¹

Амир Муҳаммад Тарағай тақводор зот бўлиб, Кеш шаҳрида яшаган Хожа Шамсиддин Кулолнинг муриди эди. “Таржимаи ҳол”да ривоят қилинишича, Темурбекнинг исмини ҳам Хожа Шамсиддин қўйган. Бу ҳақда “Зафар йўли” китобида Амир Муҳаммад Тарағайнинг шундай ҳикояси келтирилади: “Ақиқа вақтида сени шайх Шамсиддин хузурига олиб бордим. Мен шайхнинг олдига кирганимда у Қуръондан ушбу оятни ўқиётган эди: “Амантум ман фи-с-сама ан йўхифа бикумал арда фа иза ҳийа тамуру”. Қуръоннинг бу оятида “Тамуру” сўзи бўлганлиги учун, биз сенга Темур исмини бердик”.

¹ Амир Темур Қурагон. Зафар йўли. – Тошкент: “Нур”, 1992 й. – Б. 31.

Тарихий манбаларда Амир Муҳаммад Тарағай ҳақида маълумотлар кам. “Зафар йўли” китобида Темурбек тилидан отаси ҳақидаги айрим қайдлар келтирилган. Масалан, 1352 йилда Муҳаммад Тарағай томонидан ота-боболардан қолган одат бўйича ота мулкига эгалик қилиш, навкарларга бош бўлиш ҳуқуқи ўғли Темурбекка ўтганлиги маълум қилинади.

Мавжуд қайдлар ва кўпгина бадиий адабиётларга кўра, Муҳаммад Тарағай ҳарбий ишлардан истеъфога чиққан, дунё ишларининг паст-баландидан яхши хабардор, тафаккури кенг, мард, жасур, инсонпарвар, сазий ва тақводор зот бўлгани англашилади. Унинг ўғли Темурбекка қарата, “Дунё – илон ва чаёнлар билан тўла олтин идишга ўхшайди”, деган машҳур ибораси бадиий китобларда дарж этилгандир.

Муҳаммад Тарағай, Туронзаминнинг бепоён кенгликларида ҳаёт кечирган жанговар аждодлари, уларнинг қахрамонликлари, жанг ва овда юз берган ғаройиб воқеалар ҳақида ўғли Темурбекка узун ва қизиқарли ҳикоялар сўзлаб берарди. Бу ҳаяжонли суҳбатларда жуда олислардан, Ипак йўли бўйлаб вазмин келаётган карвонлар, бўлиқ яйловларда булутдек кўчиб юривчи уюр-уюр йилқилар, шиддатли чавандозлар, қаҳрли баҳодирлар, Чингизхон юришлари ва ҳатто Хитой ҳукмдорларининг қимматбаҳо ипак моллари юкланган беҳисоб туялар ҳам бўй кўрсатарди.

Муҳаммад Тарағай – баҳодир жангчи ва тажрибали зобит, узоқ ҳамда шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтган эди. У Ғуби ва Мўғулистон саҳроларида кўп кезган, осмонга туташ Тангри тоғ доvonларининг ҳар бир ўнгири таниш, ҳатто олис, қаҳратон ўлкадаги Шимол ёғдусини-да кўп кузатган. Баъзи адабиётларда Муҳаммад Тарағай Ипак йўлидаги карвонлар хавфсизлигини таъминлашга масъул ҳарбий кўмондон бўлгани

айтилади. У доимо инсонларни қадрлаган, олис ва машаққатли сафарларда ўз жангчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Узоқ юришлардан қайтгач, жамоа аҳли тез-тез Муҳаммад Тарағай хонадонида тўпланишар, шунда тўкин зиёфатлар, қиссахонлик ва маърифий суҳбатлар билан оқшомлар тонгга уланарди.

– Чингизхоннинг юришлари унга тақдир ҳукми билан ёзилган, ўғлим, – дерди у. – Жаҳонгирга ўлим фариштаси етгач, у дунёни тўрт улусга бўлиб, уч ўғли ва ўзидан аввал дунёдан ўтган тўнғич ўғлининг фарзанди – набираси ўртасида тақсимлади. Иккинчи ўғли Чиғатойга биз яшаётган замин ҳукмдорлиги тегди. Аммо унинг фарзандлари ов ва зиёфатларга ружу қўйишди. Вақти-соати келиб, шимолдаги тоғлар ортига кўчиб кетишди. Хон ва тўралар у ёқда, ов ва зиёфатлардан ҳануз боши чиқмаяпти, Самарқанд ва бутун Мовароуннаҳр бошқаруви ноиб – амир ҳукмида қолди. Буёғидан, бугунги аҳволдан эса, ўзинг хабардорсан...

Ота-ўғилнинг бундай суҳбатлари кўпинча битта хулоса билан якунланарди:

– Ўғлим, ҳаётда не бўлган тақдирда ҳам Аллоҳ ва Унинг элчиси Муҳаммад (с.а.в.) кўрсатган йўлдан асло чекинма! Саййидлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни доимо эътиборда тут, иззату ҳурматларини жойига қўй. Ислоннинг беш аркони – иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаж амалларини маҳкам тут...

Муҳаммад Тарағай, ўғли Темурбекнинг таълим олишига катта эътибор берган. Фарзанд етти ёшидан мадрасага қатнаб, ўқиш ва ёзишни ўрганган. Соҳибқирон ўз ёшлиги ҳақида шундай ёзади: “Мен тўққиз ёшга тўлганимда беш вақт намозни ўргандим ва мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлиб олдим. Мен қатнашган барча йиғинларда уламолар яқинида ўтиришга ҳаракат қилардим ва тиз чўкиб ўтирардим: кат-

таларга нисбатан шундай ҳурмат бажо келтиришни ўзимга одат қилиб олдим”.

Ёш Темурбек мадрасанинг бошланғич таҳсилида Қуръони каримни пухта ўзлаштирган. Хатми Қуръон қилганида падари бузруквори Муҳаммад Тарағай мадраса атрофидаги мусулмонларга зиёфат беради. Унда Темурбек Қуръон сураларини барча қонун-қоидалари асосида тиловат қилиб, одамларнинг олқишига сазовор бўлади. Бу маросимда қатнашганлар бўлажак жаҳонгирнинг истеъдодига таҳсинлар ўқиб, унга тўн, белбоғ ва салла туҳфа қиладилар. Бир қуролсоз уста эса феруза дастали шамшир ҳадя этади.

Амир Тарағай ўғлининг катта ҳаёт йўлига қалбида мустаҳкам иймон ва қўлда қилич билан чиқаётгани ва умуман, унда баҳодирона жанговарлик хусусиятлари устунлигидан ниҳоятда севинади...

Юқоридаги “хатми Қуръон” воқеаси бир нечта бадий асарларда қайд этилган. Булар эса Амир Темур ҳақидаги асл тарихий манбалар асосида мантиқий тузилган бадий лавҳалар, дейиш мумкин.

Донишмандларнинг: “Фарзандинг тарбияси учун қайғурма, асосийси, ўзинг тарбияли бўлсанг – бас. Фарзандинг эса барибир ўзингга ўхшайди”, деган ҳикматли сўзи бор. Амир Муҳаммад Тарағайга хос иймон-эътиқод, инсонсеварлик, адолат, саховат, жасорат ва мардлик каби юксак инсоний фазилатлар фарзанди Темурбекка мерос бўлиб қолди.

Маълумотларга кўра, Муҳаммад Тарағай, муайян бир йўлни танлашига ўғли Темурбекни кўп-да ундамаган, фарзанди эмин-эркин улғайиши учун шароит яратган. У кишининг нуроний пирлари эса, ёш амирзода келгусида жаҳонгир ва улўғ ҳукмдор бўлиши ҳақида башорат қиладилар. Балки шу боисдандир, отанинг ўз ўғли камолоти ва буюк келажагидан кўнгли тўқ

эди. Бир куни отаси ёш Темурбекка анчагина қўй бериб, уларни бозорда сотиб келишни буюради. Бозорда бир дарвеш, қўлидаги парча қоғозга ёзилган ҳикматни минг тангага сотишини айтиб, жар солаётган эди. Темурбек қўйларни сотгач, ҳамма пулни дарвешга беради ва ўша қоғозни сотиб олади. Дарвеш, “Бу қоғозни отанг ҳузурига боргач, очиб ўқийсан”, дея тайинлайди. Отасига қоғозни олиб боради. Унда, Камол Хўжандийнинг “Қўлдан кетган ишга афсус чекма, мақсад йўлида босган қадамингдан чекинма”, деган мазмундаги рубоийси битилган экан. Шунда Муҳаммад Тарағай: “Баракалло, ўғлим! Олтунларни хўп муносиб ишга сарф этибсиз. Энди шарт шулки, бу ҳикматни асло унутманг, унга доимо амал қилмоғингиз лозимдур”, дейди...

Амир Муҳаммад Тарағайнинг Темурбекдан ташқари яна Оламшайх, Суюрғатмиш ва Жўки исмли ўғиллари, Қутлуғ Туркон оқа, Ширинбека оқа деган қизлари бўлган.

Муҳаммад Тарағай 1360 йилнинг баҳорида боқий дунёга рихлат қилади. У она шаҳри бўлмиш Кеш (Шаҳрисабз)да, ўзининг пири Шайх Шамсиддин Кулол пойида дафн этилган.

Тарихий манбалардан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ҳам вафотидан сўнг Кешда мангу ором олишни ният қилган. Бу жаннатмонанд шаҳарда Амир Темурнинг отаси Амир Тарағай, онаси Тегина хотун, ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх, пири комил Шамсиддин Кулол ҳамда бошқа яқинлари дафн этилганлар. Аммо тақдир ҳукмига кўра, ҳазрат Соҳибқирон муаззам Самарқандда, устози Мир Саййид Барака пойида сокин топди. Гуё бу борада ҳам ҳазрат жаннатмакон отаси Муҳаммад Тарағай ибратига амал қилгандек...

СОҲИБҚИРОН ФАҚАТ АМИР БЎЛГАНМИ?

Ислом дини қабул қилингунига қадар арабларда “амир” сўзи қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ деган маъноларни билдирган. Ислом дини ёйилгач, Араб халифалигига қарам бўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳокимни, қўшин қўмондони ва йирик лашкарбошилари амир деб аташган. Мўғул истилосидан сўнг Олтин Ўрдада, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилалари бирлашмаси – улус бошлиғининг унвони ҳам амир деб юритилган.

Бу унвон Соҳибқирон Амир Темурдан сўнг темурийлардан кейинги сулолалар даврида ҳам сақланиб қолди. Масалан, Қўқон хонлиги ҳукмдорларидан айримлари (масалан, Амир Умархон) шу унвон билан давлатга раҳбарлик қилишган. Бухоро давлати эса расман “амирлик” деб аталган, олий ҳукмдорлари амир рутбасига эга эдилар.

Ҳозирда амир унвони араб подшоларининг ўғилларига берилади (масалан, Саудия Арабистонида). Маккага зиёрат учун борувчи катта гуруҳ йўлбошчилари ҳам амир деб аталади.

Темуршунос адиб Ҳаким Сатторий фикрига қўшиламиз, яъни, “Амир” сўзи фақат бобокалонга нисбатан ишлатилганда исм сифатида бош ҳарф билан ёзиш таомилга кирган, бошқа ҳолларда эса ҳарбий унвонни билдиради (худди “генерал” дегандек) ва кичик ҳарф билан ёзиш ўринли.

Амир Темур 1370 йили Балхда ўтказилган қурултойда Мовароуннаҳрнинг мутлақ ҳукмдори этиб сайланса ҳам, узини подшоҳ ёки хон деб эълон қилмади. Уша пайтдаги таомилга кўра, давлатга Чингизхон асос солган, шунинг учун фақат унинг авлодидан бўлган-

ларгина хон деб аталишга лойиқ кўриларди. Амир Темур давлат бошига келгач, чингизий Суюрғатмишхонни номигагина хон қилиб кўтарди. Сохта обрўга эҳтиёжи бўлмаган Соҳибқирон “Мовароуннаҳр амири” деган унвон билан юртни бошқарди. Чунки у хон авлодидан эмас, балки оддий халқ ичидан чиққан қаҳрамон эди.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида шундай сатрлар бор:

*Соҳибқирон шуҳрати билсанг,
Насаби ҳақида гар суриштирсанг,
Отадан отага то Одам Ато,
Бори шоҳлик тахти узра қўймиш пой...*

Яъни, Соҳибқироннинг то Одам Атогача бориб уланувчи ота-боболарининг бариси шоҳлик тахтида утирганлар, дейди. Бу маълумотни қандай тушунмоқ керак? Ёки ҳазрат Соҳибқиронга хушомад қилиш, ортиқча улуғлаш мақсадида ёзилганми бу гаплар? Маълумки, улуғ Соҳибқирон ҳаётлик чоғида ҳаддан ортиқ мақтов ва хушомадларни хушламаган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Соҳибқироннинг еттинчи бобоси бўлмиш Қочувли баҳодир Чингизхоннинг учинчи бобоси Қобулхон билан эгизак бўлган. Буларнинг отаси Туманохон эса Чингизхонга тўртинчи бобо, Амир Темурга эса саккизинчи бобо эди.

Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сига кура, Туманохон Чингизхонга тўртинчи, Амир Темурга тўққизинчи бободир.

Ҳар ҳолда, кўриниб турибдики, Амир Темур Чингизхоннинг бевосита авлодларидан бўлмаган. Лекин Туманохон уларнинг ҳар иккиси учун ҳам катта бобо эди. Аслида мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам Амир Темурга Чигатой тахти даъвосини қилиш имконини берарди. Амир Темурнинг хон сифатида тахтга утирмаслигини,

унинг улуғ аждодлар аҳдига бўлган ҳурмати билан изоҳлаш мумкин.

“Тузуқлар”да ёзилишича, Туманакон ўғиллари Қобулхон ва Қочувли баҳодир ўртасида аҳднома бўлган. “Туғлуқ Темурхон мен билан тузган аҳду қарорини бузиб, иккинчи бор Мовароуннаҳр мамлакатига қўшин тортиб келди ва ҳукуматни мендан тортиб олиб, ўғли Илёсхожага топширди. Мени эса унга бош кўмондон (сипоҳсолор) ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Менга Қочувли баҳодир ва Қобулхон томонидан битилган аҳдномани кўрсатди. Мен улуғ боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб, **сипоҳсолорлик** қилишга рози бўлдим”.¹

1388 йилда, Соҳибқирон давлатида номигагина хон бўлган Суюрғатмиш вафотидан кейин ҳам Амир Темур хонлик тахтига ўтирмади. У тахтга яна чингизий шаҳзодалардан бири, Суюрғатмишнинг ўғли Султон Маҳмудхонни ўтказди. Бу хон расман бутун Туркистон мамлакатининг ҳукмдори саналарди. Амалда эса Амир Темур қўшини сафида саркарда бўлиб, унга садоқат билан хизмат қилди. Чунончи, 1402 йили Анқара ёнидаги жангда Йилдирим Боязидни Султон Маҳмудхон асир олиб, Соҳибқирон ҳузурига келтирган эди.

Шу тариқа, унлаб шоҳлар оёғи остида эмаклар юрган, қанча шаҳаншоҳ ва султонлар унинг этагини ўпган бўлса-да, Соҳибқирон Амир Темур расман хонлик тахтига ўтирмади.

Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов бир суҳбатда шундай деган эдилар: “Соҳибқирон ҳазратлари қанчалик буюк бўлса, шунчалик хокисор ҳам бўлган экан. Ўз лашкарларининг қозонидан таом еган, одми кийинган. Европалик муаррих-элчи Клавихонинг ёзишича, Чин Мочину Хужанднинг ипак либослари турганида, Амир

¹ Темур тузуқлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 й. – Б. 19.

Темур ҳазратлари кўпинча Шаҳрисабзнинг оддий матосидан тикилган (яъни олача) кийим, бошига оддий калаваш кўндириб юрган. Ярим дунё тасарруфида бўлишига қарамай, оёқлари она заминдан узилмаган...”

Мана, “бир ғишт олса, ўрнига ўн ғишт” кўйган буюк бунёдкор, эл-юртнинг Отаси, аммо шон-шуҳрат ва юксак мартабаю унвонларга кўнгил бермаган зотнинг яққол қиёфаси!

“Энг ҳаққоний тарихни ёздим” деб баён этган туркиялик Мустафо Али Соҳибқирон Амир Темурни мусулмон амирлари ва султонлари ичида энг кучлиси, дея ислом дунёсини сиёсий ва диний жиҳатдан бирлаштиришдаги буюк хизматларини таъкидлайди.

Мустафо Али Амир Темурнинг ҳақиқий мусулмон бўлгани, бир йўла “Соҳибқирон” ва “Соҳиби зуҳур” унвонига эга эканлигини қайд этади. Султонлар икки йўл билан тахтга чиқадилар. Биринчиси – маълум ҳудудни идора қилишни сулоласидан мерос олган султонлар. Иккинчиси – давлатни кўшин кучи билан эгаллаб, ўзларининг ютуқлари эвазига ҳукмдор бўлганлар. Бундай султонлар **“Соҳиби зуҳур”** деб аталади.¹

Шуни ҳам айтиш керакки, Амир Темур 1391 йилда Тўхтамишхон билан жангга бораётиб, Дашти қипчоқда улкан тошга хотира сатрларини ўйдириб ёздирганда, ўзини **“Турон султони”** деб атаган.

Аслида, улуғ бобокалон бу каби юксак рутбаларга буткул лойиқ зот эди.

БЕПОЁН САЛТАНАТ СОҲИБИ

Амир Темур она Ватанни босқинчилар асоратидан озод қилиб, 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Кўплаб ҳарбий юришлар ва жангу жадаллар натижаси

¹ Ғафуров Ғуломхон. “Буюк сиймога эҳтиром”. “Тошкент оқшоми” газетаси, 1996 йил, 25 март сони.

ўлароқ, кўхна Турон мамлакатининг тарихий сарҳадларини тиклади. Кўп мазлум мамлакатлар зулм ва тобеликдан озод этилди. Натижада Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизгача ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар бўлган ғоят катта ҳудудни қамраб олган улкан салтанатни вужудга келтирди. Соҳибқирон Кичик Осиё, Сурия, Миср ва Қуйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш кўли ва Ила дарёси, Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни ёки муаррихлар иборасича, 27 та пойтахтни ўзига бўйсундирган.

Улуғ салтанат ҳақида гап кетса, бир устозимиз, “Соҳибқирон бобомизнинг давлати кенг...” деган иборани кўп такрорлайди. Бу сўзлар замиридаги чексиз ғурур ва фахр-ифтихор туйғулари беихтиёр суҳбатдошга ҳам юқади. “Кенг давлат...” жумласида куч-қудрат, улуғворлик, фаровонлик, файз-барака, адолат, метин интизом, оқилона сиёсат, шон-шавкат ва беҳисоб бойликлар дараги келаётгандек бўлади. Аслида ҳам шундай. Қарийб етти асрки, бу салтанатнинг беқиёс шуқуҳини муарриху адиблар ёзиб-таърифлаб, поёнига ета олмаяптилар.

Улуғ бобокалоннинг бепоён салтанати ҳақида баҳоли қудрат тасаввурга эга бўлмоқ – биз учун маънавий бурч саналади.

Соҳибқирон Амир Темур, Чиғатой улусининг вори си сифатида майдонга чиқди ва улус ерларига тўлиқ эгалик қилишни ўзининг қонуний ҳуқуқи деб ҳисоблади. Бепоён Чиғатой улуси Қашқар, Еттисув, Туркистон ва Хоразмнинг бир қисмидан иборат бўлган.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, Амир Темур ҳудудий жиҳатдан инсоният тарихидаги энг катта салтанат (империя)га асос солган шахсдир. Чунки Чингизхон забт этган ҳозирги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Кичик Осиё мамлакатларидан ташқари, Амир Темур

Шимолий Қофқоз, Ғарбий Сибирь, Русиянинг катта ҳудудларини забт этган эди. Амир Темур ҳудудлари Чингизхонниқига нисбатан тахминан бир ярим баравар катта бўлган. Бу ҳудудлар билан Искандар Зулқарнайн (Македониялик Александр) империясини харитада солиштирадиган бўлсак, Амир Темур давлати ҳудудлари Искандарниқига қараганда тахминан икки баравар катта бўлганини кўрамиз. Юлий Цезарь давлатининг майдони эса Соҳибқирон ҳукм юритган ҳудудларга нисбатан тахминан саккиз баравар кичик эди.¹

Мана шу қиёслашлар Амир Темур дунёда энг катта империяга асос солган эди, деб баралла айтиш имконини беради. Шу ўринда муаррихлар Амир Темурни Искандар Зулқарнайн, Қайсар (Юлий Цезарь) ва Чингизхонларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қўйганликлари эса тушади. Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, Амир Темурни биз юқорида номларини санаган машҳур саркардалар билан бир сафга қўйиш аслида ким учун шарафли? Улуғ Соҳибқирон учунми ёки ўша саркардалар учунми?

Аллома Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг “Туркистон қайғуси” номли китобида Шинжон Уйғур автоном ўлкаси (тарихий Шарқий Туркистон, ҳозир Хитой давлати таркибида)даги бепоён Юлдуз яйлови ёрқин тасвирланган. Таърифига тил ва қалам ожиз, сарҳадлари эса тўппа-тўғри осмонга тутшиб кетган бу юрт, аждодларимиз иштирокидаги улуғ тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Туркистон тупроғида салкам икки аср давом этган мўғул истибдодига худди шу жойга келиб барҳам берганлар.

Шарқий Туркистон бизнинг тарихимизда қандай ўрин тутади?

¹ *Бегматов Абдуллажон. Соҳибқирон фақат амир булганми? “Ўзбекистон овози”, 1995 йил, 12 декабрь.*

Шарқий Туркистон – аждодларимиз юрти ёки Фитрат домла айтганидек, “туркликнинг муқаддас учоқларидан” биридир. Афсуски, бу ота юрт ҳақида жуда оз нарса биламиз. “Ватан туйғуси” китобида ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур Шарқий Туркистонни ёвлардан озод этиб, Марказий Туркистон (Мовароуннаҳр, ҳозирги Ўзбекистон) билан бирлаштирган. Кейинроқ яна ёвлар босқинига учраган Шарқий Туркистонни 1822–1842 йилларда ҳукмронлик қилган Қўқон хони Муҳаммад Алихон ибн Умархон ўттиз минг кишилик лашкар билан бориб, манжур босқинчилари асоратидан қутқаради. Шу ғалабаси эвазига Муҳаммад Алихон “ғозий” унвонига мушарраф бўлган. Умуман, Туркистон тарихида бундай унвонни олган ҳукмдорлар бармоқ билан санарлидир. Ўз даврида Ватан тупроғини босқинчилардан тозалашда фавқулодда хизматлар кўрсатган Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро ва Муҳаммад Алихон ибн Умархонлар юксак “ғозий” унвонига сазовор бўлишган.

“Соҳибқироннинг улуғ салтанати” деган иборани кўп такрорлаймиз-у, лекин бу салтанат фақатгина ул зотга тегишли отамерос мулк эмас, албатта. Бу бепоян мамлакат жуда қадим замонлардан бери бизнинг, умуман, туркий қавмларнинг бобомерос тарихий ватанидир. Улуғ Соҳибқирон Амир Темур, Турон мамлакатини тарихий сарҳадлари доирасида бирлаштирган ягона ҳукмдор саналади (шу ўринда Турон ва Туркистон атамаларига бироз аниқлик киритсак: Туркистон – Туроннинг кунчиқар ва кунботар кенглиги бўйича чамалаганда нақ марказидадир. Умуман олганда эса, Туркистон Туроннинг марказий қисмидир. Кўпинча Туркистон деганда бутун Туронни, Турон деганда эса бутун Туркистонни англашаверган. Дунёдаги энг катта қавм саналмиш туркийлар ичида

турли динларга эътиқод қилувчи халқлар мавжуд. Туркистон бу – исломий Турондир)¹.

Унинг салтанати таркибидаги Ғарбий Туркистон (Озарбайжон ва Хазар бўйи), Жанубий Туркистон (ҳозирги Афғонистон – тарихий Хуросоннинг бир қисми), Дашти Қипчоқ, Эдил (Волга) бўйи, Қорабоғ каби манзиллар ҳақида жуда узоқ сўзлаш мумкин. Шу ўринда, сайёрамиз қуруқлигининг салкам олтидан бир қисмини ташкил этувчи дунёдаги энг катта мамлакат, замонавий Россия Федерацияси ҳудудининг 95 фоиз қисми – тарихий Турон ерлари эканлигини эсга олсак, ҳайратимиз янада ортади.²

Қисқаси, Соҳибқирон бобомизнинг улуғ салтанати жуда кенг, бепоён ва осойишта эди...

МИЛЛАТИМИЗ ТАРИХИДАГИ УЛУҒ ДАВРЛАР

“Ўғлим қиролнинг аҳволи яхшими?”

У шонли даврларда барча йўллар Самарқандга элтар эди. Бутун дунёдан келаётган элчилар Самарқандга интилганлар. Соҳибқироннинг муаззам пойтахти бўлмиш Самарқанддан бутун дунёга илму маърифат, эмну омонлик, адолат ва рўшнолик нурлари таралган. Элчилар Самарқандда Турон ҳукмдори Темурбек қабулига киришни буюк бир ихлос, шу билан бирга, қўрқув ва ҳаяжон ичра кутганлар. Муаррих таъбири ила айтганда, Темурбек боргоҳининг тупроғи Эрону Турон, Хуросону Озарбайжон, Мўғулистону Дашти Қипчоқ ва ўзга юрт улуғларининг бўса жойига айланди.

¹ Иброҳимов А., Султонов Х., Жураев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 1996. – Б. 217.

² Ўша китоб, 236-бет.

Мана, бир тарихий факт:

1405 йилда Самарқандда Амир Темур томонидан ўтказилган тантанага Московия, Византия, Ҳиндистон, Мўғулистон, Миср ва бошқа мамлакатлардан келган элчилар ҳам таклиф этилганлар. Бу ҳақда хорижлик тарихчи шундай ёзади:

“Қирол Ҳенрининг элчилари юқори мартабали меҳмонлар деб ҳисобланмаган бўлсалар ҳам, (ўша пайтларда Кичик Оврўпо нима деган гап эди?) эътибордан четда қолмадилар. Улар иштирок этган бир зиёфат хусусида расмий солномачи қуйидагича ёзган эди: “Оврўполик элчилар ҳам таклиф этилдилар ва ўзларига муносиб кўнгилхушлик қилдилар, зотан дунё баҳрида кичик балиқларнинг ҳам ўз ўрни бордир”.¹

Бугун юксак тараққий этган Европа вакиллари, ўша пайтлар боболаримиз даргоҳида нақадар хокисор ва камтар бўлишган! Улар бизнинг қудратли аجدодларимиз олдида ўзларини хокисорлик ва ихлос билан, “кичик балиқлар” деб атаганлар...

Яна бир мисол: XIII–XIV асрларда туркий тил учта қитъада – Осиё, Европа ва Африкада кенг ёйилган халқаро тил бўлиб қолган эди. Бу ҳол кейинги асрларда ҳам давом этди. Ҳатто рус подшоси Михаил ўзи Москвада зарб эттирган танганинг бир томонига “Михаил тверча ақчаси будир” деб ёздирган эди. Агар тангада бундай туркий ибора бўлмаса, у пул сифатида қадрланмасди ва савдо-сотиққа ярамасди”.²

...Соҳибқирон Кастилия қиролининг элчиларини Дилкушо боғида қабул қилди.

– Қирол ўғлимнинг аҳволи қандай? Унинг ишлари жойидами, соғ-саломатми? – деб сўради. Элчилар под-

¹ Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. – Тошкент: “Маънавият”, 1999.

² Иброҳимов А., Султонов Х., Жураев Н. Ватан туйғуси. – Т.: 1996. – Б. 182.

шоҳ саволларига жавобан ўз элчиликлари ҳақида тўла тушунча бердилар.

Шундан сўнг шоҳнинг оёқ тарафида ўлтирган Тотористоннинг собиқ ҳукмдори Тўхтамишнинг ўғлига, Самарқанд аслзодаларидан бирига ва бошқа аъёнларга мурожаат қилиб, деди: “Мана, дунёнинг у бурчида яшовчи мавжуд фаранги қироллар орасида энг пешқадами, менинг ўғлим Испания қироли юборган элчилар! Испан халқи ҳақиқатан буюк халқ. Мен ўғлим қиролни шарафлайман. Қирол сизларни ҳеч бир совғасиз, фақат мактуб билан юборганида ҳам мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлигини билиб, совға олгандай хурсанд бўлар эдим”.

Улуғ Соҳибқирон олис Фарангистон (Кастилия – Испания) қиролини “ўғлим”, деб атаган...

Бундай дейишга яна кимнинг ҳам ҳадди сиғарди?!

Уша давр таомилига кўра, фақат тобе мамлакат ҳукмдорига “ўғлим”, деб мурожаат қилинган. Мабо-до, подшоси “ўғил” деб аталган мамлакат тобеликка рози бўлмаса, ҳарбий куч-қудратда узига ишонса, ана унда кўринг, жангу жадални! Чунончи, ўз даврида Чингизхон, Хоразм салтанатининг султони Аълоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳни “ўғлим”, деб атаган эди. Бунинг оқибатида нафақат Хоразм, балки бутун Осиё қитъаси уруш олови ичида қолди...

Улуғ Соҳибқирон салтанатининг шуҳрати, иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрати жуда юксак эди. Шу боис, таъбир жоиз бўлса, етти иқлим мамлакатларининг ҳукмдорлари Соҳибқиронга “ўғил” бўлишни ўзлари учун шараф, деб санаганлар. Пойтахт Самарқандда эса бошқа юртлар ҳукмдорларининг элчилари ҳам турнақатор эди...

Бу тарихий маълумотлардан беҳад фахр ва ғурур туйғуларига чўмиш баробарида, беихтиёр шундай саволлар туғилади:

Тарихимизда яна бирор ҳукмдор, бошқа юрт подшосини “ўғлим”, деб аташга журъат этганми?

Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Хива, Қўқон... каби пойтахтларимизда улуғ Соҳибқирон давридагидек, бутун дунёдан келган элчилар ҳукмдор қабулини кутиб, тумонат бўлишганми?

ТЕМУРНИНГ БИР КУЛГАНИ – УТТИЗ

ЭЛДА ТАНТАНА...

*Мана, энди қаранг, қандай Самарқанд
Юлдуз кентлар аро энг ёруғ юлдуз.
Ҳаёлимни қанча этган эди банд,
Энди барча кентлар унга тутар юз.
Ундан таралади Ер юзига нур,
Эргашади унга юзлаб диёрлар.
Бошқаради уни енгилмас Темур,
Унга бош эгишар бор ҳукмдорлар...¹*

Эдгар АЛЛАН ПО

Туркистон ва унинг юраги бўлмиш бугунги Ўзбекистон неча даҳолару донишмандларга, шоиру саркардаларга, алломаю уламоларга, бунёдкор, адолатли шоҳларга бешик бўлган, алла айтган диёр. Уларнинг саноғига етиш мушкул, бебаҳо маънавий мерослари эса уммон мисол тубсиз-бепоёндр. Абу Али ибн Сино ёки Абу Носир Форобий, Алишер Навоий ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур, хуллас, ул зотлар билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, қаддимизни ғоз тутиб, улар изидан борсак, ҳар жабҳада янада юксак марраларни забт этишимиз шак-шубҳасиз.

Буюклар қаққашонида энг довруқли зот – Соҳибқирон Амир Темурнинг порлоқ юлдузи дунё тургунча безаволдир.

¹ Эдгар Аллан По. Буюк Темур. Достон. Таржимон М.Аъзам // “Жаҳон адабиёти” журнали. 2006. №4. – Б. 38–42.

Ҳар жиҳатдан тараққий этган қудратли давлатлар доимо дунё тамаддуни (цивилизация)нинг етакчи кучи ва маркази саналган. Сиёсат ва тараққиёт йўналиши қудратли давлатлар пойтахтида белгиланган.

Бугун АҚШ, Хитой, Россия ва Европадаги ривожланган давлатлар даъво қилаётган ана шундай мавқе, ўз даврида Соҳибқирон пойтахти бўлмиш Самарқандга хос эди. Дунё аҳлининг нигоҳи ва нажоти Самарқандда эди. Машриқу Мағриб кайфияти Самарқанд кайфиятига боғлиқ эди. Уша давр муаррих ва адибларининг Самарқандни “Жаҳон пойтахти”, дея таърифлаши асло бежиз эмас эди.

Атоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф, Самарқанд дунё сиёсатининг маркази бўлган шонли даврлар, уша шукуҳли дамларни тасаввур этиб, қуйидаги ғурурли сатрларни битган:

*Темурнинг бир кулгани – уттиз элда тантана,
Алишерга бўйи тенг Алишер қайда яна?..*

Яратганга беҳад шукроналик ва буюк келажакдан умидимиз шундаки, бугун муқаддас юртимизда, улуғ боболар қони томирида оқаётган жалолиддинлар, темурлар, алишерлар, исломлар улғайишмоқда...

ВОИЗ

Соҳибқирон Амир Темур, шубҳасиз, жуда кучли нотиқ бўлган. Улуғ амир одамларни мақсад сари бошлашда беқиёс салоҳият соҳиби эди. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ: “У учиб бораётган юлдузни ўз измига бўйсундира оларди”, дея ўринли ўхшатиш келтирган.

Узоқ ва машаққатли ҳарбий юришларда толиққан қўшинга ёки беомон жанглари олтидан Соҳибқирон ўз аскарларига қарата оловли, жўшқин сўзлар айтиб,

уларга беқиёс рух бағишлаган. Катта қурултой ва машваратларда сўзлаган маърузалари қанчалик теран ва чуқур фалсафий мазмунли бўлганини турли манбалардаги айрим лавҳалар орқали билишимиз мумкин. Афсуски, улуғ Соҳибқирон маърузалари бизгача тўлиқ сақланмаган.

Маърузалар ҳақида сўз кетганда, шундай мулоҳазалар туғилади: улкан салтанат ҳукмдори бўлмиш ҳазрат Соҳибқироннинг маърузалари худди бугунги каби махсус мирзалар томонидан ёзма равишда тайёрланмаган бўлса керак? (Улуғ бобокалоннинг қоғозга қараб маъруза сўзлашини ҳатто тасаввур қилиш ҳам мушкул!)

Қолаверса, машваратда нотикнинг маърузасини тезкор ёзиб олувчи мирза (ўша даврга хос стенограф) бўлганми-йўқми?

Соҳибқироннинг “Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди”, деган машҳур гапи бор. Ул зот, “Умнатлар эсга олур...” деб, ҳарбий ҳаракатлар даврида юрган йўлларида кўпинча ёзма нишона ҳам қолдирган. Масалан, 1391 йилнинг баҳорида Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юриш чоғида кўшин Улуғ тоғ (ҳозирги Қозоғистон ҳудуди) мавзесига келади. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, “У киши шу жойда тўхтаб, ҳамма лашкарга тош келтиришни буюрди. У жойда баланд бир нишона – минора кутардилар. Тоштарошларга буюрди, улар у кунлар тарихини тошга нақш қилдилар, токи у нишона турар экан, замона саҳифасида бу юриш умри боқий қолгай” (Низомиддин Шомий “Зафарнома”, Тошкент, 1996, 158-бет).

Соҳибқирон тош битикни қуйидаги сўзлар билан тугатишни буюради: “Тангрига маъқул келса, ҳақли қилур, умнатлар эса эсга олур, деб тошга ёздирдик”.

Соҳибқироннинг ўзи ёзган (ёхуд котибга айтиб ёздирган) “Темур тузуклари”, “Зафар йўли” (таржимаи

ҳол) каби асарлари, шунингдек, тарихий манбаларда айнан келтирилган парчаларни ўқиб, шундай хулоса қилиш мумкин:

Соҳибқирон нутқи улуғвор, аниқ-тиниқ, диний ва илмий манбаларга асосланган, содда ва лўнда, шу билан бирга кескир жумлалардан иборат бўлган. Унинг нутқи одамларга малҳамдек ёққан, онгига оҳанрабо каби сеҳрли таъсир қилган, хотираларда узоқ сақланган. Кўҳна ҳикматда айтилгани каби донишмандлар сўзи содда, аниқ ва лўнда бўлади. Юракдан чиққан гап юракларга етиб боради, қалбларда чуқур ўрнашади.

Паст одамлар нутқи эса аксинча, кўп сўзли ва зерикарли бўлади. Узундан-узоқ, тумтароқ ва зерикарли сўзлар кишида чуқур таассурот қолдирмайди, эсда ҳам қолмайди. Турган гапки, бундай кимсалар учун улуғ Соҳибқирон яқинидан жой берилмаган. Соҳибқирон ўз ҳузурида ноҳўя сўзлар айтилишига йўл қўймаган. Чунончи, Ибн Арабшоҳ: “У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас... унинг мажлисларида уятсиз гаплар, қон тукиш, асир олиш, ғорат қилиш ва аёллар хусусида ҳақоратли сўзлар айтилмас эди”, деб ёзганди. Унинг даргоҳи том маънода юксак маънавият маскани бўлган.

Соҳибқирон турли илмларни чуқур эгаллаганлиги боис, ўз суҳбатларида барчани ҳайратда қолдирарди. Хусусан, тафсир, тавҳид, ҳадис, фикҳ, тарих, фалсафа, фалакиёт, табобат каби илоҳий ва дунёвий илмларни яхши билган. Бу ҳақда XV асрнинг машҳур олимлари Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Аbru, Ибн Арабшоҳлар, шунингдек, ҳазрат Алишер Навоий аниқ маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Соҳибқирон турли соҳа вакиллари билан, ўша соҳаларнинг билимдонига хос мулоқот қиларди.

Бахтимизга, улуғ бобокалоннинг Европа қироллари ва Йилдириш Боязидга йўллаган мактублари, айрим

хукми олий фармонларининг матнлари тўлиқ сақланган. Бу матнлардан улуғвор бир руҳ уфуриб туради.

Шунингдек, ёзма манбалардаги пурмаъно жумлаларни ўқир эканмиз, ҳазрат Соҳибқирон сўзларини тўлиқ англаш учун муқаддас Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан яхшигина хабардор бўлишимиз зарурлиги аён бўлади.

Улуғ Амир Темурнинг, авлодлар эсга олур, деб айтган эзгу нияти мустажоб бўлди. Ул зотнинг муборак сўзлари замонлар оша етиб келиб, руҳий-маънавий куч-қувватимиз манбаига айланди. Низомиддин Шомийнинг “Соҳибқирон ҳазрат номи жаҳон тургунча замона саҳифасидан ўчмагай, унинг ҳайбати овозаси, салобат зикри оламнинг Шарқу Ғарбига етгай”, деган башорати ўз тасдиғини топди. Бугун улуғ Соҳибқирон сўзлари, унинг маънавий мероси умуминсоният бойлигига айланди.

Буюк бобокалонимизнинг муборак номи ва айтган сўзлари нафақат юртимизда, балки турли элларда ва тилларда ҳам янграмоқда.

КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН ЛАШКАРБОШИ

Соҳибқирон Амир Темур жаҳон тарихидаги энг буюк саркардалардан биридир. У Худо берган салоҳиятини тўла-тўқис намоён эта олган, ўхшаши йўқ армия қўмондони эди. Жанггоҳларни танлаш санъати, уруш усуллари (тактикаси), лашкар тутиш ва сипоҳийларни сафлаш қондаси “Темур тузуклари” китобида батафсил ёритилган.

Амир Темур ўз даврига хос ҳарбий доктринага эга бўлган. Урушлар асосий масала бўлган ўрта асрларда унинг ҳарбий қудратга эришиши минтақаларда ҳимоя ва назоратни амалга оширишда муҳим восита ҳисоб-

ланган. Амир Темур жуда ҳам кучли разведка мактабини яратди. У дунёда биринчи марта қўшинни етти қисмга бўлган, тоғларда юрадиган пиёдалар қисмига асос солган. Соҳибқирон ҳарбий маҳорати қанча ўрганилса шунча янги қирралари очилиб бораверади. У ҳарбий соҳани янги билимлар билан бойитиб, санъат даражасига кўтарган.

Амир Темурнинг ҳаракатлари туфайли дунё сиёсий харитасида катта ўзгаришлар юзага келган. Улуғ бобомизнинг 660 йиллик тўйида қатнашган АҚШлик олим Ричард Нельсон, Амир Темурни “Евроосиё” ғоясининг асосчиси, деб баҳо берганди.

Академик Тарленинг “Наполеон” деган китоби бор. Ушбу китобнинг 1943 йили чоп этилган нашрининг 333-бетида шундай маълумот келтирилади: Кимки, дейди фаранг жаҳонгири Наполеон ўз маршалларидан бирига, Амир Темур ўз-ўзича жанг қилган деса, катта хато қилади. Жаҳон тарихида илк мунтазам армияни, қулай тактика ва стратегияни Соҳибқирон Амир Темур ишлаб чиққан.

Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳайратомуз маълумотларни ўқиш мумкин. Масалан, Кастилия ва Леон (ҳозирги Испания) қироли Дон Энрико Учинчининг Соҳибқирон ҳузурига йўллаган элчиси Клавихонинг ёзишича, қирол уларга Амир Темур ва унинг рақиби Боязиднинг қудратини, бойлигини, бир-бирига қарши қанча аскар ташлаганини ўрганиш ва булажак жангни кузатишни топширган эди. Элчи, Соҳибқирон армиясининг аъло даражадаги тузилишини, унинг жанг усулларини, Ҳиндистон юришидан олиб келинган ўрта аср “танклари” – жанговар филларнинг хусусиятларини таърифлаган. Забт этилган ҳудудларда тартиб-интизомнинг таъминланиши, ҳаётнинг қайта изга туширилиши уни ҳайратга солган.

Тарихий манбаларда яна шундай маълумотни ўқиймиз: 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқи-

нидаги Чубуқ водийсида (ҳозирги Эсенбоға аэропорти яқинида) Амир Темур билан Усмонли султони Боязид Йилдирим аскарлари омонсиз жангга киришдилар. Турли тарихий манбаларда иккала томондан уришган аскарларнинг умумий сони тўрт юз минг, олти юз минг, ҳатто бир миллион нафардан ошиқроқ эди, деган баҳсли маълумотлар ҳам мавжуд. Эрталаб бошланган шиддатли туқнашув кечга яқин Туркистон амирининг ғалабаси билан якунланди.

Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти ҳақида усмонли туркларнинг ХХ асрдаги буюк вакили Мустафо Камол Отатурк шундай деган эди: *“Менимча, жаҳонда ўтган саркардаларнинг энг улуғи Темурдир. У ҳеч қачон бирор урушни кўр-кўрона, фақат ҳарбий омадга ишониб бошламаган. У ҳар бир ҳарбий юришга жиддий, пухта, аниқ ҳисоб-китоб асосида узоқ йиллар давомида ҳозирлик кўрарди. Масалан, у Анқара жангида қозонган ғалабасини Боязид Йилдирим билан унинг вассаллари ўртасига ихтилоф солиш билан олдиндан таъминлаган эди. У ғалабага ақли билан эришди”*.

Амир Темур қўшини ўнлик, юзлик, минглик (ҳазора), ўн минглик (туман)ларга бўлинган эди. Шу билан бирга, муғулларга хос ушбу бошқарув янада такомиллаштирилиб, янгиликлар киритилди. 50–1000 тагача бўлган аскарлар “қўшин”, ундан кўпроқлари “қўл” деб, қўшин бошлиқлари “сардор”, “амир” деб аталди. Амир Темур қўшинни етти қўлга ажратган, ўнг ва чап қўлни захира қўшин билан таъминлаган.

*Черикки, йўқ эрди анга ҳисоб,
Бари паҳлавон ва бари камёб.*

Темурбек жанговар фаолиятида ақл бовар қилмас жасоратли саҳифалар жуда кўп. Масалан, 1366 йили Қаршида Темурбек бор-йўғи 243 киши билан 12 минг

кишилик душманга қарши жанг қилган ва Тангрининг июноти-ю, саркардалик салоҳияти билан зафар қозонган.¹

1368 йилда Бадахшонда қўли баланд келган душман Соҳибқирон аскарларининг кўпини қириб ташлади ва 130 кишини асир олди. Ёнида бор-йўғи 13 нафар навкар билан қолган Амир Темур Добон тоғи тепасига чиқиб, душман йўлини мардларча тўсди. Беқиёс маҳорат ва жасоратлар эвазига ўз аскарларини душмандан қутқариб қолди. Кейинчалик Соҳибқирон ўша жангни эслаб: “Кўп жанглар қилдим ва кўп воқеаларни бошдан кечирдим-у, аммо бу жангдан қаттиғини кўрмадим...”, деган экан.

“Александр Македонскийдан бошлаб барча фотиҳлар ҳар доим ўз зафарларига ишонган ҳолда жангга кирган десак, хато қилган бўламиз, – деб ёзади Люсьен Керен. – Атилла ва Наполеон каби буюк саркардалар ҳаётида шундай дақиқалар келганки, улар бўлажак муҳорабада ҳалокатга учрашларини тўлиқ англаган ҳолда жангга киришга мажбур бўлганлар, зеро уларнинг бошқача йўл тутишга иложлари қолмаган”.²

Бироқ улардан фарқли ўлароқ, Амир Темур қаерда ва ким билан жанг қилмасин, ҳар сафар омад унга ёр бўлган. Омад калити эса, Соҳибқироннинг бетакрор саркардалик салоҳиятида эди.

Амир Темур қўшин таркибини тузиб, тартиб билан уринларини ҳамда вазифаларини белгилаган. Жумладан, ўша даврнинг машҳур тарихнависи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида ёзишча, қўшин таркибини еттита асосий қисмга бўлиш

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сузбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткич муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад., Ҳ. Бобобеков. – Т: “Шарқ”, 1997. – Б. 174–256.

² Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. Париж: Альбэн Мишель нашриёти, 1963. Француз тилидан Баҳодир Эрматов таржимаси.

ва улар ўрнини белгилаб бериш, тартиб билан жойлаштириш Амир Темур томонидан жорий этилган. Қўшин турида **пиёда аскарлар** ва **отлиқ суворийлар** билан бирликда махсус қуроолларни ишга соладиган гуруҳлар ҳам бўлган. Масалан, **рандандоз**, **нафтандоз** – ёндирувчи ўтотар қурооллар; **сангандоз** – тош отадиган қурооллар; **манжаниқ** – қалъа деворларини бузувчи қурооллар ва **ўзиотар қурооллар** билан қуроолланган жангчилар гуруҳи ҳам¹ мавжуд бўлган.

Буюк аждодимизнинг тарихий хизматлари ҳақида хорижлик олимларнинг тадқиқотлари ҳамда холис эътирофини келтириш мароқлидир. Яқинда Новосибирск давлат университети (НДУ, Россия) мутахассислари жаҳон тарихида илк бор буюк Амир Темурнинг ўн икки нафар энг яхши саркардаси ҳарбий таржимаи холини тиклагани ҳақида маълум қилди¹.

– Амир Темур тактика бўйича даҳо бўлган, – деб ёзади университетнинг гуманитар тадқиқотлар лабораторияси етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Леонид Бобров.

Амир Темур ўз аскарлари таркибига алоҳида эътибор бериб, уларни замонасининг энг жанговар армиясига айлантиришга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Ҳар бир навкардан, айниқса, бошлиқларидан ҳарбий услублар (тактика)ни эгаллаган, зарур бўлган пайтда ғалаба учун мустақил ҳаракат қила оладиган, жанг майдонида ҳарбий қасамёдга содиқ, навкарлик низомига қатъий риоя эта оладиган, душманга аёвсиз, шунингдек, омонлик истаган рақибларга юмшоқ муомалада, адолатли, кечиримли бўла оладиган хусусиятларни талаб этган. Душман ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасдан туриб жангга кирмаслик учун

¹ *Шарафиддин Али Яздий*. Зафарнома асарида Темурнинг ҳарбий бошқарув тизими ҳақида кўп фикрлар бор.

махсус **хабаргир** (душман орасида юборилган айғоқчи, кузатувчи, яъни резидент, агент) ҳамда **ясовул** (қўшиннинг олдинги қисмларида юрувчи, душманнинг олдинги қисмидан хабардор бўлиш учун жунатилган разведкачилар ва душман орасида юрган айғоқчилар билан алоқа боғлайдиган соқчилар) бўлимларидан ва уларнинг ишончли маълумотларга таянишни талаб қилган рус олими айниқса, Соҳибқирон саркардалари маҳоратига алоҳида тўхталади. Бобровнинг қайд этишича, нафақат Темурнинг саркардалари, балки унинг армияси қандай қуроллардан фойдалангани, ҳарбий ишни қандай ташкил этгани, тактика ва стратегиялари ҳам чуқур ўрганилмаган.

“Биз чоп этилмаган материаллар – археологик топилмалар, бутунлигича сақланиб қолган қурол-аслаҳа ва совутлар, XIV аср охири – XV аср бошига тааллуқли тенги йўқ тарихий ёзма манбалар устида сўнгги йилларда фаол ишладик. Ушбу манбалар Темур қўллаган жанг олиб бориш тактикаларини энг майда деталларигача қайта тиклаш имконини беради. Амир Темур қўллаган тактика ва стратегиялар ҳарбий санъатда ҳақиқий олға силжиш бўлган, бу тактикалар кўп жиҳатдан ўз замонидан илгарилаб кетган эди”, – дейди тарихчи. Амир Темур ишлаб чиққан энг самарали тактик усуллардан бири – қўшин қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи суворий ҳарбий қисм – кумбул (қанбул)лардан фойдаланиш эди. Бу – Чингизхон давридан бери душманни қанотдан айланиб ўтиб, маҳв этиб келаётган отлиқ кўчманчиларга қарши самарали курашиш имконини берган.

Олтин Ўрда кўчманчилари Амир Темур билан жанглarda унинг кумбулларига жиддий зарар етказа олмаган. Оқибатда, Амир Темур Олтин Ўрдага ҳал қи-

лувчи зарбани бериб, шу билан Руснинг муғул-татар тутқунидан қутулишига билвосита таъсир қилган.

Бобровнинг сўзларига кўра, новосибирсклик тарихчилар олти йилдан бери Амир Темур армиясини урганмоқда ва яқин орада катта миқёсли монографияни чоп этишни мақсад қилган. Бу – жаҳон тарихида Амир Темур армияси ва ҳарбий фаолиятини қамраб олган илк илмий-тадқиқот бўлади, – дея таъкидлайди олим.

Айрим манбаларга кўра, Соҳибқирон Амир Темур умри давомида тахминан мингта жанг утказган ва ҳаммасида ғалаба қозонган. Дунё тарихида бундай беқиёс саркарда бошқа учрамайди!

КЛАВИХО ҲАЙРАТИ

Соҳибқироннинг жаҳон тарихидаги энг катта хизматларидан бири – унинг буюк бунёдкорлик фаолиятидир. Шаҳрисабзда Амир Темур қурдирган Оқсаройни таърифлаш учун энг гўзал сўзлар ва ҳайратли ибораларни саралаб, бир қанча китоблар ёзишга тўғри келади.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Оқсарой қурилишининг бошланиши ҳақида қуйидагиларни ёзган:

*Кук тоқига туташди кунгирасининг боши,
Ҳасадчи юлдузларнинг селдек оқди кўз ёши,
Оппоқ тобланган чоғда тун ёноғидан ўпдилар,
Муаззинлар тонг отди, дея чаққон чопдилар.
Оқ елкасига ташласам деб назар арқонини
Донишлар нисор этди юз минг юрак жонини.
Ердан то само қадар кутарилган янги Ой,
Номи ила аталди танҳо гўзал Оқсарой.*

Саройни бутун салобати, муъжизавий фавворалари-ю жилваларини ўз кўзлари билан кўрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳайратининг чеки йўқ:

“Саройга жуда узун йўлакдан, бағоят баланд дарвоза орқали кирилади...

Ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз жилоланиб турибди. Ҳовли саҳнининг кенглиги уч юз қадам келади... Бошдан-оёқ зарҳалланган бўлма ва ҳашаматли хоналарни шу қадар кўп кўрсатишдики, таърифини адо қилиб бўлмайди.

Қабулхона деворлари ҳам олтин, ложувард ва кошинлар билан моҳирона безатилиб, устига тилла суви югуртирилган. Бу ерда элчиларни юқори қаватга олиб чиқдилар. Бу қаватда бошдан-оёқ зарҳалланган бўлма ва ҳашаматли хоналарни шу қадар кўп кўрсатишдики, таърифини адо қилиб бўлмайди. Бўлма ва хоналарга зарҳал, зангори ва бошқа бўёқлар билан заргарона ҳал берилган, безаш ишларининг барчаси олтин, ложувард ҳамда қимматбаҳо тошлардан қилинганки, чевар усталарга эга бўлган Париж ҳам бу нақшлардан ҳайратга тушиши ҳеч гап эмас” (Руи Гонсалес де Клавихо. “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”. “Ўзбекистон” НМИУ, 2010 йил, 147-148-бетлар).

Кўҳна тарих бисотида бошқа бирорта ҳукмдор қўрган бино ёки иншоот бунчалик таъриф-тавсифлар ва ҳайратларга сазовор бўлмаган. Оқсарой – битмас-туганмас муъжиза, тилсимлар олами.

ОҚСАРОЙНИНГ ШИФОБАХШ ШАМОЛИ

Оқсаройнинг атиги икки пештоқ устунигина (уларнинг ҳам ярми) бугунгача сақланиб қолган. Бу икки пештоқ, бир пайтлар жуда олислардан кўриниб турган маҳобатли Оқсарой мажмуасининг юздан бир

қисмини ташкил қилар, балки. Аммо шу кичик бўлагининг сир-саноатларини ҳам санаб адоғига етиш мушкул. Муъжизавий обидага бағишлаб ёзилган асарлар жамланиб, устма-уст териб чиқилса, бу китоблар Оқсаройнинг асл баландлигидан ҳам юксакроқ минорага айланади. Ҳуқуқшунос Шерзод Асқаров ҳикоясидан:

– Кексаларнинг ривоятларига қулоқ тутилса, қаср муъжизалари беҳисоб эканини англайсиз. Қадимда, ҳали тиббиётда сунъий ва кимёвий дори-дармонлар бўлмаган вақтда, табиий гиёҳлар инсонлар дардига дармон бўлган. Нафақат гиёҳлар, балки сув, тупроқ, қум, тош ва шунга ўхшаш табиий жинсларнинг шифобахш хусусиятларидан ҳам унумли фойдаланилган. Масалан, Шаҳрисабзда Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган Доруттиловат мажмуасида муъжизавий кўктош бор. Кўктош устидаги чуқурчага сув қўйиб ичилса, кўк йўталга даво бўлади. Кўпчилик ҳозир ҳам шу оддий амални қўллаб, дардига шифо топадилар.

Шаҳрисабз муъжизаларидан яна бири – бу Оқсаройнинг шифобахш шабадасидир. Ҳар гал ушбу муъжизага дуч келсам, ҳайратим янгиланаверади...

Оқсаройга яқинлашган сайин ёқимли бир шамол юзингизга урилиб сийпалайди. Улкан пештоқ оралиғида шамол янада кучаяди. Роҳатбахш майин шабада қаердан эсяпти? Ўзингизни енгил ҳис этасиз. Бунинг сабабини ўша ердаги отахонлардан сўрадик. Айтишларича, бу ерда ҳамма вақт шундай ёқимли шамол эсиб турар экан. Бунинг тарихи ҳам қизиқ.

Ўтмишда аждодларимиз бинолар учун энг мақбул жой танлашда ҳам заковат билан иш тутганлар. Оқсарой қурилишидан аввал, шаҳарнинг турли жойларига мол ва қўй гўштлири осиб чиқилган. Гўшт энг узоқ вақт бузилмасдан сақланган жойда умрбоқий Оқсарой қурилган экан. Чунки бу жойда ўзига хос микроқлим мавжуд бўлиб, ҳатто шамоли ҳам шифобахш хусусият-

га эга. Табибларнинг шифобахш амаллари айнан шу ерда хасталарга яхши эм бўлар экан.

Шаҳарликлар Оқсарой пештоқлари орасидан эсаётган майин шабада гайморит, йирингли яралар, асаб ва бошқа бир қанча касалликларнинг тузалишини тезлаштириши ҳақида ҳайратомуз далилларни айтиб беришди.

Ўйлаб қоламан: она тупроғимиз шу қадар хосиятли, боболаримизнинг ҳар бир иши ва сўзлари ҳикматли! Ахир, улуғ Соҳибқирон Оқсарой пештоқига: “Агар куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг”, деб бежизга ёздирмаганлар. Бу куч-қудратни бизга она тупроқ, ҳатто унда эсувчи шабадалар ҳам беради!

Шаҳрисабзга йўлингиз тушса, албатта, Оқсаройга келиб, шифобахш шамолдан тўйиб-тўйиб нафас олинг. Шунда унинг шифобахшлигига амин бўласиз. Танангизга куч-қувват тўлаётгани, мия тиниқлашиб, эзгу туйғулар пайдо бўлишини, албатта, ҳис этасиз!

“МИНГ БИР КЕЧА” ЭРТАКЛАРИДЕК

Куп йиллар бурун, собиқ шўро тузуми даврида Шаҳрисабз автовокзалининг кутиш залида каттакон, ажойиб сурат осиглиқ турарди. Суратда Соҳибқирон Оқсаройда хорижлик элчиларни қабул қилаётгани тасвирланган. Мовий гумбазлар офтобда чарақлаб, мрамар ҳовузда зилол сув енгил мавжланмоқда. Ҳукмдор атрофида бир қанча салобатли зотлар туришибди. Зарбоф тўнлари, қимматбаҳо камарлари тик гавдаларига жуда ярашган бу қудратли инсонлар Соҳибқироннинг сафдошлари, аркони давлат, вазирлар ва амирларидир. Суратда салтанатнинг бойлиги, куч-қудрати, мустаҳкам интизом акс этган, у дарҳол эътиборни тортади.

Амир Темур салтанатида ўтказилган машварат, қурултой, кенгаш, шоҳона қабуллар ва дабдабали сарой маросимларида ўрта аср давлатчилигининг ўзига хос расмий анъаналари мужассам эди. Тантанали маросимларда ўша даврдаги тартиб-қоидалардан тартиб, аёнларнинг зарбоф либосларигача катта эътибор берилган.

Улуғ зотларнинг бепоён руҳияти ва кенг дунёқарashi – улар қурган биноларда, жорий этган анъаналари ва моддий-маънавий меросида акс этади. Соҳибқирон Туркистон тупроғида унгача ҳукм сурган давлатчилик сулолалари, хусусан, Хоразмшоҳлар саройи ҳамда чингизийлар ўрдасидаги шоҳона қабул тартибларини, тантанавор маросим ва урф-одатларни қабул қилиб, ўз саройида янада тараққий эттирган. Жумладан, қабул тартибларининг ижобий жиҳатларини уйғунлаштирган ва янгиликлар киритган.

“Темур тузуклари”да шундай дарж этилган: *“Амр қилдимки, сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларига қулоҳсиз, этиксиз, кавушсиз, бурк ёқалик чакмонсиз, ханжарсиз, қиличсиз ҳозир бўлмасинлар”*.

Соҳибқироннинг қабул маросимларидаги улуғвор ва ҳашаматли манзаралар олдида бир неча аср кейин Фарангистон қасрларида жорий бўлган дабдабалар хира тартиб қолса, ажаб эмас.

“Амир Темурнинг пойтахти ва саройларининг ҳашамати ажнабий ҳукмдорлар ва элчиларни мафтун этган. Соҳибқирон уларни кийим-боши, қуро-яроғи, сермаъно нутқи билан лол қолдирарди. У оқ сувсар мўйнасидан тикилган, жавоҳирлар билан безатилган телпак кийиб юрар, салла ўрамаган эди”.¹

¹ Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. Париж: Альбэн Мишель нашриёти, 1963. Француз тилидан Баҳодир Эрматов таржимаси.

Шарқ тиллари ва адабиёти билимдони, Пешт дорилфунуни профессори, XIX асрда юртимиз бўйлаб саёҳат қилган Ҳерман Вамбери Амир Темур саройи манзараларини ноёб тарихий манбалар асосида қуйидагича мароқ билан таърифлаган:

“Сарой хонимлари олтин уқа билан безатилган узун қизил кийим (қабо) кияр эдилар. У кийимнинг ёқаси бўйнини қисиб турадиган, ўзи енгсиз бўлган, орқа этаги жуда узунлиги учун уни махсус жориялар кўтариб юришган. Уларнинг сони баъзан ун беш кишига етарди. Юзга ҳижоб тутганлар. Сафарда чанг-тузондан ва ҳавонинг таъсиридан сақланиш учун юзларига оқ кўрғошин тусидаги упа қўйилган. Қизил мовутдан дубулғага ўхшаш учли қалпоқ кийишган. Қалпоқ усти қизил ёқут, забаржад, дурлар билан безатилган, атрофида кунгурадор безак (қош) бўлиб, ундан гўё оқ парлар “тўкилиб” турган. Патлар аёлларнинг кўзларигача тушиб, ҳаракати билан ўзгача гўзаллик берур эди.

Соҳибқирон саройидаги аёллар Осиёнинг қимматбаҳо тақинчоқлари-ю, Исфаҳон, Мултон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис асарлари билан ўзларига оро берар, эркаклар ҳам ноёб тошлар билан безатилган қурол-анжом ва камарларини кўрсатиб, кўзни қамаштирар эдилар. Эртаклардагидек кўп бойлик – кумуш ва олтин идиш-товоқлар ҳам саройларда тез-тез кўзга ташланиб турар эди...

Бу ерда қизиқчилар, муқаллидлар, кўзбойлоғичлар, дорбозлар деярли кам эди. Буларнинг кўпчилиги Ҳиндистондан, Кашмирдан келар эдилар. Мазкур тўйларда хонимлар ҳижобсиз иштирок этардилар, маликалар изн ом (оммага рухсат этилган) базмлари ясар, унда эркаклар, ҳаттоки насроний элчи ҳам қатнашар эди. Ислоом ва Ўрта Осиё турмуши билан таниш кишиларга бу ғайритабиий туюлади. Испания элчилари-

нинг ривоятларига кўра, биз Мироншоҳнинг хотини катта меҳмонлар йиғилишида берган бир умумий зиёфатни биламиз. У қирқ ёшлик семиз бир хонзода эди. Бу зиёфатда ёш йигитлар ва катта баҳодирлар соқий бўлиб хизмат қилдилар. Бошқа бир пайтда подшоҳ оғим, яъни Темурнинг катта хотини мовут деворлар билан ўралган, олтин нақшлар ва ёзувлар билан зийнатланган олий чодирда катта тўй қилди”.

Клавихо улкан шоҳона чодир ва унинг ичида кўрганларини шунчалик ҳайрат ва завқ билан тасвирлайдики, уларни “Минг бир кеча эртакларидагидек” деб таърифласак, анча камтарона баҳо берган бўлармиз. Негаки, бу тантаналар ҳақида кўпни кўрган муаррихлар ёзиб қолдирган нодир сўзларни тарих бисотида бошқа учратиш мушкул. Баландлиги росмана қасрга деярли тенг келадиган шоҳона чодирни одам бели йўғонлигидаги ўн иккита олтин устун кўтариб турган. Ҳар жойда қимматбаҳо гиламлар чўғдек ёниб, ноёб шоҳи сўзаналар бетакрор манзара ҳосил қилган. Чодир пештоқида зарҳал рангда туширилган аждарҳо тасвири шамолда оҳиста солланиб, узоқлардан яққол кўриниб турарди. Ичкаридаги олтин хонтахта, олтин кўза ва қадахлар, айниқса, танасининг йўғонлиги одам сонидек келадиган олтин дарахт кишини эртаклар салтанатига етаклагандек бўлади.

Соҳибқирон 1404 йил июлида етти йиллик ҳарбий сафардан қайтиб келди. Муайян вақт Самарқанд атрофидаги “Боғи Чинор”, “Боғи Дилкушо” ва “Боғи шамол”да яшаб, навбати билан Олтин Ўрда ва Испания элчиларини қабул қилди. Айни пайтда Самарқандда ўзи йўқлигида давлат ишлари қандай олиб борилганлигини синчковлик билан текшириб, йўл қўйилган адолатсизлик ва тартибсизликлар учун маъмурият вакиллари жазолаган.

Соҳибқирон мансабдорларнинг айби билан жамоа аҳлини ранжитганлигини ҳисобга олиб, кайфиятини кўтариш мақсадида халқ байрамини ўтказиш ва шу билан бирга невараларини уйлантириш ҳақида кўрсатма беради. Бу хусусда Ибн Арабшоҳнинг ҳикоясига қулоқ тутамиз:

“Темур Самарқанд аҳлига зеб-зийнатга ўралишни, улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқори ва қуйи табақали кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик қилмасликларини, ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагидан бир милда жойлашган Конибил деб аталадиган жойга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу жойлар жаннат бўстонидан ажратиб олинган бир қитъа”.

Бу ҳайратомуз сатрларда инсон қадр-қимматининг улуғлиги, подшоҳ одиллиги, муқаддас Ватан тупроғининг бебаҳолиги, мўл-кўлчилик, осойишталик, тўқчилик, тани сиҳатлик ва кўнгил хотиржамлиги ғоятда гўзал тарзда акс этган.

Шундан сўнг муаррих, шахсан Соҳибқирон бошқош бўлган халқ байрами ва тўйни мароқ билан тасвирлайдики, у ўқувчига ўзгача завқ, ҳайрат, қувонч, ҳузур-ҳаловат, фахр ва ғурур бағишлайди.

Конибилда минглаб чодир ва ўтовлар тикилиб, олтин, кумуш, нодир жавоҳирлар билан безатилди. Олтидан ясалган идиш-товоқлар қўйилиб, анвойи таомлар пиширилди. Байрам ва тўйда Соҳибқироннинг фарзандлари, хотинлари, келинлари, қариндошлар, салтанатнинг бошқа вилоятларидан келган ҳокимлар, шунингдек, ўнбошилар, юзбошилар, мингбошилар, туманбегилар, амирлар ва ҳарбий қисмлар ўзларига бел-

гиланган жойларга урнашдилар. Эътиборли томони шуки, тумонат одам – ўн минглаб аскарлар ва фуқаролар ҳеч бир ортиқча шовқин-сурон ва бесаранжомликсиз, тез, аниқ ҳаракат қилиб, улкан ялангликда худди эртақлардаги каби ғаройиб кўчма шаҳар бунёд этишди. Қандайдир ашёлар етишмаслиги, таъминотда кечикиш, ўғирлик, ўринсиз шовқин, дуқ-пуписа, қистовга олиш каби ҳолатлар юз бермаган. Ҳар ким ўз ўрни ва вазифасини аниқ билар ҳамда бенуқсон бажарар эди.

Бу сатрлар Соҳибқиронга мухлис муаррих томонидан эмас, балки унга нисбатан кўнглида гина-кудурат сақлаган собиқ асир – Ибн Арабшоҳ томонидан битилгани ҳам эътиборга лойиқ. Яъни, Соҳибқирон даргоҳида етти иқлимда бўлмаган улуғвор манзараларни кўриб, шахсий ғаразни четга сурган, унинг даҳосига самимий тан берган. Шу боис, воқеалар ҳолис ёритилганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Соҳибқирон саройидаги улуғвор тантаналар, пойтахт Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўтказилган тўй манзараларни дунё тарихидаги унча-мунча тантаналар билан солиштириб бўлмайди.

Ибн Арабшоҳ Конигилдаги байрамларни тасвирлашни давом эттириб ёзади: *“Шундай қилиб, осойишталигу хотиржамлик, фароғату тўкинчилик, нарх-наво арзонлиги, орзу-ҳавас ушалиши, замон муътадиллиги, султон одиллиги, тани-бадан сиҳатлиги, вақти чоғлик, нафратнинг кутарилиши, матлубга етишиш, маҳбубага висоллик ҳосил бўлди. Ушбу тўй тантанасида Темурга савлатлилиқ ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабалиқдан (шундай) бир (улуғ) нарса муяссар бўлдики, уйлайманки, қадарлик нарса қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб этмаган ва (бундан) кейин келадиганларнинг ҳам бирортасига насиб бўлмайди”*.¹

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. – Б. 311.

Ушбу эртақмонанд тасвирларни хотирада жонлантириб, ўзингизни ўша байрам қатнашчиси сифатида тасаввур қилинг. Мана, ўша тарихий Кониғил ўланзори – Самарқанд ёнидаги Чўпонота адирларининг этаги, Зарафшоннинг чап қирғоғида ястаниб ётибди. Бу тупроқ бир замонлар худди эртақлардагидек тўй-тантаналарга гувоҳ бўлган. Клавиҳо, ўша машҳур тўй кунлари Кониғил яланглигида 20 минг чодир тикилган эди, деб ёзган. Йигирма минг-а! Бунча ҳашамат ва кўламини кўз илғайдими, киши нигоҳи қамрай оладими?!

Амир Темур ўтказган улкан тўйлар, қурдирган шаҳарлар ва ҳашаматли қасрларнинг таърифу тавсифини неча-неча жилд китоблар ёзиб ҳам тугатиб бўлмайди. Бу шодиёналарнинг шукуҳи халқ хотирасида бардавом яшаб келаётир. Бугунги Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Самарқанд ва бошқа жойлардаги катта тўйлар, беихтиёр Соҳибқирон бобомиз Дилкушо боғида ўтказган қабул маросимлари, Кониғил даштидаги тўй-тантаналарни эсга солади. Оддийгина одамларнинг ҳам дабдабали тўйларида бутун давлатию савлатини намойиш этиши, неча йиллаб йиққан-терганини фавқулодда сахийлик билан халққа сочиш одати бизнинг юртдан бошқа яна қайда бор? Улуғ Соҳибқироннинг ҳафталаб тўйлар бергани, сунгра ҳар бир меҳмонга биттадан ҳисори қўй совға қилгани ҳақидаги ривоятни эслатади бу ҳотамтойлик.

Шунингдек, иморатларни имкон қадар сержило ва ҳашаматли қилиб қуриш одатимиз ҳам бизга бобоме-рос қадрият, дейиш мумкин...

Соҳибқирон ўша байрам ва тўй охирида халойиққа қарата шундай деган экан:

*“Тенги йўқ Тангри ва ранг-баранг оламнинг эгаси
рубъи маскундаги мамлакатларнинг ихтиёр жило-
вини бизнинг қудрат чанғалимизга тутқазган ҳамда*

жаҳоннинг қуруқлиги-ю, сувларидаги барча махлуқот-ни бизнинг амримизга бўйсундирган экан, оламни ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил қилиб, барча давлатлар ва миллатлардан кучли ва заиф, фақир ва шариф, катта ва кичик – ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил қуришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш. Сизлар ҳам ҳар доим берилган неъматларга шуқр қилсангизлар, албатта, уларни зиёда қилурман”.¹

Бобокалоннинг ушбу сўзлари инсонпарварлик, миллати ва динидан қатъи назар барча халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва уларнинг “давлатдан баҳраманд” бўлишларини акс эттирувчи олижаноб туйғулар билан суғорилган. Турли дин ва миллат вакилларига бундай адолатли муносабатда бўлиш тарихда деярли учрамайди.

МАҚСАДИ – ДУНЁНИ ОБОД ЭТИШ ЭДИ

Амир Темур фақат ўз юртида эмас, бошқа узоқ минтақаларда ҳам ободончилик ишларини олиб борган. Дамашқ, Бағдод, Табриз, Машҳад каби шаҳарларни қайта тиклаган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва бошқа ерларда сув чиқариб, ободончилик, янги ерлар очиш, боғлар барпо этиш каби тарихий тадбирларни амалга оширди. Озарбайжонда Байлақон шаҳрини қайта қуриб, қарийб етмиш километр узоқликдан сув олиб келди ва унга ‘Барлос наҳри’ деб ном берди. Эни ўн метр, чуқурлиги тўрт метрни ташкил этган мазкур канал қурилишида икки юз минглик қўшин – боболаримиз қатнашганлар.

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Б. 394–395.

Амир Темур Кобулдан нарироқда оқадиган Ғурбон дарёсидан 30–35 километр узунликдаги Жўйи Моҳигир ва Жўйи нав номлари билан машҳур каналлар чиқаргани ва бу атрофда ободончилик юзага келгани маълум.

Бундан ташқари, Соҳибқирон қадам ранжида қилган юртлардаги улуғ олим ва авлиёларнинг қабрларини обод қилган, уша жойда яшовчи халққа эҳсонлар улашган.

Олис Мовароуннаҳрдан келган ҳукмдор, ерли маҳаллий халқни солиқлардан озод этса, совға-салом ва ақчалар улашса, обидаларни тикласа, ариқлар қаздириб, юртни маъмур айласа...

Бундайин инсонпарвар, адолатли йўлбошчини тарих кўрганми?

1381 йилда Хуросоннинг Мурғоб водийсида бир неча ариқлар қазилиб, обод этилган. Мурғоб буйи (ҳозирги Туркманистон ва Афғонистондан оқиб ўтувчи дарё)да тўхтаган Амир Темур барча саркардаларига сув чиқариб, бу ерларни обод этишни буюради. Ҳофиз Аbru ўзининг “География” асарида улар томонидан қазилган ариқларнинг номларини бирма-бир санаб ўтган: Дилкушо ариғи, Ганжиравон ариғи, Дарбанд, Ганжхона ариғи, Умар Тобон ариғи, Оқ Буғо ариғи, Қутлуғ Темур ариғи, Шайх Али, Шайх Абу Саъид, Давлатшоҳ Жондор, Ҳасан Жондор ариғи, Келачи ариғи, Амир Аловуддин, Сунжадак, Навруз, Навбахтон, Кепакчи, Қутлуғ хотун ариғи, Менгли хожа ариғи, Али Малик ариғи.

Бу каби мисолларни узоқ давом эттириш мумкин. Дунё тарихида яна бир шундай бунёдкор ҳукмдор ўтгани маълум эмас...

КУЧ – АДОЛАТДА

Уз қудратимни сақламоқ учун мен бир қўлимда адолат шаъмини, иккинчи қўлимда беғаразлик шаъмини тутиб, ҳар икки шаъм бирлан бутун умр буйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим.

Амир ТЕМУР

Қонун-қоидалар асрлар давомида пайдо бўлиб, такомиллашиб боради. Қомус, Тузук, Тура, Низом, Ясо, Шариат, Асосий қонун, Конституция ва бошқа сўзлар билан ифодаланган тартиб-қоидалар узоқ тарихий тараққиёт маҳсули саналади.

Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари акс этган бугунги Конституциямиз Истиқлол шарофати ила қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг тарихий илдизлари узоқ тарихга эга. Улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсати ва тузуклари бугунги ҳаётимизда ҳам ўзига хос андоза вазифасини ўтайди.

Россия императорлик жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д.Логофет 1913 йил Санкт-Петербургда нашр этилган “Бухоро тоғлари ва текисликлари” китобида шундай ёзган:

“Европада конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси – “Тузуклар” мавжуд бўлган ва амал қилган”.

Амир Темур шахсий ҳаётида уч муътабар асос – дин, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган.

Буюк Соҳибқироннинг ҳаёти “Куч – адолатдадир” деган ҳикмат билан йўғрилган.

Тарихда қудратли салтанатлар ва ҳукмдорлар кўп ўтган. Бироқ буюк даҳо сифатида ном қолдириш учун фақатгина куч-қудратнинг ўзи камлик қилади. Амир Темур ҳаётининг мазмунини адолат билан бирга, инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони ташкил этган. У оламнинг ярмига жаҳонгирлик қилган бўлса ҳам куч-қудрат – зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча адолатда эканини муҳим деб билган.

“Кучсиз адолат ва адолатсиз куч – иккови ҳам даҳшат”, – деб ёзган эди қадимги юнон донишманди Эсхил. Сўнгра у фикрини шундай давом эттиради: “Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?”

Инсоният тарихидаги жуда кўп донишмандлар орзу қилган куч ва адолат бирлиги 1370 йилда Термиз яқинидаги Бий мавзеида содир бўлган эди. Бу ерда ўзининг фавқуллодда салоҳияти ва ғалабалари билан бутун Мовароуннаҳрга танилган 34 ёшли Амир Темур ва маккалик улуғ шайх, ер юзи сайидларининг пешвоси 55 ёшли Саййид Барака юзма-юз келдилар. Тарихчилар бу улуғ учрашувнинг “ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз кутилмаганда” юз берганлигини айтиб, уни тақдири азал томонидан белгиланган учрашув, дея таърифлайдилар. Зеро, бу ерда куч-қудрат рамзи Амир Темур ҳамда адолат ва руҳият тимсоли Саййид Барака қовушдилар. Оламшумул вазифани амалга ошириш учун куч-қудратга мос келадиган, уни Буюк ишларга йўналтирадиган руҳият-маънавият шу тариқа бирлашдилар. Соҳибқирон пирларининг асосий талаби эса – АДОЛАТ эди.

Энди адолатнинг мазмун-моҳияти тўғрисида чуқурроқ фикр юритсак.

“Адолат” сўзи арабча “адл”дан олинган бўлиб, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилиқ маъноларини англа-

тади. Ҳар ишда одил бўлиш, золим бўлмаслик, ҳақсизлик қилмаслик жуда аҳамиятли, гузал ахлоқдандир.

Инсоният яралганидан бери адолатни қадрлаб яшайди. Адолат – тили, дини ва жинсидан қатъи назар барча учун азиз қадрият. Эртақ ва дostonларда яхши инсонларнинг ёмон ва золимлардан озор чекиши, пировард оқибатда воқеалар доимо ёмонларнинг жазоланиши билан якунланиши бежизга эмас. Агар шундай бўлмаганида, ҳар қанча мукамал бўлмасин, асарнинг қадри бўлмас эди.

Қадимги Хитой донишманди Конфуцийдан сўрадилар: “Ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш тўғрими?” Донишманд деди: “Яхшиликка – яхшилик билан, ёмонликка эса – адолат ила жавоб қилмоқ керак!”

Соҳибқирон ҳаётидан ушбу ҳикматга мос мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, ул зот ўз “Тузуқлар”ида: *“Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топшурдим... Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кутариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан учирдим”*, деб ёзади.¹

Соҳибқирон қўллаган жазолар адолатли бўлгани боис, раият аҳлида эътироз ва норозилик туғилмаган. Бугун саъй-ҳаракат қилаётганимиз – “қонун устуворлиги” тамойили Соҳибқирон давлатида кенг амалда бўлган.

“Темур тузуқлари”да шундай ёзилган: *“Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим”*.

Азалдан адолат бўлган жой гуллаб-яшнаган, халқ эркин бўлган. Адолат оёқости қилинган жойларда эса,

¹ Темур тузуқлари. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 55.

разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган. Адолат – одамлар учун фоний дунёга мазмун берувчи хилқатдир.

Соҳибқироннинг ҳаёт шиори бўлган “рости-русти” (куч-адолатдадир) сўзлари ёзилган узукни унга Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий ҳадя этган. У Амир Темурга йўллаган мактубида шундай таъкидлаган: “Худонинг мулкида адолат ила иш тутгилким, шундай демишдирлар: **“Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди”**.”

Зулм – адолатнинг ошкора бузилиши, демакдир.

“Ҳақ” сўзи Яратувчи Аллоҳ номи, шунингдек, “адолат” мазмунини ҳам ифодалаши бу хилқатнинг илоҳийлигидан дарак бераётгандек. Адолатда поклик, тўғрилиқ, ҳақиқат мазмуни мужассамдир. Инсоннинг қуввати, гуруҳ ёки жамоанинг бирлиги ва ниҳоят, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати ҳам адолат туфайлидир. Инсоният донишмандлари, адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди, дея яқдил таъкидлайдилар.

Адолатли одам ўткир ақлга эга бўлади. Тўғри ва тиниқ мулоҳаза юритади. Тоза кўнгил, олийжаноб ва мард бўлади. Адолатли бўлиш – лафз, сўзида туриш демакдир. Адолатли инсонгина элим-юртим деб яшайди.

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг бош тамайили адолатга асосланганлиги – унинг беназир ақл-заковати ва юксак тафаккури, ўз халқининг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини мукаммал билган инсон бўлганлигини кўрсатади.

“Фақат инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин”, – деб ёзади фаранг файласуфи. Бу ҳикмат худди буюк Амир Темур ҳақида айтилгандек. Соҳибқирон ўз фаолияти давомида ҳар бир можаро ва муаммоли ишларни диққат билан текшириб кўрган. Барча ишларида ҳаққоният ва адолат билан иш

тутган. Уз фуқароларига раҳм-шафқатли бўлган. Камбағалларга кўп хайру эҳсон қилиб турган. Бунинг натижасида унинг қудрати ошиб борган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон ўзига тўрт нафар адолатли вазир тайинлаган. Улардан иккитасига доимо уни кузатиб туришларини ва агар адолатсизлик қиладиган бўлса, дарҳол тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонса ёки бегона кимса мулкига хиёнат қиладиган бўлса, дарҳол огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйган.

Энди француз файласуфи Блез Паскалнинг куч ва адолатга берган таърифига эътибор қилинг:

“Адолат ва куч. Адолатга бўйсунмиш адолатли, кучлига эса бўйсунмаслик мумкин эмас. Кучга таянмаган адолат – заиф, адолатга таянмаган куч зўравонликдир. Кучсиз адолатга доимо қаршилик қиладилар (чунки ёмон одамлар ҳамма вақт ҳам бўлади), адолатсиз кучдан норози бўладилар. Демак, кучни адолат билан бирлаштириш лозим, яъни ё адолатни кучли қилиш керак, ё кучни – адолатли.

Адолатни осонлик билан рад қилса бўлади, лекин кучни рад қилиб бўлмайди, чунки у қаршингизда ошкор турибди. Шунинг учун адолат кучли бўлолмади – куч адолатни тан олмаяпти, зўрликнинг ўзи адолатдир, деб уқтирмоқда. Шунинг учун адолатни кучли этолмаган одамлар, зўрликни адолатли деб ҳисоблай бошладилар”.

Адолатсизликнинг катта-кичиги бўлмайди. Кичкинагина адолатсизлик ҳам вақти келиб, бутун жамиятга акс-садо бериши тайин. “Яхшиликни очиқ чеҳрали кишилардан кутинглар”, дейилади муборак ҳадисда. Адолат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: нафрат, ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. “Қонун – қонун бўлганлиги учун эмас, балки унда адолат акс этганлиги учунгина қимматлидир”. Алломалар ана шундай иттифоқ қилганлар.

Амир Темур қонунларга риоя қилишни шу қадар жиддий қўйгандики, қонунни бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Қонунчиликнинг шу даражада ўрнатилиши мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигини таъминлаган. Сафарлардан қайтиб келганда, шахсан ўзи бозорни текширар, агар қассобу баққол, новвойлар ва ҳоказолар фойда топаман деб, нарх-навои ошириб юборган бўлсалар, адолат русуми бузилганини кўрса, эл олдида ўша гуноҳкорнинг аёвсиз жазосини берарди.

“Жазо бермаслик – жиноятга катта рағбатдир”. Бу кўҳна тарихда неча-неча марталаб исботланган ҳақиқат. Унинг ўғли, Султониянинг ҳукмдори бўлмиш Мироншоҳ, ўзига яқин давлат арбоблари ва амалдорлари билан биргаликда маишатга берилиб, давлат ишлари ва раият аҳволи назоратсиз қолиб, зулму ситам ҳаддан ошади, давлат хазинаси тугаб, аҳоли оғир аҳволга тушади.

Бундан хабар топган Соҳибқирон беклар, амирлар, саркардалар кенгашини тузиб, бу ердаги айбдорларни жазолаш ҳақида маслаҳат олади. Шундан кейин, **ўз ўғли Мироншоҳ ва уни бу йўлга бошлаган барча амалдорларга ўлим жазоси бериб, уларнинг барча молу мулки мусодара қилинсин**, деб буюради.

Бундай қатъий ҳукмдан даҳшатга тушган унинг пиру муршиди Саййид Барака ўртага тушиб, ҳукмнинг ижросини тўхтатишни илтимос қилади. Амир Темур унинг илтимосини қабул қилмайди. Бир неча амалдорлар ўлдирилгандан кейин, Мироншоҳ ва бошқаларга навбат етганда, жаллод уни жазо тахтасига ётқизиб, бошини кесмоқчи бўлади. Саййид Барака Амир Темурга, мазкур ҳукм амалга оширилса, темурийлар авлодида ўғлини ўлдириш анъана тусини олиш хавфи

борлигини яна бир бор уқтиради. Ўшандагина Амир Темур, Мироншоҳ ва унинг бошқа ҳамкорлари устидан чиқарган ўлим ҳукмини бекор қилади. Лекин, барибир, ўғлини ҳукмдорлик ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Амир Темур ўз тузукларида *“Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, улардан фикр сўраб эдим. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим”*, деб қайд этади. Бу “Куч – адолатда” шиорига амал қилинган салтанатда давлатни бошқариш ва мамлакат тақдирига дахлдор қарорлар қабул қилишда халқ фикрига, хоҳиш-иродасига таянилганидан далолат беради.

Куч – адолатда! Бу ибора бутун инсоният учун мангу шиор, дейиш мумкин. Буюк бобокалонимиз: “Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, дея бутун умри давомида ўз шиорига садоқатини намойиш этган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, раҳматли улуғ шоиримиз Абдулла Орипов шундай воқеани айтиб бергани: АҚШга борганида, штат губернаторининг кабинетига кирса, инглиз тилидаги: “Куч – адолатдадир”, деган ёзувни кўради. Ҳамюртимиз ҳаяжонланиб, бу шиорни қаердан олганлигини сўрайди. Губернатор, бу кимнинг гапи эканлигини билмадим, менга қадар шу ёзув бор эди. Менга ҳам шу гап ёқади, жуда кучли фикр, шундай эмасми, деб жавоб беради. Шунда шоир ғурур билан: “Бу – бизнинг Амир Темур бобомизнинг гапи”, – дейди...

Адолат – юракларга малҳам, келажакка ишонч демакдир. Адолат фақат шиорларда эмас, амалда бўлсагина улуғ натижалар намоён бўлади.

АДОЛАТНИНГ БАҲОСИ

Ҳозир руй бераётган нарсалар аввал ҳам бўлиб ўтганини доимо ёдингда тут. Худди шу нарсалар келажакда ҳам қайтарилиши эсингдан чиқмасин. Улар мангу қайтарилaveraди, фақат ижрочилар – одамлар ўзгаради, холос.

Марк Аврелий АНТОНИЙ

...Баъзан эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган, ўзгалардан ҳам шуни талаб қилувчи раҳбар не учундир керакли даражада эътибор топмайди. Ҳатто кўпларга ёқмайди. Ҳалол мутасаддини орқаворатдан маломат ҳам қилишади.

Иймонли, адолатли раҳбарнинг ва ўз олимларининг қадрига етмаган жамоа аҳлининг ҳолига вой! Тарихга назар солайлик: Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг умри дарбадарликда ўтди. Буюк олим, донишманд подшоҳ Мирзо Улуғбек Кўрагоннинг боши кесилди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бу не юз қаролиғ бўлди”, дея юртидан чиқиб, “Ҳинд сориға” кетди...

Уларни жамоа аҳли етарлича қўллаб-қувватламади. Лоқайд бўлдилар. Улуғларини қадрламаган миллатнинг келажаги бўлмайди. Тараққиёти бўлмайди.

Ровийлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай ҳадис ривоят қилганлар: **“Ўзларингиз қандай бўлсангиз, устингизга ҳам шундай ҳоким келур”**. Ҳазрати Каъбул Ахбор эса буни янада аниқроқ таърифлайдилар: “Халқ яхши бўлса, яхши бошлиқ келади, халқ ёмон бўлса, ёмон бошлиқ”.

Шундай ривоят бор: кунларнинг бирида Соҳибқирон икки амалдорни ҳузурига чақириб, биринчисига шундай деган: *“Сизни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим”*. Шунда у: *“Олам паноҳ, менинг ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб ва*

мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдиким, мендан кунглингиз қолди?" – деб ҳайрон бўлганида, мана бу жавобни олган экан: "Туғри, ўзингизнинг вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманликка берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Тунов куни масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай ва салом бермай ўтиб кетибсиз. Ҳатто, қабристондан ҳам Қуръон ўқимай отда ўтибсиз. Бунга ўхшаш маълумотлар анча тўпланиб қолди. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси, ўзингизни тарбиялаб олинг, сўнг сизни эътибордан четда қолдирмаймиз, албатта".

Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: "Сизнинг муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди. Шу боис, сиз ҳам ундан озод этилдингиз".

Бундан кўринадики, Соҳибқирон Амир Темур у ёки бу амалдорнинг ҳаддидан ошмай, ўзига берилган ваколат доирасида сидқидилдан хизмат қилишига катта эътибор берган. Шунингдек у ношуд ва зарби йўқ мансабдорларни дарҳол бўшатган. ("Кимнинг сўзи худди қамчидек таъсир кучига эга бўлмаса, у раҳбарликка лойиқ эмас", деганлар). Натижада, Соҳибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқоқ, ҳалол, ўз фикр-мулоҳазаларини ошкора айта оладиган очиқ юзли мансабдорлар тўпланиб, улар давлатга садоқат билан хизмат қилган.

Соҳибқироннинг адолатли тамойиллари нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозир айрим мансабдорларга Соҳибқирон бобомиз давридагидек адолатли талаблар қўйил-

са борми, уларнинг сафи, шубҳасиз, жуда-жуда сийраклашиб кетарди.

СОҲИБҚИРОННИНГ ҚАТЪИЙ АҲДИ

Соҳибқирон ўз қарорларини кенгашу машварат асосида, ҳаммага энг маъқул ва адолатли тарзда қабул қилган. Қўшин кайфияти, саркардалар ва мулозимлар фикри билан қизиққан. Масалан, муаррихнинг ёзишича, Ҳиндистон юришидан қайтгач, яна зудлик билан Гуржистон сари отланаркан, сипоҳийларга, “хоҳловчилар шу ерда қолсин, хоҳловчилар мен билан борсин”, деб, ихтиёрни ўзларига беради (дейлик, бу “ихтиёр”, ҳатто шунчаки расмиятчилик юзасидан берилган тақдирда ҳам, аскар ва мулозимларга ўзгача куч-ғайрат бағишлаб, ҳукмдорга нисбатан садоқат туйғуларини оширгани шубҳасиз. Инсон феъли шундай). “Сипоҳийларнинг кўнглига нима ўтирса, шуни қилдим”, дейди Соҳибқирон “Тузуқлар”ида.

Шу билан бирга, қатъият ва ўз аҳдига эга бўлишлик ҳам буюқларга хос сифатлардан бўлиб, ҳукмдорга нисбатан ишонч, шунингдек, ундан ҳайиқиш ҳиссини ҳам уйғотади. Ҳар қандай мушкул шароитда ҳам Соҳибқирон аҳдига қарши бориш ёки қарорини ўзгартиришга уриниш мутлақо мумкин эмас эди. Бундай шахс, ким бўлишидан қатъи назар, шафқатсиз жазоланган. “Подшо ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига араллашиб, ўзгартира олмасин”, – дейди Соҳибқирон. Қуйидаги воқеа бу фикрга яққол далил бўла олади:

1398 йилнинг ёз чилласида улуғ амир асосий қўшинини Ҳиндистон сари бошлади. Йўл Ҳиндикуш тоғлари бўйлаб ўтар эди. Қалтис тоғ сўқмоқлари бўйлаб даҳшатли совуқларда юришдан толиққан навкар-

лар водийга жон-жон деб қайтиб тушгилари келади, бироқ Соҳибқироннинг метиндек иродаси бунга асло йўл қўймасди. Қолаверса, хавфсизлик чоралари шуни тақозо этарди. Тоғларда яшовчи жанговар қабилалар тутқич бермас, ҳар дамда катта талафот етказиши муқаррар эди.

Соҳибқирон жангчилари, қора кийимли тоғлик кофирларни уларнинг қўл етмас қоя устига тош ва муздан тикланган қўрғони этагигача қувиб бордилар. Қамал бир неча кун давом этса-да, қалъа мустаҳкам турарди. Суяк-суякларигача совуқ ўтиб кетган амир навкарларининг тақдирга тан беришдан ўзга чоралари қолмади.

Мазкур сафарда юз берган бир воқеани муаррих Ибн Арабшоҳ ўз асарида ёзиб қолдирган:

Соҳибқирон амирлар ва акобирларни ўз ҳузурига чақириб, уларни қаттиқ ҳақорат қилган ва ҳатто чап қўли билан қиличини қинидан чиқариб, уларнинг эгик бошларига таҳдид солган. Ҳеч ким эътироз билдирмагач, тезгина ҳовуридан тушган ва яроғини қинига солиб, шатранж ўйинини келтиришларини буюрган. Бироқ эртаси куни эрта тонгдан бошлаб у амиру лашкарбошиларининг ҳар бири билан шу лаънати қўрғонни ишғол қилиш хусусида маслаҳатлашган.

“Соҳибқирон уларнинг тушкун кайфиятию мужмал жавобларини кузатиб, ич-ичидан куюнди ҳам. Амир Темурнинг ишончли маслаҳатчиси бўлмиш Муҳаммад Қавчин эса ўз бахтига қарши барчанинг олдида унга, бу машъум қалъа, уни қўлга киритиш учун бериладиган қурбонларга арзимайди, деб айтишга журъат қилди. Бу гапда, албатта, жон бор эди, бироқ бу Соҳибқиронга хуш ёқмади.

Ғазаб отига минган Соҳибқирон ўз ҳузурига қўшиндаги энг ғариб кимсани топиб келтиришлари-

ни буюради. Унинг олдига ошхонада мол-ҳол сўйиш ва идиш-товоқларни ювишда ошпазларга қарашиб юрувчи юпун, бадбашара ва бадбўй бир кимсани бошлаб келдилар. Соҳибқирон Муҳаммад Қавчинга зарбоф сарупосини шу кимсанинг жулдур кийимлари билан алмашишни буюрди.

Сўнгра Амир Темур бахтиқаро маслаҳатчининг бутун молу дунёсини: барча иморатлари, ер-суви ва боғу роғларини, чорваси, пули, тилло ва қимматбаҳо буюмларини, хотинларию канизакларини омади келган хизматкор фойдасига мусодара қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Муҳаммад Қавчин ошхонага жўнатилди, у Амир Темур оламдан ўтгунига қадар хорлик ва зорликда кун кечирди, зеро Соҳибқирон уни умрининг охиригача афв этгани йўқ”.

Соҳибқирон аҳдининг қатъийлиги ва адолати яна бир манбада шундай тасвирланади:

“Мовароуннаҳр амалдорларидан бири бўлмиш Самарқанд ҳокими, Соҳибқирон бу ерда бўлмаган пайтда пора олганликда айбланди. Ва шу куниёқ деярли намойишкорона вазиятда осилди. Ҳокимнинг омонлиги учун катта товон тўлашни ваъда қилган унинг дўсти эса, қўшни дордан жой олди”.¹

Забт этилган қалъа, шаҳар ва вилоятларни ўзбошимчалик билан ғорат (талон-торож) қилиш Темурбек қўшинида қатъиян тақиқланган эди. Агарда бирор шахс Соҳибқиронга “ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам, заррача ноҳақлик кўрсатса ёки наҳбу ғорат тўғрисида сўз очса, унинг мол-мулкию қони (беҳудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат тилаш унга нажот қилмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирор кимса

¹ Владимир Череванский. Амир Темур. – Тошкент, 1991.

томонидан “у билмасдан шундай (иш) қилиб қўйди” – дейилмасди. Бу гуё бузилмас (қатъий) қоидаю емирилмас (мустаҳкам) бино эди.¹

АДОЛАТЛИ ЖАЗО

Бу воқеа халқ оғзаки ижоди, ривоят ёки тарихий маълумот эканлиги ҳозирча аниқ эмас. Ҳар ҳолда, фактлар ва мантиққа суянилса, кўпроқ тарихий ҳақиқатга ўхшайди. Бу ҳикояни узоқ Шимолда, шўро армиясида ҳарбий хизмат ўтаётган пайтимда, украин миллатига мансуб хизматдош дўстимдан эшитгандим.

Бундан олти аср муқаддам, ҳозирги Россиянинг катта қисми Олтин Ўрда давлати таркибида бўлган. Унинг ҳукмдори Тўхтамишхон жаҳонгирлик давросида Туркистон шаҳарларига ҳам хуруж қилади. Соҳибқирон Амир Темурнинг масалани тинч йўл билан ҳал этиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари натижа бермагач, Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юриш қилишга мажбур бўлади.

Амир Темур қўшини Дон ва Днепр бўйларидаги кенг даштлардан ўтиб, Львов шаҳрига яқинлашади. Турган гапки, шаҳарда бу жанговар қўшинга қарши тура оладиган куч бўлмаган. Ваҳима бошланади. Кўп ўтмай, Соҳибқироннинг илғор қисмлари шаҳарга кириб кела бошлайди. У пайтлар Львов кичик ва кўримсиз кўрғон бўлган, ёғоч уйлар (украинча хата)нинг томига похол бостирилган экан. Уйларнинг бўғотида каптарлар кўп эди (ҳозир ҳам шундай).

Боёнлар топган-тутганини пешкаш қилиб, жаҳонгирдан шафқат сўрашади. Аммо ўша давр одатига кўра шаҳар аҳли тулаши керак бўлган улпондан Соҳибқирон воз кечади. Бунинг ўрнига, ҳар бир хонадондан

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал мақдур... 1-китоб. – Б. 131.

атиғи биттадан... каптар олишга амр этади. Бу ғалати талаб шу заҳоти бажо келтирилади.

Беҳисоб қўшин тинч аҳолига зиён етказмай, уч-тўрт кун давомида шаҳар ёнидан ўтади. Илғор жанговар қисмлар эллик-юз чақирим масофага узоқлашиб кетади. Ниҳоят, бир ҳафтадан сўнг қўшин охирида кўч-кўрон ортилган аравалар, чорва ҳамда хўжалик хизматчилари ўтаётганида, шаҳар аҳлининг фикри бузилади. “Бу саҳройи босқинчи бизнинг дружинамиздан кўрқди. Шу сабабли дурустроқ ўлпон сўрашга ҳам ботина олмади”, – деб дадиллана бошлайдилар. Инсоннинг феъли қизиқ-да. Кечагина жонлари омон қолиши учун бор-будидан воз кечишга тайёр турган шаҳарликлар қўшин ортидаги карвонга хужум қилиб, бир неча хизматчиларни нобуд этадилар.

Бу нохуш хабар тезда Соҳибқиронга етиб боради.

Шундай ҳодиса содир бўлиши мумкинлигини Амир Темури олдиндан сезган эди. Аммо қўшин шаҳардан жуда олислаб кетган, ношукрларни жазолаш учун ортга қайтилса, яна анча вақт кетади. Қолаверса, Соҳибқироннинг улкан қўшинига арзирли рақиб ҳам эмас, улар...

Амир Темури шаҳар аҳли берган каптарларни ишга солади. От ёғи шимдирилган матодан узун-узун тасмалар қирқиб, каптарларнинг оёғига боғлашни, сўнгра тасмаларни ёқиб, каптарларни учиришни буюради. От ёғи шимдирилган тасма секин ёнар, аммо шамолда учмас экан. Ҳар бир каптар ўз маконига, яъни похол томларга бориб қўнади. Шу заҳоти ёнғин чиқиб, тезда бутун шаҳар даҳшатли олов ичида қолади...

“Шу тариқа Амир Темури бизнинг одамларни жазолаган, – дерди украин оғайним. – Очиғини айтганда, айб ўзимиздан ўтган. Бизникилар келишувга хиёнат қилишган. Буни кечириб бўладими? Адолат Амир Те-

мур томонида бўлган. Уша давр талабларидан келиб чиққанда, Амир Темур бундан ҳам қаттиқроқ жазони қўллашга ҳақли эди...”

Хизматдош дўстим айтиб берган бу воқеа менда катта таассурот қолдирди. Унинг ҳикоясида Соҳибқиронга эҳтиром, унинг адолатига тан бергандек бир оҳанг сезилганди. Ватандан узоқда, Ғарбий Украинанинг Львов шаҳрида бобомиз ҳақида шундай ноёб ривоят тилдан-тилга ўтиб, бугунгача сақланган. Демак, Кавказ, Волгабўйи ва яқин Шарқ мамлакатларида ҳам улуғ бобомиз ҳақида юқоридаги каби ривоятлар яна топилса, ажаб эмас...

Энди эсласам, ҳарбий хизмат даврида бошқа миллатлардан кўра негадир украинлар билан яхши чиқишардик. Бир-биримизни ҳазиллашиб “зёма” (юртдош) деб чақирардик. Қизиқ-да, Ўзбекистон қайда-ю, Украина қаёқда! Айниқса, Тернополлик Вальчук деган дўстим Ўзбекистон ва унинг табиати ҳақида кўп сўрайверарди. Қорамағиз, қош-кўзи ва сочлари ҳам қоп-қора эди. Шўро даврида кўп ўзбеклар Украинада пахта экиш учун сургун қилинган. Булар ўша миллатдошларимизнинг узоқда қолган авлодларимикан?

P.S. Орадан анча йиллар ўтгач, улуғ Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни холис ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Ибн Арабшоҳ ва бошқа муаррихларнинг яқдил гувоҳлик беришича, Соҳибқирон ўзидан омонлик сўраган кучсиз рақибларига доимо шафқатли ва кечиримли бўлган. Айниқса, обод ва кўркам, илм-маданияти гуркираб яшнаган, маъмур шаҳар ва кентларни, вилоятларни ғорат қилишдан ўзини тийган. Унинг бундай феълидан бохабар юрт арконлари унга пешвоз чиқиб, пешкашлар қилиб, ўз халқига омонлик тилар эди. Икки орада сулҳ тузилиб, Темурбек қўшини йўлида давом этар эди. Бу тарихий маълумот, юқоридаги ҳикоя – Львовда юз

берган воқеани мантиқий ҳамда адолат нуқтаи назаридан англашда қўл келади.

Ҳар ҳолда, львовликларнинг Амир Темур тарихига ўзгача қизиқишлари беҳикмат бўлмаса керак...

Хизматдошим сўзлаб берган воқеа тахминан қайси йилларда кечганини аниқлашга ҳаракат қилдим. Тарихий манбалар ва олимлар бисотини ўрганиш асосида, бу масалага аста-секин ойдинлик киргандек бўлди, назаримда.

Маълумки, 1395 йили Амир Темур хиёнаткор Тўхтамишга қарши учинчи марта жанг бошлашга мажбур бўлди. Шу йилнинг 10 апрелида Доғистондаги Терек дарёси бўйида кечган оғир жанг Соҳибқироннинг ғалабаси билан якунланади. Амир Темур Тўхтамишхонни эндиликда сиёсат майдонидан бутунлай суриб ташлашга аҳд қилиб, **Олтин Ҳрданинг Днепр томондаги ғарбий улусларига боришга қарор қилади.**¹

Турон қўшини чекинаётган Тўхтамишхонни таъқиб қилиб, Олтин Ҳрда пойтахти Сарой Беркани эгаллайди. Шундан сўнг Соҳибқирон тутқич бермаётган Тўхтамиш ортидан шимол сари юришда давом этади.

Тўхтамишхон ҳозирги Москва шаҳридан нарига – бепоён урмонларга сингиб, ғойиб бўлади. Айрим тарихий манбаларга кўра, Соҳибқирон Москва яқинидаги Елец деган манзилгача бориб, сўнг ортга қайтади. Ҳуш, бу маълумот қайси манбадан олинган? Нега улў Соҳибқирон айнан “Москва яқинидаги” манзилдан ортга қайтган? У ерда кучли қўшин ёки мустаҳкам қалъа бўлганми? Йўқ.

Рус тарихчиларини уйдирма тўқишга ундаган тафсилот худди мана шу ерда. Улар, “Амир Темур Москва остонасидан ортга қайтган, чамаси, “буюк княздан”, ёки Владимирдан келтирилган “муъжиза-

¹ *Файзиев Турғун*. Машҳур саркарда, буюк давлат арбоби. “Тошкент оқшоми” газетаси, 2001 йил, 9 апрель.

кор” Биби Марям иконасидан чўчиган, деган бўлмағур чўпчакларни айтадилар. Ҳолбуки, ўша “буюк князь”, Соҳибқирон тириқтириб юрган Тўхтамишдан кўрққанидан, Костромада аёллар монастирига қочиб, хотинлар либосини кийиб беркинган. Бу “довюрак князь”, Куликово жангининг ғолиби Дмитрий Донскойнинг ўғли Василий Дмитриевич бўлиб, у расман Тўхтамишнинг ходими эди.

Ахир, Ватан тупроғидан Тўхтамишдек хонни Олтин Ўрдагача, бу ёғи Терек (Кавказ)дан Москва осто-насигача қувиб борган Соҳибқирон, “Москвага кўрққанидан кирмади”, деган сафсатага ким ишонади?

XIX асрда яшаган рус адиби А.Н. Полевойнинг ушбу ёзувларида кўпроқ ҳақиқат мужассам: *“Агар сиз Кремлнинг кўҳна Успения Момо Ҳаво саждагоҳига кириб кўрсангиз, нигоҳингиз подшо эшикларининг чап томонида жавоҳирлар билан безатилган санамга ва унинг атрофида православлар келтирган беҳисоб шамлар ёғдусида порлаб турувчи санамга кўзингиз тушади. Бу муқаддас санам Темур даҳшат билан Дон қирғоқларидан Москва томон юрганда Владимирдан келтирилган эди. Унинг қаршисида аجدодларимиз ибодат қилишган, унинг рўпарасида русларнинг қайноқ кўз ёшлари тўкилган...”*

Ўша пайтда Москва Соҳибқирон Амир Темурдек улуғ саркарданинг эътиборига лойиқ шаҳар эмас, ёғоч кулбалардан иборат чоғроқ бир кўрғон бўлган. Бу ғариб манзилда Соҳибқирон қўшинига қаршилиқ кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто уларга тик қарай оладиган аскарый қисм ҳам мавжуд бўлмаган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, шундан сўнг Соҳибқирон ортга бурилиб, ғарбда Днепргача (ҳа, ўша Львов шаҳригача) бўлган ерларни ишғол қилади. Чунки бу ҳудудлар Олтин Ўрда ҳукмдорларига қарашли бўлиб, ҳозирги ҳарбий ибора билан айтганда, “фронт

орти хавфсизлигини таъминлаш” Амир Темур учун муҳим эди.

Демак, юқоридаги ривоятда келтирилган воқеа тахминан 1395 йилда, Амир Темурнинг Тухтамишхонга қарши учинчи юриши пайтида содир бўлган, дейиш мумкин.

Кези келганда айтиш лозимки, Соҳибқироннинг 1395 йилда Тухтамишхон устидан қозонган ғалабаси тарихан жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Зотан, Амир Темур томонидан Тухтамишхонга берилган охириги зарбадан сўнг Олтин Ўрда қайта ўзига келмади ва иккинчи даражали давлатга айланиб қолди. Унинг қўл остида қарийб 170 йилдан буён асоратда ётган халқлар, жумладан, рус халқи учун ҳам истиқбол йўллари очилди.

Бу ҳақда А.Ю. Якубовский шундай деб ёзган эди: *“1395 йилда Темурнинг Тухтамиш устидан қозонган ғалабаси... фақат Урта Осиё ва ўша вақтдаги жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Русь учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди...”*

АМИР ТЕМУР СУЙГАН КАБУТАРЛАР

йўқ бўлиб кетиш арафасида

Соҳибқирон фаолиятида каптарлар билан боғлиқ воқеани бир нечта давраларда сўзлаб бердим. Бу ноёб маълумот, айниқса, ҳарбийларда катта қизиқиш уйғотди. Шу ривоят ҳақидаги мақолага уқувчилардан кўп акс садо бўлди. Бу бежиз эмас. Халқимиз кабутарларни ҳам худди мусичани севгани каби эъзозлайди. Кабутар Ватанга муҳаббат ва садоқат рамзи, тинчлик ва бахт элчиси сифатида ардоқланган. Ота-боболаримиз асрлар давомида кабутарларнинг беминнат хизматидан фойдаланиб келган. Улар мактубларни узоқ масофаларга ташишда ишончли восита бўлишдан

ташқари, инсон ва табиат ўртасида меҳр ришталарини боғлаган, одамларга ўзгача завқ-шавқ ҳадыя этган.

Зотдор каптар боқиб кўпайтириш ҳамда бу машғулотга ишқибозлик айрим вилоятлар ва қишлоқ ҳудудларида кам учраса-да, шаҳарларда нисбатан кенг тарқалган. Тошкент Эски шаҳаридаги маҳаллаларда кабутарбозлик, айниқса, кенг ёйилган машғулотлардан бири эди. Тарихга кўра, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз 1389 йили Самарқандда кабутархона ташкил этганларидан сўнг, кабутар боқиш анъанаси янада кучайган. Умаршайх Мирзонинг Аҳси ва Андижондаги кабутархонаси, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “кабутар ва кабутархона бирла учуб шунқор ўлди”, деган иборасини ҳам кўпчилик яхши билади. Кўқон хонларининг кабутархонасида парваришланган 12 минг бош кабутар шаҳар узра чарх уриши одамларда хуш кайфият уйғотган. Ҳатто бу кабутарлар қайси уй ёки маҳалла устида қанот қоқса, ўша жойда яшовчилар гўё шахсан хон ҳазратларининг марҳаматига эришгандек мақтаниб юришаркан. Темурийлардан мерос қолган деб ҳисобланувчи бу кабутархона 1867 йили Чор Россияси томонидан мусодара қилинган. Бухоро амирларининг бутун дунёга доғруғи кетган қадимий кабутархонасидаги 120 хил турдаги кабутарлар 1920 йили номаълум шахслар томонидан ўғирланган. Бу таассуфли воқеалар тарихий ҳужжатларда ҳам қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал портали фаолият кўрсата бошлагач, унга келиб тушган айрим мурожаатлар ижтимоий тармоқда ҳам эълон қилина бошланди. Ана шундай ҳужжатлардан бири, Андижон вилоятида яшовчи фуқаро Бахтиёр Абдуқодировнинг кабутарлар ҳақидаги мурожаати эътиборни тортди. Ҳамюртимиз, давр синовларидан

омон қолган, дунёга машхур қадимий “Андижон пойгари” кабутарлари йўқ бўлиб кетиш хавфи остида эканлиги, бу борада на илмий ва на амалий чоралар кўрилмаётгани оқибатида юртимиздаги ноёб кабутар турлари кескин камайиб бораётгани хусусида куйиниб ёзади.

“Биргина мисол, сўнгги 20 йил мобайнида “Андижон пойгари” кабутарларининг “Кишмиш ҳакка”, “Удди”, “Савзи ҳакка”, “Қора бағир”, “Сиза ҳакка”, “Новвот ҳакка”, “Қора дум”, “Малла дум”, “Гурра ҳакка”, “Удди ҳакка”, “Шервоз”, “Оқ малла”, “Қопқон чинни”, “Чимиргиз” сингари 14 тури йўқ бўлиб кетди. “Маржон”, “Қора ҳакка”, “Қизил ҳакка”, “Қорапат новвот”, “Маллабош”, “Қорабош”, “Кишмиш”, “Майманай” каби яна саккиз тури йўқолиш арафасида.

Кабутарлар неча асрлардан бери Ахалтака, Араб тулпорларидай қиммат баҳоланади. Масалан, Европа чемпиони “Болт” лақабли пойгари кабутар “PIPA” кимошди савдосида 400 минг АҚШ долларига баҳоланди. Бельгия чемпиони “Долче Вита” лақабли кабутар эса 330 минг долларга нархланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, МДХ давлатларида энг қадимий ва энг қимматбаҳо кабутарлар бу бизнинг кабутарлардир. Юртимизнинг ноёб кабутарлари ўзининг фавқуллодда гўзаллиги билан ҳар қандай диди нозик олий кишини хушнуд қилади.

“Андижон пойгари” кабутарлари ўзининг гўзаллиги ва учқурлиги билан турдошлари орасида ажралиб туради. Уларнинг ўзига хос, нозик ва бетакрор кўриниши, бугунги кунда нафақат юртимиз, балки хорижлик кабутар ишқибозларига ҳам манзур келмоқда. Миттигина, беозор, тинчлик ва гўзаллик тимсоли бўлмиш бу жониворларни чет эллик шинавандалар бир неча юз доллардан бир неча минг долларгача сарфлаб, сотиб олапти.

“Андижон пойгари” кабутарларини асл ҳолида сақлаб қолиш, йўқолиб кетган турларни қайта тиклаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиришига шубҳа йўқ. Бунинг учун уларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган махсус марказ ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бу иш юртимизда экосайёҳлик бизнеси ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган бўлар эди”, – деб ёзади у.

Бахтиёр Абдуқодиров, йўқолиб бораётган кабутар турларини кўпайтириш, парваришlash ва экспорт қилиш бўйича креатив таклиф ва режалар билан бир неча маротаба мутасаддилар, хусусан, уч марта Президент Виртуал қабулхонаси, сайёр қабуллар, халқ қабулхоналарига мурожаатлар қилгани, аммо марказ ташкил этиш учун ер майдони ёхуд бино ажратиш ҳақидаги сўровига ҳокимият панжа орасидан қараганини қайд этади.

“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фақат ёввойи қўшларни ҳимоя қилар экан. Адлия вазирлигига қадимийлиги ҳақида ҳужжат керак экан. Ҳаттоки, бу ишни бошлаш учун сотиб олган нотурар биноим ер майдонини май ойдан бери бириктира олмаяпман. Вилоят муаммолари бугун бўлмаса, эртага, албатта, ҳал бўлади. Аммо “Андижон пойгари” кабутарлари йўқ бўлиб кетса, қайта тикланмайди!” – дея афсусланади у.

Бахтиёр Абдуқодиров ўзига ер майдони ажратилса нималар қилишини ҳам келтириб ўтган. “У ерда замон талабларига жавоб берадиган кабутархона, орнитологик клиника, зоодорихона, қўш бозори, кимошди савдоларини ташкиллаштирардим. “Андижон парвозлари” ассоциациясини тузиб, ўндан ортиқ янги иш ўринларини яратган бўлардим. Бутун дунёга халқимиз меросини тарғиб қилиб, чет эллик ишқибозлар-

ни, экосайёҳларни юртимизга ўзбек кабутарлари кўр-газмалари, мусобақалари орқали ҳам жалб этардим”.

У бу иш ўз навбатида ёшларимиз қалбига она-табиатга муҳаббат, Ватанга садоқат, одамийлик фазилатларини сингдиришдек олийжаноб ишларда ҳам мададкор бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган миллий анъанамизни тиклашга, ноёб кабутарларни сақлаб қолиш, кўпайтириш, кейинги авлодларга етказиш ишида давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб, ўз мурожаатини якунлаган.

УМИД ВА ҚЎРҚУВ

(Туғри) сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим.

Амир ТЕМУР

“Темур тузуклари”ни мутолаа қилиш асносида “...**раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим**”, деган иборага беш-олти жойда дуч келамиз. Бу иборада жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун зарур бўлган куч-қудрат, қатъият ва ирода билан бирга, инсон эътиқоди ва табиатига хос нозик жиҳатлар акс этади.

Муқаддас Қуръони каримда Аллоҳ таоло айтади: “Бандаларимга Ёлғиз Менинг Ўзим мағфиратли, меҳрибон эканимни ва Менинг азобим энг аламли азоб эканлигини хабар қилинг!” (Ҳижр, 49-50). Яъни, эй Муҳаммад, бандаларимга Мен раҳмат ва мағфират соҳиби эканимни, айти пайтда Менинг азобим жуда қаттиқ ва аламли эканини айтинг, деб амр қилмоқда Аллоҳ таоло.

Ушбу оят ҳар бир мўмин банданинг хавф ва ражо, яъни қўрқув ва умид орасида туриши лозимлигига далолат қилади.

Умид – ижобий ва ҳаётбахш тушунча. У ҳар қандай вазиятда инсонни ҳаётда тутиб турувчи омил. Диний ақидага кўра, жаҳаннам лабига келганда ҳам, хайрли оқибатдан умид қилиш керак. Умидли одам – бунёдкор, ватанпарвар, мард, раҳмдил, ҳалол... бўлади.

Донишмандлар айтмиш: *“Ҳамма нарса бой берилганда ҳам олдинда – келажак бор”*. Демак, умид бор. Умиди йўқ одам – тирик мурда. Умид – энг охирги дақиқада ўлади.

Иллатлар эса умидсиз, ишончсиз одамларга хос. Номард, ғирром, пасткаш... кимсалар ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам ишонмайдилар. Яхши оқибатга умидлари йўқ. Уларнинг юрагини доимо шубҳа-гумонлар кемириб боради. “Ноумид – шайтон”, дейдилар. Уларнинг: *“Ётиб қолгунча, отиб қол”*, деган “нақли” шундан дарак беради.

Умид ва ишонч доимо ёндош, улар бир-бирини тўлдириб туради. Чунки умид бўлмаса, ишонч ҳам бўлмайди. Умидсиз одамга “арғумоқ” тегиб қолса борми, у босар-тусарини билмай қолади. Бундайлар охир-оқибатда ўзига ҳам, эл бошига ҳам кулфат ёғдиради.

Қўрқув ҳам инсонга хос туйғу. Аммо бунда аниқ меъёр бўлиши лозим. Ортиқча қўрқув ақлни хиралаштиради. Бинобарин, “ақли хира” одамни соғлом дейиш қийин. Шунингдек, ҳеч нарсадан қўрқмаслик ҳам касаллик. Онги соғлом, иймонли одам, яратгувчи Аллоҳдан, унинг қаҳри ва ғазабидан қўрқиши лозим. Бу умидбахш ва ҳаётбахш қўрқувдир. Аллоҳнинг марҳаматига худди ўзингдек муҳтож бандалардан ва бошқа махлуқотлардан қўрқиш – иймоннинг заифлигидан дарак беради. Бундай қўрқув бандани, шубҳасиз, гуноҳга бошлайди.

“Ҳукмдорнинг қўлида қурол бўлмоғи шарт. Шундагина фуқаролар уни ҳурмат қилади”. Бу – ўрта асрларда яшаган олимнинг фикри. Адолатли ҳукм ва муқаррар жазодан қўрқиш – қонунбузарларни тизгинлаб

турувчи куч саналади. Аммо фуқаро қонун ва жазодан қўрқса, ўз навбатида “ҳуқуқ ва қонун посбонлари” нимадан қўрқиши керак? Қонун – барчага баробар. Энг асосийси ожиз банда Яратганнинг ҳукмидан қўрқиши керак. Чунки бу ҳукми на ўзгартириб ва на “айланиб” ўтиб бўлади.

Умид бўлмаса, ишонч ҳам йўқолади. Ишонч бўлмаган жойда турли-туман қўрқувлар пайдо бўлади. Домий қўрқув ичида юрган одамдан ақлли ва хайрлик натижа кутиш жуда қийиндир. Яратганга нисбатан бўлмаган қўрқувлар, иймонсизлик, бошбошдоқлик, охир-оқибатда эса ҳалокатга олиб келади. Хуллас, инсон ҳаётида умид ҳамда қўрқув туйғуларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида узоқ сўзлаш мумкин.

Улуғ Соҳибқироннинг юқоридаги биргина иборасидан шунча ҳикмат топдик. Аслида умид ва қўрқув моҳияти ҳақидаги фикрлар жамланса, катта-катта фалсафий китоблар пайдо бўлади...

Буларни нега эслаяпмиз? Сабаби ҳозир айримлар ўз вазифаларини чин эътиқод билан адо этиш, ҳақини ҳалоллаб олиш учун эмас, балки кимдандир қўрққанидан, “номига” гина бажаришга одатланган. Ундайларнинг бошида, албатта, “қамчи ўйнатиб туриш” га эҳтиёж борлиги жуда ачинарли.

Дўстим таассуфли воқеани айтиб берди: бир таниши нуфузли олий ўқув юртига раҳбар бўлибди. Ўзи катта олим. Жуда маданиятли одам. Ходимларига ҳеч қачон овозини баландлатмаган экан. Афсуски, янги даргоҳда айнан мана шу “камчилиги” бироз панд берибди. Бир гал хўжалик бўлими бошлиғини чақирибди-да, дарвозани бўяб, кириш йўлагини таъмирлаш ҳақида топшириқ берибди. Айтилган муддат ўтса-да, бажарилмасмиш. Бир неча бор юмшоқлик билан эслатишига қарамай, натижа бўлмабди. Иттифоқо, бир

дўсти келиб қолади. Гап очилиб, олим ўзининг “қулоқсиз” ходимидан шикоят қилади.

– Шошманг, – дейди дўсти. – Сиз унга қандай гапирдингиз? Бақириб сўқдингизми?

Олим ҳайрон бўлади:

– Нега бақириб сўқишим керак?

– Сизнинг “камчилигингиз” ана шунда, – дебди дўсти. – Чақиринг ўша ходимингизни. Топшириқ бериш қандай бўлишини кўрсатаман.

Ҳужалик бўлими бошлиғи киргач, меҳмон унга дабдурустдан “сен”лаб дағдаға қила кетибди:

– Ўв, менга қара! Мен мана бундан ҳам каттароқ раҳбарман. Нега топшириқни бажармадинг? Сенга фалонча вақт: агар айтилган вақтда бажармасанг, бу ердан “қурийсан”, тушундингми?! Қандай муаммоинг борлиги мени қизиқтирмайди. Муттаҳам!

Ҳалиги ходим титраб-қақшаб, қўли кўксида, орқаси билан юриб хонадан чиқибди. Нарироқ боргач, нима дебди денг? “Ия, мана, “нормальный” топшириқ берса ҳам бўларкан-ку. Хўп бўлади, бажарамиз!”

“Қабиҳ одамга саховат ҳам, донишлик ҳам қабиҳлик бўлиб кўринади: ифлосга ифлослик ёқади”
(В. Шекспир).

Афсуски, кейинги пайтда шундайлар кўпайиб боряпти. Бу – ўзининг қадри, ғурури, ориятини билмаган кулсифат кимсаларнинг қиёфаси. Бундайлар балки “тегишли шароитлар”да яхши ижрочи бўлиши мумкин дир. Аммо ҳеч қачон ишончли инсон бўлолмайди. Бундайларнинг бошини фақатгина зуғум ва қаттиққўллик билан қовуштириш мумкин (Соҳибқирон Амир Темур айтганларидек, доимий “қўрқув ва умид ўртасида” ушлаш мумкин дир). “Кишига унинг ёмонлигидан қўрқилгани учун лутф қилинади. Кўринишда дўст, бироқ аслида душман бўлган инсонлар

сони ортади. Сўзлар ҳамиша ёлғон ва бир-бирига муҳолиф бўлади”.

Шу боис ҳам Амир Темур вафотидан кейин тожтахт учун ўзаро муросасиз талашлар бошланган. Кўп ўтмай, улуғ салтанат ўрнида учта ўзбек давлати пайдо бўлган. Улар муттасил ўзаро ёвлашган. Ҳар бир ўзбек давлатида учраб турган бир-биридан нодон, жоҳил ва уқувсиз ҳукмдорлар ўшанда миллатни борган сари тубсиз жарлик ёқасига судрашган.

Илмни эмас, зулмни севиш, олимга эмас, золимга итоат қилишнинг оқибати – шу.

СОҲИБҚИРОННИНГ СИРЛИ ТОШЛАРИ

Юртимизда буюк бобокалонимиз номи билан боғлиқ бир нечта сирли тошлар бор, буларнинг қийматини ҳар қанча олтин-кумушлар билан ҳам баҳолаб бўлмайди.

Улардан биринчиси – Соҳибқирон қабри устига ўрнатилган нефрит – яшм тош бўлиб, тарихи жуда узун. Нефрит – яшм тоши азалдан сирли хусусиятларга эга, деб ҳисобланади. Бу ноёб тош ҳозиргача фақат Қашқар ва Хитойдан топилган.

Маълумотларга кўра, дунёнинг бир нечтагина мамлакатида ушбу навдаги қора-яшил тусли тош бўлаклари мавжуд. Мирзо Улуғбек томонидан Амир Темур қабри устига ўрнатилган яшм тоши уларнинг энг йириги саналади.

Россия императори Александр III нинг Петропавловск қалъасидаги қабри устига нефрит ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлганлар. Шу мақсадда Сибирь ва Туркистонга экспедиция уюштирилиб, нефрит тошини ахтарганлар. Бироқ барча ҳаракатлар беҳуда кетган, нефрит топилмаган.

1740 йили Нодиршоҳ қўшини Самарқандга келганида, Амир Темурнинг қиличи ва совути босқинчилар

қўлига тушади. Улар ҳатто Соҳибқирон қабри устидаги яшм тошини ҳам тўп канорасига ортиб, Машҳадга олиб кетишган. Аммо кўп ўтмай, тош ўз жойига қайтарилган.

Яна бир табаррук ёдгорлик – Соҳибқирон учун тахт вазифасини бажарган машҳур “кўктош”дир. Абу Тоҳирхожанинг “Самария” китобига Садриддин Айний томонидан “кўктош” ҳақида ёзилган изоҳда шундай дейилади: “Ушбу “кўктош” ҳозирда Тупроққўрғон (бугунги арк) ичида сақланмоқда. У (узунча) шаклида бўлиб, узунаси тахминан ярим аршин, эни 2 аршин ва ердан юксаклиги бир аршин келади”.

Ушбу тош Самарқандга қаердан олиб келтирилганлиги ҳақида турли тахминлар бор. Узунлиги бир қулочдан зиёд, тўрт бурчакли кўктош бугун ҳам Самарқанддаги Амир Темур мақбараси ҳовлисида турибди. Айрим фикрларга қараганда, улуғ бобокалоннинг табаррук тахти – Кўктош айнан шудир.

Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор қабристонидан сақланаётган “Полвонтош” ҳам Соҳибқирон номи билан боғлиқ сирли осори-атиқалардан бири. Унинг узунлиги тахминан бир метрча келади. Кўкиш тусли бу тош махсус шакл бериб тарошланган, асрлар давомида сийпаланаверганидан силлиқ бўлиб кетган. Хўжаилғорлик Баҳром ака Раҳматовнинг айтишича, “Полвонтош” оғирлиги 6 пуд, яъни 96 килограмм. Ривоятга кўра, ёш Темурбек полвонтошни кўтариб, Хўжаилғор тепалигига чиқиб тушар, машқ қилар экан.

Бу тош бугун ҳам соғлом авлод, поклик ва иймон-эътиқод тарбияси йўлида хизмат қилаётир. Қишлоқ ёшлари ва зиёратчилар “Полвонтош”ни кўтариб мусобақалашадилар. Кизиғи шундаки, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етавермайди. Унда сирли хусусият бор. Яъни, “юраги тоза, қўли ва кўнгли пок” одамгина “Полвонтош”ни даст кўтара олади. Акс ҳолда... беланги бўлиш ҳеч гап эмас!

Тумандаги тоғли Тутак қишлоғида яна битта “Полвонтош” бор. Бу қишлоқ Амир Темур номи билан боғлиқ тарихий манзил, унда Соҳибқироннинг пирларидан бири – Тутак ота (Бобойи Валий) яшаган. Бу жойдаги “Полвонтош” ҳақида қишлоқ кексаларидан бири – Салой бобо Сиддиқов шундай дейди: “Ўзи унча катта эмас бу тош. Бир қарашда тошни кўтариш жуда осондек кўринади. Лекин беписандлик билан буни кўтараман, деганларнинг нечалари беланги бўлган, аммо ердан узолмаган. Ихлос билан, покланиб келувчи одам бўлса, буни бемалол кўтаради. Ҳатто ёш болалар ҳам кўтариши мумкин”.

Ҳа, муқаддас тупроғимиз илоҳий сирларга тўла...

ЖАННАТМОНАНД БОҒЛАР

Турли гул ва дарахтларни экиб кўпайтириш, уларни парваришлаб боғ яратиш амали инсониятнинг улуғ кашфиётларидан бири саналади.

Боғ яратиш илми, маҳорати ва бу амалга меҳриштиёқ борасида ўзбек халқига етадигани дунёда топилмаса керак. Биринчи Президентимиз ибораси билан айтганда, “ўзбек дўпписида сув ташиб бўлса-да, дарахт экиб, боғ яратади”. X аср тарихчиси Наршахийнинг ёзишича, Бухоро шаҳрида чиройли чорбоғлар бўлиб, унда экилган садақайрағочлар ғаройиб чодир шаклини олган эдики, сарҳовуз атрофига заррача қуёш тушмас эди. Бу чорбоғларда нашвати, бодом, ёнғоқ, гилос, чилонжийда ва анбар бўйли жаннат мевалари ўтқазилган эди.

Айниқса, бу хайрли ишда улуғ Соҳибқирон Амир Темур нафақат миллатимиз, балки бутун дунё аҳлига бетакрор намуна кўрсатган. “Ҳамишалиғ таъкид этур эдим, – деган эди Амир Темур, – хон бўлсанг-да, боғ

ярат, гадой бўлсанг-да, боғ ярат – бир кунмас бир кун мевасини татирсан”.

Ул зот ўзининг фаол ҳаракати туфайли Самарқанд атрофида кўплаб боғ-саройлар барпо эттирган. Муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “ободончиликка арзийдиган бир қарич ҳам ер бўш қолмасин”, деб қайғурарди. Унинг махсус фармойиши билан кимки бирон саҳрони обод қилса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай солиқ олинмаган. Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, обод қилиниши, агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар бериш буюрилган. Сувнинг қадрини жуда яхши биладиган Соҳибқирон, сувли ерларни, албатта, обод қилишга жаҳд қилган. Бундай қурилишларда ҳатто беклар, амалдорлар ҳам лой, кум ташишган.

Амир Темур боғлари тилларда дoston бўлган. Боғ учун ер танлашда ўша ернинг баҳаволигига, баланд-пастлигига, сув манбаининг оз-кўплигига ва табиатнинг хусусиятларига алоҳида аҳамият берилган. Боғларни яратишда ўз замонасининг кўли гул усталари қатнашганлар. Бу усталар, шубҳасиз, меъморчилик, тарҳ чизиш ва лойиҳалаш, ҳисоблаш ишлари, деҳқончилик, нафосат (эстетика) каби илмлардан яхши хабардор бўлганлар. Барча қурилиш ишлари Мовароуннаҳр табиий шароити талабларидан келиб чиқиб ҳамда маҳаллий аҳолининг қадимий анъаналаридан кенг фойдаланилган ҳолда олиб борилган.

Боғ-саройлар ажойиб санъат намунаси билан барпо қилинган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу ерларда асосан кўнгил очиш, чет эллик меҳмонларни қабул қилиш, тўй-томошалар, халқ сайллари каби маросимлар ўтказилган.

Шаҳарга туташ ва унинг теварак-атрофидаги боғлар турли манбаларда 12, 15 та деб кўрсатилади. Аммо халқ ичида сақланиб келаётган фикрларга кўра, боғ-роғлар сони ундан ҳам кўпроқдир.

Тасаввур қуввати ила олти аср мозийга қайтиб, Соҳибқироннинг шонли пойтахти бўлмиш Самарқандга сафар қилсак. Тарихдан маълумки, улуғ Соҳибқирон узоқ юришлардан нусрат ила қайтаркан, дарҳол шаҳарга кирмаган. Энг аввало, Самарқанд четидаги Чўпонота адирлигига чиқиб, севимли пойтахтига узоқ тикилган. Шаҳар кайвониларини ҳузурига чорлаб, ўзи йўқлигида юз берган воқеаларни сўраб-суриштирган, адолатни устувор этган.

Биз ҳам бобокалонга эргашиб, Чўпонота тепалигига кўтариламиз. Кўз унгимизда худди эртаклардагидек, афсонавий гузал шаҳар намоён бўлади. Бибиҳоним масжидининг миноралари кўкка тиралган. Кўксарой ва Бўстонсаройнинг мовий гумбазлари узоқдан худди ферузадек чақнаб турибди. Соҳибқирон билан бевосита учрашган Ибн Халдуннинг қайд этишича, Самарқандда “оқар сув кирмаган бирор-бир кўча, бирор-бир ҳовли йўқ эди, фақат баъзи бир уйларгина боғсиз эди”. Кишилар кўчалар ариқларидан оқиб ўтадиган тоза зилол сувлардан ичимлик суви ўрнида фойдаланганлар.

Шаҳар атрофи боғ-роғларга бурканган. Улар сон-саноксиз – уфққача чўзилган. Ҳар бир боғ ичида худди узукка кўз қўйгандек, ғаройиб қасрларнинг гумбазлари кўзга ташланади...

Тадқиқотчилар ушбу даврда боғ-парк санъати ривожида ўзининг энг юқори чўққисига чиққанлигини таъкидлашади. Деҳқонларнинг кўп асрлик тажрибалари унга асос бўлган. Қадимги Шарқда меъморчилик санъати ва боғ-роғлар барпо қилиш усуллари тўғрисида кўплаб илмий асарлар ҳам юзага келган. Уларда, хусусан,

Вожди Алининг “Матлаъул-улум ва мажмаъул-фунун” (Фаннинг келиб чиқиши ва техника билимлари тўплами) ҳамда “Иршод аз-Зироъ” асарларида гуллар, дарахтларни ўтқазиб, уларни парваришlash ва чорбоғларни барпо қилиш ҳақида сўз юритилган. Чорбоғ меъморий жиҳатдан ташкил этилган боғнинг етакчи турларидан бири ҳисобланган. Тўғри шакллар – квадрат ва тўғри бурчаклар, марказий хиёбоннинг ҳамда қўшимча кичик хиёбонларнинг мавжуд бўлиши унинг асосини ташкил этган. Боғнинг ичкарасида унинг соҳибининг олди айвонли ва ҳовузи бор уйи жойлашган. Мевали дарахтлар ва гуллар уларнинг гуллаш даврини ҳисобга олган ҳолда маълум бир тартибда экилган. Чорбоғларнинг муҳим композициявий деталларини турли шакллардаги, қирғоқларига тош ётқизилган ва фавворалари мавжуд бўлган ариқ ва ҳовузлар ташкил қилган.

1403 йили Испаниядан Самарқандга элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихо шаҳарнинг кўркем-лигидан ҳайратда қолган. У, шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралганини, шаҳар ташқарисида жойлашган боғларда кўпдан-кўп уйлар, шоҳнинг саройлари, омборлари бўлганлиги, шаҳарга кириб борганда, гўё шаҳар баланд дарахтлар билан қопланган ўрмон ўртасида тургандай таассурот қолдирганини ёзади.

Муаррих Мавлоно Ниёзийнинг XV аср охири, XVI аср бошида Ҳиротда яратилган экин-тикин, зироат йўриқлари ва деҳқончилик илмига оид “Иршод ус-зироат фил илмил харосат” рисоласида Амир Темур ва темурийлар даври боғ яратиш санъати сирлари ҳақида фикр юритилади. Рисоланинг “Чорбоғлар ва уларнинг тузилиши” боби Соҳибқирон боғлари таърифига бағишланган. Рисолада ёзилишича, “Чорбоғни ўраган девордан уч зар (тахминан 3 метр) нарида эни бир зар келадиган ариқ қазилади, унинг бўйига Самарқанд

сафидори (оқ тераги) экилади, у хушнамо, гўзалдир... Кажу (қарағай) экмайдилар, у латофатли эмас”.

Ушбу рисолада мевали дарахтлар ўтқазиладиган чорчаманлар, гуллари йил бўйи навбатма-навбат очилиб турадиган гулбоғчалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилади. Чунончи, боғлар учун муҳим жиҳат, бу тўрт чаман – (чаҳор чаман)ларнинг барпо этилишидир. Биринчи чаманда анор, иккинчисида беҳи, учинчисида шафтоли, тўртинчисида нок экилган. Кейин гулбоғчалар келади, уларда йил бўйи бирин-кетин очилиб ётадиган турфа гуллар ўстирилган. Боғлар ўртасида иморатлар, қасрлар тикланган, улар олдида ҳовузлар лиммо-лим сувли ҳовузлар бўлган. Қаср атрофига чинор, тол, тут, турли томонларга ўрик, гилос, олиболу, ора-орада қизил арғун ўтқазилган. Жануб томонига олма экилган, чунки олма жазирама кунларда тафтни қайтаради...

Кўриб турганимиздек, боғ ва хиёбонларни барпо этишда илмий ёндошув, ҳар қарич ер ҳамда дарахт ва буталарнинг ўзига хослигини эътиборга олиш – бугун бизда урф бўлган “ландшафт дизайни”нинг айнан ўзидир, дейиш мумкин.

Амир Темур боғлари тузилишига кўра 2 турга бўлинган:

1) чорбоғлар – геометрик (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак) шаклда бўлиб, ҳар томони тахминан 1 км масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг тўрт қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд пахса деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган;

2) тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар. Бундай боғлар ҳукмдор шикор (ов) қилиши

учун мулжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиш учун сарой, кўшк ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу табиий боғларни ўша даврлардаги ўзига хос қўриқ-хоналар, дейиш мумкин. Чунки бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

Боғларда оқар сувлардан ташқари, маълум тартибда жойлашган ҳовузлар ҳам бўлган. Масалан, Клавихонинг маълумотида, Давлатобод боғида олтига ҳовуз бўлган ва улар бир-бири билан икки четига ҳар хил дарахтлар ўтқазилган йўллар орқали боғланган экан.

Ҳовузлар тўртбурчак ва тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, катта-кичиклиги турлича бўлган (25x25, 32x32, 28x69 м). Айтишларича, мусулмончилик қоидаларига кўра, ҳовузларнинг эни ва бўйи камида 40 газ қилиб қурилган, акс ҳолда, ундаги сув ҳаром деб ҳисобланган (1 газ 0,71 метрга тенг. Ҳозирги вақтда бир газ (Эронда) 104 см га тенг). Бошқа боғларда ҳам кўплаб ҳовузлар бўлган ва уларнинг четларига мрамартош тахталари ётқизилган.

Ҳовузларнинг боғдорчилик санъатида тутган ўрни нимадан иборат бўлган, деган савол туғилиши мумкин. Ота-боболаримиз қадимдан ҳовузларни боғ ҳуснига ҳусн қўшиб, файз киритиши ҳамда оромбахш хусусиятини ҳисобга олишган. Айниқса, уларда сузиб юрган ўрдак ва ғозлар боғ манзарасига ўзгача фусун бағишлаган. Булардан ташқари, доимо лиммо-лим бўлган ҳовузлар сув танқислиги рўй берган вақтларда кичик сув омборлари вазифасини ўтаган. Шунингдек, боғдаги сарой атрофини ўраган хандақлар ҳам доимо сув билан тўла бўлган. Улар боққа ҳусн бериш билан бирга, ҳавони тозалаган – микроиқлим яратган, зарур ҳолларда эса мудофаа иншооти вазифасини ўтаган.

Боғларда, албатта, турли-туман мевали, манзарали дарахтлар ва гуллар жуда кўп бўлган. Самарқанддаги боғларда меҳмон бўлган Клавихо, уларда мевали дарахтлар кўплигини, шунингдек, алоҳида узумзор майдонлари бўлганлигини, нонуштада дастурхонга қовун, узум, шафтоли ва бошқа мевалар қўйилганини ёзади. Археологик қазилмалар вақтида ҳам жуда кўп-лаб шафтоли данаги топилган.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий ҳам ўз асариди Дилкушо боғида жуда хилма-хил мевалар етиштирилгани туғрисида ёзиб, улардан энг яхши навларининг номларини эслатиб ўтган. Булар жумласига олма (себи сурх, гулоби, абади ашқувона, камзак), урик (қантак, арусак, маъмури), шафтоли (хоссаи донаширин), олхўри (оли сурх), тут (тути бедона), анор (анори хукка), нок (мунақид, шарбати, нашботи), писта (пистаи даханбоз) каби мевали дарахтлар киради. Шунингдек, Яздий узумнинг шакарангур, соҳиби, ҳусайни, лаъли якдона каби навлари бўлганини эслатади.

Ёзма манбаларда келтирилган далилларга қараганда, бу даврларда фақат Самарқандда эмас, балки Шаҳрисабз, Бухоро, Хужанд, Тошкент каби шаҳарларда ҳам мевали дарахтлар кўп ўстирилган. Ҳирот ерларида узумнинг юз хили етиштирилганлиги маълум.

Боғларда мевали дарахтлардан ташқари яна соясалқин берувчи тол, терак, чинор, сарв, аръар кабилар, хушбўй ҳид тарқатувчи буталардан ўтқазилган. Айниқса, ҳовузлар бўйидаги мажнунтёллар эртақмонанд гўзаллик бахш этган. Кексаларнинг кўп йиллик тажрибаларига кура, бу дарахтларнинг киши соғлигига фойдаси ҳам жуда каттадир. Самарқанд боғларидан бири Боғи Чинор деб аталишининг ўзиёқ, у ерда чинор дарахтлари кўплигидан далолат беради.

Боғларда ҳар хил гуллар ва кукатлар учун алоҳида жой ажратилган. Уларда ҳамиша баҳор, савсани расмий, ханжарий, кук бинафша, садбарг, зарафшон, нарғиз, боғ ва тоғ лоласи, сариқ лола, дардари гуш, дардари кокилий, саройи, савсаннинг бир неча турлари, оддий шаойик, оху ёсуман, сариқ ёсуман, сариқ арғувон, сариқ бинафша, лолайи дутабаха шаббуй, насрин, бағдодий, ҳазхо, гули раъно, кукноргул, гули шашмоха, нилуфар, каранфулгул, хатмий, шаб бадустон, чаманарфуз, гултожихурос кабилар маълум. Гуллардан ташқари беда каби ҳар хил кукатлар ҳам устирилган.

Амир Темур боғларидан энг машхурлари қуйидагилар:

Боғи Баланд. Амир Темур Самарқанднинг шимолидаги Чупонота мақбараси яқинида набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишда Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар боғчилик санъати усталари ҳамда меъморлари қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, унинг атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар боққа гузал бир тароват бахш этиб турган.

Боғи Беҳишт. Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суюкли хотини Туман оқа (Хайруннисо)га атаб 1378 йили қурдирган. Ёзма манбаларда “Боғи Жаннат” номи билан ҳам аталади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, боғ ўртасидаги атрофи хандақ билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кутарма кўприклар орқали кирилган. Саройнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган.

Умуман олганда, барча боғларда охулар, тустовуқлар, товуслар, ўрдак ва ғозлар бўлиб, улар бўстонга ўзгача тароват ва чирой бахш этган. Ҳовузларда ранг-баранг балиқлар ажиб рақсга тушган...

Боғи Давлатобод. Амир Темурга Ҳиндистон юришидан қайтган куни (1399 йил 22 апрель) ҳады қилинган. Археологик тадқиқотлар (И.А. Сухарев, 1936 ва Ў.Алимов, 1967)га кўра, у Самарқанддан 13 км жанубда, Катта Ўзбекистон трактининг чап томонида бўлган. Соҳибқирон ўзининг зафарли юришлардан қайтгач, бу боғда дам олган, тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган.

Археологик қазишлар натижасида боғнинг муҳташам шакли аста-секин намоён бўлди. Чунончи, боғ ҳудуди 1350 метрга 900 метр майдонни эгаллаган бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган. Зилол сувли ариқлар ва тўртта ҳовуз боғда роҳатбахш иқлим яратган. Ҳовуздан бири 62x28 метр, иккитаси 25x25 метр, яна бири 32x32 метр эканлигидан ҳам мавжланиб турган гузал манзаралар ҳақида тасаввур олса бўлади. Боғ ўртасида баландлиги ўн икки метрлик сунъий тепалик устига муҳташам сарой қурилган. Сарой пойдевори 70x70 метр бўлиб, шунинг ўзиданоқ унинг нақадар маҳобатли эканлиги аён бўлади.

Боғ атрофи эни 20 метрлик хандақ билан ўралган. Унга иккита кутарма кўприк орқали кирилган.

Боғи Дилкушо (Кўнгил очувчи боғ). Амир Темур маликаларидан бири – Тўқалхоним шарафига 1397 йилда қурдирган. Самарқанддан 5 км шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида (қадимий Ҳиндувон қишлоғи ўрнида) жойлашган.

Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” аса-рида ёзишича, милодий 1397 йилнинг кузида “Кони-гилнинг бир ёнида боғи тарҳ солсунлар!” деган фармон берилади. “Боғи Дилкушо”ни бунёд этиш, иморату кўшклар солиш ишлари шиддат билан бошланиб кетади.

Ҳар тарафи 900 м узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган, 4 дарвозаси, марказида ҳашаматли

сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Амир Темур олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб қўйилган.

“...ва ҳар бир томонидан бир дарвоза қўйдилар ва олий тоқилар боғладилар ва кошин била зебу зийнат бердилар...” – деб ёзади Шарафиддин Али Яздий узининг “Зафарнома” асарида.

Ниҳоятда дид билан ишланган фаввораларнинг ўзи алоҳида тадқиқот ва ҳикоя учун мавзу бўлади. Уларнинг кўриниши қандай бўлганини бизгача етиб келган кўплаб миниатюра асарлари орқали тасаввур қилиш мумкин. Масалан, Дилкушо боғида бўлган Клавиҳо қўйидагиларни ёзади: “...подшо махсус қўйилган баланд ўриндиқда ултирарди. Унинг олдида суви отилиб турган фаввора бўлиб, фавворада қизил олмалар қалқиб турарди...” Ҳақиқатан ҳам, Дилкушодаги сарой харобаларида ўтказилган археологик қазув ишларида ундаги фаввораларнинг ўрни аниқланган. Саройга асосий эшикдан кирилганда, бир чизиқ бўйлаб жойлашган учта салобатли зал, ҳар бирининг ўртасида эса биттадан фаввора бўлган. Улар бир-бири билан ариқ орқали туташган. Фавворалар тўртбурчак шаклида, ўртаси (5x5 м) икки чеккасига (4x4 м) нисбатан каттароқ бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришича, бу боғдан Самарқанднинг Феруза дарвозасигача терак экиб, хиёбон қилинган.

Амир Темур Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавиҳони ана шу боғда қабул қилган. Руи Гонсалес де Клавиҳо “Боғи Дилкушо” ҳақида шундай ёзади: *“Соҳибқирон боғига баланд ва салобатли дарвозалардан кирилади, улар ғиштдан кўтарилган бўлиб, чинни кошинлар билан безатилган, зангори кошинларга олтин суви юритилган”*. Бурчаклардаги миноралар

боққа кўрк бағишлаб турган. Боғ ўртасида хиёбон, уч қаватли кўшк ва сарой мавжуд бўлиб, деворлари кошнлар, шифтлари нақшлар билан безатилган эди. Боғнинг юқори қисмида эса бир-биридан чиройли ҳовузлар ҳам бўлган.

Клавихонинг Дилкушо ва бошқа боғлар ҳақида ёзган ҳайратли таърифлари бизни олис ва эртакмонанд тарихга етаклайди...

Бу боғ ўрнида ҳозир Дилкушо қишлоғи жойлашган.

Боғи Жаҳоннамо (Жаҳон кўзгуси). Амир Темур Самарқанддан 7 фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган (1398). Унда сарой ва қалъа бўлган. “Зафарнома”да ёзилишича, бу боғнинг ҳудуди бениҳоят катта бўлиб, унда йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнг топилган экан. Демак, Боғи Жаҳоннамо табиий боғ-қўриқхона вазифасини ҳам бажарган.

Боғи Майдон. Самарқанднинг шимолида, Чўпон-ота тепалиги этагида қурдирган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли бир айвон (кўшк) ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тахт бўлган. Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган. Бобур шу ҳақда бундай деб ёзади: “Бу боғнинг ўртасида (Улуғбек) бир олий иморат қилибдур. Чил (қирқ) сутун дерлар, ду (икки) ошёна (қават), сутунлари тамоми тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар қўпорибтурларким, юқориға чиқар йўллар бу тўрт буржиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч хиёра (бурама, кўпқиррали) қилибтурлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондир, сутунлари тошдан. Ўртаси чордора уйдир. Иморат курсисини тамом тошдан фарш қилибдирлар”.

Бу боғ ўрни ҳозир ҳам Боғи Майдон деб аталади. Самарқанд шаҳрида Боғимайдон-2 ва Боғибаланд-2 деб аталиб келинаётган маҳаллалар Соҳибқирон Амир

Темур асос солган ва Мирзо Улуғбек томонидан обод этилган ўша машҳур боғлар ҳудудида жойлашган.

Тарихий Боғи Баланд ҳудудида ҳозир юқорида айтилганидек, шу номдаги маҳалла, шунингдек, Самарқанд халқаро аэропорти ва автошоҳбекат жойлашган.

Муҳими шуки, Боғибаландда ўша машҳур боғнинг бир қисми – анжирзор асрлар суронига дош бериб, шу кунгача сақланиб турибди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг бошқа боғларидан уларнинг фақат номи қолган, холос. Боғибаланд-2 маҳалласи ҳудудидаги анжирзор нафақат Самарқанд вилоятида, балки Ўзбекистонда катталиги жиҳатидан ягона ҳисобланади. Бу ерда етиштирилаётган анжир ўзининг такрорланмас сифати ва таъми билан ажралиб туради.

Боғи Нав (Янги боғ). Амир Темур Самарқанднинг жанубида 1404 йилда қурдирган. Бугунги Лолазор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган, ҳар бурчагида минора қад кўтариб турган. Марказида бошқа боғлардагига нисбатан каттароқ қаср, унинг олдида ҳовуз бўлган.

Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бу боғда уюштирилган тўй-тантаналарда қатнашган, “Багино боғи (Боғи Нав)да тўй. Танга сочиш удуми” деган сарлавҳа остида ҳайратомуз хотиралар ёзиб қолдирган. Уларни ўқиб биз ҳам ўша шукуҳли шодиёналарда иштирок этгандек бўламиз...

Боғи Чинор. Амир Темур Самарқанднинг шарқида (Кониғилнинг жануби-ғарб тарафида, ҳозирги “Кўш тамғалик” тепалиги ўрнида) 1404 йилда барпо қилдирган. Унда чинорлар кўп бўлган. Марказида хочсимон тархли сарой жойлашган.

Боғи Шамол. Соҳибқирон 1397 йили набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Самарқанд-

нинг ғарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган. Деворларига мрамор қопланиб, саҳни қора ёғоч ва фил суягидан ишланган. Бу боғ жойлашган ҳудуд ва у ердаги ариқ ҳозир ҳам “Боғи Шамол” деб аталади.

Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Чунончи Боғи Бўлду, Боғи Зоғон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғча, Боғи Дилафруз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана кўруғи, Чумчуқлик, Ғозхона ва бошқалар шулар жумласидандир.

Гарчи бу оромгоҳларни барпо этишдан мақсад маданий ҳордиқ чиқариш бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши у ерда мудофаа чоралари ҳам кўриб қўйилган. Теварак-атроф нотинч пайтларда боғлар заруратга кўра ҳарбий лагерь, мустаҳкам қилиб қурилган саройлар эса мудофаа истехкомларига айлантирилиши кўзда тутилган. Боғлар майдонининг ниҳоятда кенглиги, уларнинг баланд девор билан ўралгани, саройлар атрофи сув тўлғазилган хандақ (кенглиги 20–25 метргача) билан ўралган баланд тепаликлар устига қурилганлиги ва саройларнинг 2–3 қаватли эканлиги сўзимизга далилдир.

Уша замонларда жуда улуғвор бўлиб, ўз кўрки билан оламни маҳлиё этган, эндиликда эса халқлар хотирасида, фақат номларигина сақланиб қолган бу ёдгорликлар табиатни ва Ватанни севган, қадрлаган, ардоқлаган, софлигини ўйлаган ота-боболаримиз қилган савобли, ибратли ишлардан ёрқин намунадир.

Амир Темур бошлаб берган боғ яратишдек хайрли ташаббус Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ бутун салтанатда урфга айланди. Тарихчи Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Амир Темур Хуросондаги Мурғоб водийсида ободончилик ва деҳқончилик ишлари хароб бўлганини кўриб, дарёдан 20 та канал қаздириб, сув чиқариб деҳқончилик ва ободончилик ишларига асос солади.

Унинг топшириғи бўйича Сирдарёдан, Оҳангарондан канал қазилди. Соҳибқироннинг фармойишига кўра, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Фарғонада ирригация – суғориш ишлари олиб борилди. Бундай бунёдкорликлар давлатнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилган. У узоқ Қорабоғда 42 км канал қурдирган. Озарбайжондаги Муғон шаҳрида 12 та боғ барпо этган. Ҳатто музаффар қўшиндаги жанговар амирлар ҳам узоқ ўлкалардан дарахт кўчатлари ва анвойи гул уруғларини олиб келиб, боғ-роғлар барпо этишда ўзaro мусобақалашган.

Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, Самарқанд атрофидаги жаннатмонанд бу боғларга давлат арбобларидан тортиб, хорижий элчиларгача, ҳунарманду толиби илмлар, жами оддий фуқароларгача – барчага йўл очик бўлган. Барча бу боғларга эмин-эркин кириб сайр этарди. Бу каби бағрикенглик ва саховатни дунё тарихида бошқа учратиш мушкул...

Умуман олганда, XIV–XV асрларда бунёд этилган боғлар афсонавий Эрам боғларига тенглаша олган. Бунга ҳукмдорнинг боғдорчилик ишларига ниҳоятда катта эътибори ҳам сабаб бўлган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Соҳибқирон пайванд солишга ниҳоятда қизиқар экан.

Боғлар қуриш анъанасини темурийлардан Шоҳрух, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар ҳам давом эттиришган. Хусусан, Бобур борғунига қадар Ҳиндистонда боғлар яратиш удуми бўлмаганлигини ҳинд олимлари ҳам таъкидлайдилар. У узоқ ва нотаниш ўлкада темурий аждодларига хос иш тутиб, бир-биридан гўзал боғлар яратади.

Улуғ Соҳибқирон ва темурийлар бунёд этган боғлар авлодлар учун мангу ибрат ҳамда илҳом манбаидир. “Самарқандда Амир Темур Кўрагон солдирган

боғларким, Эрам гулистони рашк қилар даражада...” деб ёзганди Абу Тоҳирхожа Самарқандий.

Соҳибқирон боғларининг ҳар бири – бир дoston, бир китоб! Бу боғлар ҳақида яратилган dostonлар ва қўшиқлар жамланса, ўзига хос шеърят бўстони пайдо бўлади. Минг афсуски, жаннатмонанд боғлар бугунгача сақланмаган. Улар ҳақидаги ҳасратли хотиралар doston ва қўшиқлардагина сақланиб қолган...

Халқ суйган хонанда Замира Суюнованинг “Боғи Шамол” кўшиғини тинглаганда, юзингизни ўша жаннатмонанд боғда эсаётган хуш насим сийпалагандек бўлади. Бу дилбар қўшиқда афсонавий Боғи Шамол мадҳи, унинг гўзаллигини куйлашдан ташқари, яна қандайдир дил оғриқлари, дард-алам, ўкинч... туйғулари сезилиб туради. Гуё авлодлар, улуғ боболардан қолган бебаҳо мерос – жаннатий боғлар изини қидиради, уларнинг гардини кўзларига суришни истайди. Бир замонлар гуллаб-яшнаган биёбонларда гирён кезиб, “Боғи Шамол, Боғи Шамол!” – дея чақираётгандек бўлаверади...

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”
№15 (4362). 2016 йил, 8 апрель

САРОЙМУЛКХОНИМ

Миллий давлатчилигимиз тарихида ҳукмдорларнинг аҳли оиласи бўлмиш бир қанча маликалар ўтган. Аммо улар ичида бир маликанинг юлдузи алоҳида ёруғ нур сочиб, Қирон буржи ёнида чақнаб туради. Бу – Соҳибқирон салтанатининг оқила маликаси, Маҳди улё – Сароймулкхоним момомизнинг юлдузидир.

Тарих сабоқларидан маълумки, ҳар бир буюк инсон ортида шу улуғликка муносиб оқила аёл турган.

Бундай аёллар ҳукмдор тақдирида муҳим ўрин тутиш билан бирга, миллат тарихида ҳам муносиб жой эгаллаганлар. Сароймулкхоним ўзининг донолиги билан тарихда ана шундай юксак мавқе-мартабага эришган маликадир.

Улуғ Соҳибқироннинг фикрат дунёси, давлатчилик жабҳаларидаги салоҳияти қанчалик кенг ва бетакрор бўлса, Сароймулкхоним ҳам ул зотга ва буюк салтанатга шу даражада муносиб аёл бўлган. Узоқ тарихимизда севимли маликалар кўп ўтган, лекин “Маҳди улё” – ягона!

Ўтган ҳукмдорларнинг аёллари ҳақида маълумотлар ниҳоятда кам. Бунинг турли сабаблари бор. Масалан, Шарқда бировнинг аҳли-оиласи, ожизаси ҳақида гапириш ва қандайдир маълумотлар бериш одобдан саналмаган. Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон салтанатида аёлларга муносабат ҳақида шундай ёзади: “...хотинларга тил теккизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар ҳамда “Бу нарсага амал қилинлар” деб доимо уқтирардилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, уни “пардали бола”, “зийнат соҳиби”, “мастура” ёки шунга ўхшаш иборалар билан атайдилар”.

Аммо улуғ Соҳибқирон завжаси – Сароймулкхонимдек доно ва оқила малика нафақат Туронзамин, балки бутун дунё тарихининг ноёб дурдоналаридан бири, десак асло хато бўлмас. Улуғ момоларимизни ҳурмат ила эслаш бизнинг маънавий бурчимиздир.

Сароймулкхоним барча тарихий маликаларимиз даврасида энг ардоқли ўрин тутди. Шу боисдан момомиз ҳақида суз очилса, кунгиллар ёришиб кетади. Миллатимиз тарихидаги энг шукуҳли даврлар ҳақида гап кетганда, бу оқила аёл номи ҳам эҳтиром ила эсланади.

Ўз даврида Самарқанд гўзаллиги Бибихоним (Сароймулкхоним) ҳуснидан файз олган. Самарқанддаги Бибихоним масжиди ҳовлисига кириб, нақши-нигорларга разм солсангиз, уларда катта бибимизнинг ҳусни жамоли балқигандек бўлади. Ҳавода чарх ураётган қалдирғочлар эса шу аёл шаънига мадҳ ўқиётганга ўхшайди. Сароймулкхоним сиймоси дунё аёллари, энг аввало, ўзбек қизлари учун абадий ақл-заковат, меҳр-муҳаббат ва оқилалик рамзидир, десак хато бўлмайди. Бибихоним ҳақида кўплаб шеърлар ва дostonлар битилган. Шундай бўлса-да, маликанинг мукамал таърифини келтирмоқ мушкул.

Бибихоним, Катта малика, Катта она, Катта хоним, Маҳди улё (“Олтин беланчак эгаси”) номлари билан эъзозланган Сароймулкхоним ниҳоятда доно, зукко, тадбиркор малика эди. Амир Темурнинг ўғли Шохрух Мирзо, набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо ва бошқалар унинг тарбиясида улғайганлар. Жумладан, Катта онанинг яна бир улуғ хизмати – миллатимизга Мирзо Улуғбек Қурагондек оламшумул алломани тарбиялаб берганларидир. До нишманд бобо ва оқила момо тарбиясига мушарраф бўлмоқ – набиралар учун ниҳоятда улуғ саодатдир.

Қашқадарёнинг кўп ҳудудларида момо-бувиларни “Катта она” деб аташ одати ҳануз сақланиб қолган.

Бибихоним саъй-ҳаракати ва эътибори билан қурилган катта мадрасада Ҳерман Вамбери қайд этганидек, “мингга яқин талаба ўқиган” лиги, Она маликанинг доно, илмпарвар эканлигидан дарак беради. Ўз даврининг дорилфунуни – университетини бунёд этган Бош малика – Сароймулкхонимнинг буюк эъзозга муносиблигини кўрсатади. Шохрух Мирзо, унинг ўғли Мирзо Улуғбек каби шахзодалар худди шу дорилфунунда таҳсил олган бўлсалар, ажаб эмас. Маълумки, утмишда ҳукмдорлар саройи шунчаки тураржой эмас,

шунингдек, давлат бошқарув идораси, илм-фан, санъат ва маданият намояндалари жам бўлган ўзига хос академия вазифасини ҳам бажарган. Расмий қабул маросимлари ва бошқа издиҳомларда давлат аъёнлари қаторида маликалар ҳам қатнашганлар. Ҳар бир маликанинг ёши, насл-насаби ва даражасига қараб улар учун аниқ жойлар белгиланган. Афсуски, Бибихонимнинг саройдаги ҳаёт тарзи, шунингдек, меъморий бунёдкорлик соҳасидаги саъй-ихтимоми ҳали дуруст ўрганилмаган.

Оқила момомиз Сароймулкхоним-Бибихоним номи биз – авлодлар учун худди улуғ Соҳибқирон шахси каби доимо ардоқли, сирли ва юксаклигича қолаверади.

СОҲИБҚИРОН ЯЛОВИДАГИ ТИНЧЛИК ТАМҒАСИ

1370 йилнинг баҳорида Амир Темур ўз қўшинлари Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганида, унинг хузурига маккалик саййидлар пешвоси Мир Саййид Барака ташриф буюриб, унга Олий ҳокимият рамзи бўлган жанговар ноғора (табл) ва байроқ (ялов) тортиқ қилади. Бу учрашув ва ҳадялар Соҳибқиронни кутаётган буюк тақдирдан қутлуғ башорат бўлди. Кўп ўтмай чақирилган қурултойда 34 ёшли Темурбек Мовароуннаҳр амири этиб сайланади.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи худди бугунги каби катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Жангу жадалларда давлат байроғини сараланган баҳодир сипоҳийлар қўриқлаган. Жанговар юришларда лашкар олдида туғ-байроқ олиб юрилган. “Темур тузуклари”да таъкидланишича, шижоат ва мардлик кўрсатиб, душман устидан ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари – туғ ва ноғора билан мукофотланган.

Бу – Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолат беради.

Соҳибқироннинг давлат байроғи ҳақида узил-кесил таъриф берилган аниқ маълумот сақланмаган. Шу боис, турли манбалар ва ўша давр миниатюра суратларидаги тасвирлар асосида мулоҳаза юритиш мумкин. Шуниси аниқки, Амир Темур давлати байроғи мовий рангда бўлган. Ўша пайтда байроқлар учбурчак шаклида бўлгани миниатюраларда акс этган.

Француз тадқиқотчиси Люсьен Кереннинг маълумотига кўра, Амир Темур Тўхтамиш устига юришларидан бирида: “Салтанат пойтахтини тарк этар экан, Амир Темур ўзининг одатдаги шоҳ туғини кумуш аждарҳо тасвири туширилган қора рангли янги байроқ билан алмаштирди”, деб ёзган. Аммо бу маълумотнинг қанчалик тўғрилиги бизга қоронғи.

Бугунги мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикаси байроғининг тавсифида шундай сўзларни ўқиймиз:

“Байроқдаги мовий ранг Тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Амир Темур давлат байроғи ҳам мовий рангда эди”.

Соҳибқироннинг машҳур тамғаси ва ундаги чуқур фалсафий мазмун, айниқса, машҳур. У уч ҳалқа доирадан иборат.

Бу тамға, Темурбек – дунёнинг уч қисми подшоси, деган маънони англатади. Подшоҳ фармойиши билан бу тамға тангаларга ва бошқа салтанат буюмларига зарб этилган эди. Уч доирадан иборат тамға салтанат муҳрида акс этган, шунингдек, подшоҳ бу белгини ўзига бож тўлаб турадиган мамлакатларнинг пулларига ҳам зарб этишни буюрган.

Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йил 29 август куни Шаҳрисабздаги Оқсаройда, қабулхона пештоқининг ўрта қисми ва икки чеккасида нур таратаётган қуёш фонида шер тасвирланганини кўради. Элчи буни Самарқанд ҳукмдори тамғасидаги тасвир, деган хулосага келади. Давлат хазинасининг таянчларидан бири саналган божхона тизими дастлаб ўзимизда пайдо бўлган, дейишимиз учун кўпгина тарихий асослар мавжуд. Амир Темур даврида божларни тартибга солувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Чегарадан олиб ўтилаётган молларни ҳисобга олиш, тамғалаш ҳамда белгиланган тартибда бож ундириш йўлга қўйилган. Русча “таможня” сўзи ҳам аслида “тамға божи” бирикмасидан олинган. Яъни, товарларни тамғалаш (русчада “тамжить”) жойи “таможня” деб аталган.

Соҳибқирон танлаган салтанат тамғаси чуқур фалсафий-тарихий илдизларга эга. Масалан, айрим манбаларга кўра, ўзаро жам бўлган уч халқа – қадимий Тинчлик рамзи саналади. У Тибет, Ҳинд ва бошқа кўҳна тамаддун ўчоқларида алоҳида ўрин тутган. Машҳур рус мусаввири Николай Рерих, 1926 йилда Олтой, Мўғулистон ва Тибетга қилган сафари чоғида бу тимсолга бир неча марта дуч келган. Бу улуғвор рамз аҳамиятини чуқур англаган рассом, ҳатто, Дунё байроғини яратиб, унга уч халқа тасвирини туширишни таклиф қилган. “Бу Байроқ, барча халқлар ва маданий бойликлар муштараклиги рамзи бўлиб қолсин”¹, деб ёзади у.

Давлат байроғи ва герби – мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белгилардир.

¹“Знак мира” на камне. “Труд”. 2005 г. 27 июля.

БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН, АМИРИ ТУРКИСТОНМИЗ...

Биз ўзлигимиз – ўзбеклигимизни қай даражада биламиз? Тарихи, босиб ўтган йўллари, шаклланиш жараёнидан бохабармизми? Соҳибқирон бобомиз лафзидан айтилган “Миллатларнинг энг қадими ва улуғи Туркнинг бош бўғини” эканлигимиз нимани англатади? Буюк тарихий шахслар ҳақида, уларнинг исмларидан ташқари яна нималарни биламиз?

Бу мақоланинг ёзилишига Самарқанддаги Гури Амир зиёрати чоғида гувоҳ бўлганим – бироз таассуфли воқеа туртки берди. Зиёратгоҳ ходимига қозоғистонлик бир меҳмон йигит шундай савол берди: “Амир Темурнинг миллати мўғул бўлган, дейишади. Шу ростми?”

Зиёратгоҳ ходими (гид), бир вақтлар ёдлаб олган маълумотларни жуда тез сўзлаётганди. Бу каби саволлар ҳам кўп такрорланса керак, дарров жавоб берди: “Биз туғриси айтишимиз керак, баъзи манбаларда Амир Темурнинг мўғулларга мансублиги ҳақида маълумотлар ҳам бор...”

Афсуски, йўлбошловчининг гаплари ва сўз оҳангида улуғ бобокалонга нисбатан эҳтиром ва ғурур туйғулари сезилмади. У берган “маълумот”ларнинг кўпи шўро давридан қолган сафсата гапларга ўхшади, назаримда.

Балки у қайсидир аниқ тарихий манбалар асосида сўзлаётгандир. Лекин, барибир, “Амир Темур мўғул бўлган” қабилида баралла айтилган жавоб, энг камида қулоққа эриш эшитилади. Биз ўзбек бўлсаг-у, буюк бобокалонимиз эса, қайсидир “тарихий манбага асосан” мўғул бўлса?! Бу бедодликка чидаб бўладими? Ҳақиқатни ойдинлаштириш учун бундай кимсалар билан тортишиб-баҳслашиш ўринлимикан? Аввало ўзимиз, ўзбек ким-у, мўғул кимлигини яхши билишимиз

шарт. Ҳар жойдан эшитганимиз оғзаки гапларни рўқач қилиш ёки нотўғри маълумотларга ишониб, “ҳа, шундай экан-да”, дея кетавериш – улуғ бобокалонга номуносиб ворис эканлигимизни намоён қилади, холос.

Мазкур воқеа боис, бир қанча тарихий манбаларни топиб, синчиклаб ўргана бошладим. Бу жараёнда кўп тунларни бедор ўтказиб, назаримда, анчагина керакли маълумотлар ҳам топдим.

Амир Темурга қадар кечган тарихий давр ҳақида нималарни биламиз? Умуман, тарихда Чингизхоннинг ўрни қандай?

Сиз балки, “уша босқинчини мукамал ўрганиш шартми? Унинг юртимизда қилган ваҳшийликлари ҳануз унутилмаган-ку?” дейишингиз мумкин. Тўғри, даставвал менда ҳам шундай мулоҳаза бор эди. Лекин тарихларни варақлаб, ўтган улуғларимизнинг бу зотга бўлган муносабатларига эътибор қаратиб, айрим хулосалар туғилдики, қуйида уларни баён этамиз.

Масалага юзакироқ қарасак, Чингизхон ҳақида анча нарса биладигандекмиз. У ҳақда гапирганда, “ёввойи”, “ваҳший”, “босқинчи”, “бузғунчи”... каби сўзларни бот-бот ишлатишимиз-да аниқ.

“Жангчиларим номимни қилич билан абадиёт дафтарига ёзишади”, деганида, муғул хоқони муболага қилмаган. Ҳақиқатан ҳам, Чингизхон ва унинг жангчилари минтақа халқлари учун ваҳшийлик ва шафқатсизлик рамзига айланиб қолган. Ҳатто, ёш болаларни кўрқитиш учун айтиладиган “Ана, бўжи келди!” иборасининг пайдо бўлиши ҳам Чингизхоннинг катта ўғли Жужи номи билан боғлиқ.

Муғуллар босқини арафасида улкан Хоразмшоҳлар давлатида илм-фан ва маданият анча юксалган эди. Афсуски, Шарқ томондан ногоҳ пайдо бўлган муғуллар бирин-кетин Ўтрор, Хужанд, Самарқанд, Бухоро

шаҳарларини истило қилиб, олдин яратилган ҳамма нарсани йўқ қилдилар. Бир тарихчи уларни шундай таърифлайди: *“Келдилар, буздилар, ўлдирдилар, таладилар, ёндирдилар, йўқ қилдилар, олиб кетдилар”*. Чингизхон босқинидан сўнг айрим шаҳарлар аҳолисининг чорак қисми тирик қолган, баъзилари буткул ҳувиллаб қолган. Тараққиёт юз йиллаб ортга суриб юборилган. Юртимизда мўғуллар ҳукмронлиги қарийб 150 йил давом этган.

Савол туғилади: қудратли хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилган, “илм-фан ва маданият юксалган” мамлакат бўлмиш Туркистонда бу кўргулик қандай пайдо бўлди?

Бунинг жуда таассуфли тарихи бор. Чингизхонга ҳар қанча маломат ёғдиришдан аввал, бу тарихни эсга олмоқ ўринли бўлади. Шундай қилиб, мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳлар давлатидаги ички вазият ҳақида:

Ануштегинийлар сулоласи ҳукмронлиги даври (1097 йилда бошланиб, Хоразмда 1221 йилгача, қарам ўлкаларда 1231 йилгача, яъни Хоразмшоҳ Жалолоиддин Мангуберди вафотигача бўлган давр)да Хоразм империя даражасига кўтарилди ва унга 33 та давлат бўйсунди. Бу давр Хоразмшоҳлар давлати энг кучайган, куч-қудрати ошган давр ҳисобланади. Унинг чегаралари шимоли-шарқда Дашти Қипчоқ чуллари ва Хонтангри (Тян-Шан) тоғларигача, Ғарбда Бағдод халифалиги, жанубий шарқда Ҳиндистон билан чегарадош бўлган. Хоразмшоҳлар давлати таркибида 400 (!)дан ортиқ шаҳарлар мавжуд бўлиб, Гурганч, Самарқанд, Бухоро, Хужанд, Утрор, Ҳирот, Балх, Ғазна, Нишопур, Исфохон ва бошқа шаҳарлар жаҳоннинг шу даврдаги энг кўркем ва юксак маданиятли шаҳарларидан бўлган.

Хоразмшоҳ Муҳаммад айниқса, ўз мулкига кирувчи Самарқандга зўр қизиқиш ва ҳурмат билан қараган. Келажакда бу шаҳарни қудратли Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахтига айлантиришни режалаштирган.

Лекин бу давлат ички зиддиятларга тўла бўлиб, ҳар бир шаҳзода, амирлар ва амалдорлар ўз ваколатини суистеъмол қилиб, кўпроқ бойлик тўплаш ва юқори мансабларга эга бўлиш учун ҳеч нимадан қайтмаслик йўлини тутганлар.

Айниқса, Хоразмшоҳнинг онаси – Туркон хотуннинг давлат ишларига ўринсиз аралашуви – салтанатни парокандаликка бошлаган катта сабаблардан бири эди. Масалан, Туркон хотун:

1. Салтанат марказини Гурганчдан Самарқандга кўчириш фикрига қаттиқ қаршилик кўрсатади ва ўз уруғидан бўлган қипчоқларни ўғлига қарши ҳаракат қилишларига кўндиради.

2. Ўғли – султон Аълоуддин Муҳаммаддан сўраб-не-тиб ўтирмай, бош вазир Низомулмулкни ўрнига ўзининг собиқ ғуломи Муҳаммад Солиҳни тайинлайди.

3. Ҳали ўғли ўлмай туриб, давлат ерларини невараларига тақсимлаб беради. Бунда адолатсизлик қилиб, Жалолиддинга (1198–1231) Ғазна ва унга ёндош узоқ ерларни, укаларига Хоразмга яқинроқ ерларни беради. Валиаҳдлик Хоразмшоҳнинг ўртанча ўғли Қутбиддин Ўзлоғшоҳга насиб қилади, чунки унинг онаси ҳам Туркон хотун уруғига мансуб – қипчоқ бўлган.

4. Улкан салтанат ҳукмдори – Хоразмшоҳ, ўз мавқеига мос, жуда дабдабали ва баландпарвоз тахаллус-унвонларни қабул қилган: *“Султон Аълоуд-дунё-вад-дин Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Такиш ибн Эл-Арслон ибн Отсиз ибн Ануштегин, Искандари Соний (“Иккинчи Искандар”), “Иккинчи Султон Сан-жар”*. Лекин салтанатда ана шундай юксак номлар остида фармонлар чиқарилса, Гурганчдан – Туркон

хотун саройидан *“Исмат уд-дунйа ва-д-дин Улуғ Туркон Малика нисо ал-олабийн”* – *“Жаҳоннинг ва диннинг ҳимоячиси, икки дунё (!) аёлларининг ҳукмдори Улуғ Туркон хотун”* деган муҳр билан келган фармон юқоридаги олий фармонни бекор қиларди. Яъни, султон фармони ўз онасининг муҳрисиз деярли ҳеч қандай кучга эга эмас эди.

Хоразмшоҳ Аълоуддин Муҳаммад 1216 йилда Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Шайх Маждиддин Бағдодийни қатл қилиб, дин аҳлларининг нафратига учраганди. Дастлаб халқ оммаси Хоразмшоҳни адолатли ҳукмдор ва ғайридинлардан халос қилувчи сифатида қабул қилиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Бироқ амалдорларнинг бебошлиги, зулми ва адолатсизликлари оқибатида Хоразмшоҳ ўз фуқароларининг ҳам ғзабига дучор бўлади. Хоразмшоҳ фақат қурол кучи билан давлатни сақлаб, мўғуллар ҳужуми арафасида ўз мамлакатадаги давлат тизимига ва аҳоли ичидаги ҳеч бир табақага суяна олмас эди.

Ана шундай мураккаб, қалтис дамда Туркон хотун Хоразмга бўйсунувчи ўлка ҳукмдорларининг шоҳ саройида гаров сифатида сақланаётган фарзандларини қатл қилдиради. Бу жинойт, Хоразмшоҳни ҳозирги ибора билан айтганда, халқаро майдонда ҳам мушкул аҳволга солиб қўяди...

Сиртдан қараганда, жуда улкан ва қудратли Хоразмшоҳлар давлатида ички вазият ана шундай носоғлом бўлгач, Чингизхондан гина қилиш ўринлимикин? Аввало, ўша даврдаги тушунчалар ва халқаро тартибга эътиборни қаратиш керак.

Улуғ Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўз *“Тузуклар”*ида: *“Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши лозим. Тангри*

таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни золимнинг қўлидан тортиб олиб, одил (подшо)га топширади”, деб ёзганларида юқоридаги каби вазиятни ҳам назарда тутмаганларми? Қолаверса, биз хушла-маслигимиздан қатъи назар, Чингизхоннинг одиллиги ҳақида маълумотлар ҳам анчагина.

“Халқлар тарихи бизга шуни кўрсатадики, ҳокимиятнинг бузилиши ва ҳаддан ташқари истибдод инқилобга сабабчи бўлади. Аммо агар истибдод ва ҳукуматнинг разиллиги асрлар бўйи давом этса, бу ҳол бутун халқлар феълининг бузилишига олиб келиб, халқ ғурури ва ватанга бўлган муҳаббатини ўлдиради, давлатнинг ички кучини барбод қилади. Биргина ташқи туртки бўлса, бас – бундай давлатнинг қулаши муқаррар. Бир босқинчидан иккинчи босқинчининг қўлига осонликча ўтиб турадиган Осиё халқларининг кўп қисмини тақдири мана шундай”.¹

Ўтрор шаҳрида Чингизхоннинг 400 кишилиқ савдо карвони қипчоқ уруғлари томонидан таланиши, Ўтрор ҳокими Инолчиқхонни жазолашни сўраб юборган элчиларини Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилиши икки ўртада уруш бошланишига сабаб бўлади.

Тарихда ёзилишича, карвон ва элчиларининг қатл этилгани хабарини эшитган Чингизхон ўз жангчиларининг кўз олдида баланд тоққа чиқиб, бошланг ва телбавор аҳволда, уч кеча-кундуз Тангрига нола қилган экан.

Хоразмшоҳ Муҳаммад, ўша даврдаги тарихчилар таъбири билан айтсак, “урушдан қочувчи эмас, уни ўзи излаб топувчи эди”. Минг афсуски, бу гал Чингизхондай ғайратли ва айёр рақиб унга рўпара келганди.

¹ Михаил Иванин. Икки буюк саркарда – Чингизхон ва Амир Темур. – Т.: “Фан”, – Б. 46.

Хоразмшоҳ қўшинлари сони Чингизхон қўшинидан бир неча баробар ортиқ эди. Лекин бу улкан лашкар юртни мудрофаа қилиш эмас, балки босқин, талаш ва ўлжа олишга мослашган эди. Устига-устак, айрим укувсиз қўмондонларининг маслаҳатига учган Хоразмшоҳ бир қанча ҳалокатли хатоларга йўл қўяди. “Лашкарни катта шаҳарларга бўлиб ташлаш керак, душман атрофни талаб, шаҳарларга киролмай, олдинги кучманчилар сингари орқага қайтиб кетади”, деб, шоҳни шунга кўндирдилар. Оқибатда, шаҳарлар бирин-кетин қулаб, душман пойтахтга яқинлашгач, чексиз ваҳима ичида қолган Хоразмшоҳ қочишдан ўзга йўл топа олмайди.

На валиаҳд Ўзлогшоҳ, на укувсиз ва талончи лашкарбошилари ва на онаси Туркон хотуннинг “донишманд”лиги уни қутқара олмайди. Хоразмшоҳ қочиб, Хазар (Каспий) денгизидаги Ашур Ода оролида хору зорликда яшайди. Улим тўшагидаги отасини излаб келган Жалолиддинга шоҳ султонлик қиличи ва муҳрини бериб, – “Мен учун уч ол ва Хоразмни асраб қол”, деб васият қилади.

Жалолиддин ҳамроҳлари билан Гурганчга қайтади.

Юрт тақдири ҳал бўлаётган дамда...

Кеч бўлса-да, кучларни бирлаштириб, душманга зарба бериш имконияти мавжуд эди. Лекин бу ерда Хумортегин бошлиқ қипчоқлар уни ўлдирмоқчи бўладилар. Афсуски, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ва сарой фитналари каби иллатлар юрт тақдири ҳал бўлаётган паллада яна панд берди. Жалолиддин ўзига содиқ 700 кишини олиб, собиқ Хўжанд ҳокими Темур Малик билан биргаликда Гурганчни ташлаб, мулки холиси бўлмиш Ғазнага кетади.

Гурганч мудрофаасига бош бўлган, юз минг нафарлик қўшин бошлиғи Хумортегин биринчи ҳужумда ёқ енгилади. Шундан кейин шаҳар ҳимоясига Шайх Нажмиддин Кубро бошчилигидаги хунармандлар

чиқиб, душманга етти ой қаршилиқ кўрсатадилар.

Парвона даштида мўғуллар устидан қозонилган ёрқин ғалаба Султон Жалолиддинга қимматга тушади. Ўлжаларни тақсимлаш пайтида низо келиб чиқади. Ўлжага тушган бир арабий от учун Хоразмшоҳнинг мўътабар амирларидан Сайфиддин Ўғроқ билан Ҳазора малиги Амин Малик жанжаллашиб қолади-лар. Қизишиб кетган Амин Малик тортишув пайтида Ўғроқнинг бошига қамчи билан туширади. Султон Жалолиддин бу низони бартараф қила олмайди. Хафа бўлган Сайфиддин Ўғроқ 30 минг аскар билан кетиб қолади. Қабақли туркман ва халаж сипоҳлари ҳам Султондан юз ўгирадилар. Натижада Жалолиддиннинг кўшинлари ярмига камайиб кучсизланиб қолади. Айнан мана шу вазият Чингизхонга жуда қўл келади.

Жуда аччиқ ва аламли иқрор шуки, Туркистондек улуғ юрт ва Хоразмшоҳларнинг бепоён салтанати тақдирини... атиги биттагина арабий от устида бўлган талашув – нафс балоси ҳал қилди! Агар шу низо бўлмаганида, тарих бутунлай бошқа йўлдан кетган бўлармиди...

Айрим хулосалар:

1. Давлат ва жамиятнинг куч-қудратини улкан кўшин, катта бойлик ва бепоён ҳудудлар эмас, балки, энг аввало, жамият аъзоларининг иймон-эътиқоди ва юксак маънавияти белгилайди.

2. Жамиятда огоҳлик сусайса, маънавий тубанлик, адоват, нафсга қуллик ва фитна-фасод авж олса – бундай жамиятдан кут-барака кетади, душманларнинг осонгина ўлжасига айланади.

3. Зулм, ноҳақлик ва нодонликнинг касри бутун жамиятга тегади. Бундай, иллатлар, аввало, уларни содир этган кимсаларга, албатта, қайтади. Ўзларига ўта юксак баҳо бериб, осмоний унвонларни қабул қилган Султон Аълоуддин Муҳаммад ва Туркон хотун тақди-

ри бунга мисолдир: қочоқликда, хору зорликда вафот этган султонга ҳатто, кафанлик ҳам топилмаган. Туркон хотун эса умрининг охиригача Чингизхон оиласига чўри бўлиб, хорликда улган.

Чингизхон ва мўғул аскарларининг ваҳшийлиги, шафқатсизлиги учун уларни ёмон кўришимиз – табиий. Лекин адоватдан энди не фойда? Юртда фитна-фасод, хиёнатлар, зулм ва гуноҳ ишлар авж олган, буларнинг ҳосиласи ўлароқ, яна бир бало-қазо бўлиб келган Чингизхоннинг “ваҳшийлиги, шафқатсизлиги, қонхўрлиги”дан ҳадеб гина қилавериш – қанчалик мантиқли? Табиийки, ёғий (ёв)лар ўзга юртга гул ушлаб эмас, қурол кутариб киради. Бегона юртни асло обод қилиш эмас, барбод қилиш ва бойликларини талаш мақсадида келади. Бундай ҳолда душманни фақатгина лаънатлаш билан нимага эришиш мумкин? “Ватани севмоқ – иймондандир”, дейилган муборак ҳадис, барча ҳолатга яққол ойдинлик киритади. Яъни, агар барчамиз (ҳеч бўлмаганда, аксарият кўпчилик) юртни бирдек севганимизда, уни ҳаргиз Чингизларга, Черняевларга бериб қўймасдик...

Аслида, айб кимда – Чингизхондами ёки ўзимиздами, деган саволни ўртага ташлаш ҳам бир жасоратга ўхшайди. Энди, ўша мудҳиш кўргуликлардан тегишли сабоқ чиқариш – оқиллар иши саналади. ***“Ана шу фожиаги ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора ўз исботини топган”***¹.

¹ Каримов Ислоҳ. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 4.

Улуғ Соҳибқирон бобомиз айтганларидек, “Адоват эмас, адолат енгади”.

Улуғларимиз берган таърифлар

Буюк темурийзода бобомиз Мирзо Улуғбек ўзининг “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарида Чингизхон тарихини батафсил келтириб, уни эҳтиром билан, “Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам” деб атаган. Чингизхоннинг асл исми Темучин эди. Мирзо Улуғбек: “Темучин жаҳонга шоҳ бўлмоқни истовчи эди. Бахти кулганидан иши ўнгидан келаварарди”, “Бахти бедор Темучин”, дея таърифлайди.

Унга “Чингизхон” исмини Ялонғоч ота қўйган экан. Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарида ёзилишича, Ялонғоч ота кароматлари бисёр авлиё бўлган. “Айтишларича, ўша кезларда ул ноҳияларда бир киши бўлган, аср бадлойларидан, уни мўғуллар тибб тангри деб атаганлар. Ўзбек улуси Ялонғоч ота дейишарди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз шу ондаёқ воқеъ бўларди.”¹

Ўша авлиё Темучин қурултойига келиб, “деди: кеча Тангри менга хабар бердики, жаҳонга янги насоқ қилурман, жаҳон мулкини Темучинга бергум. Унга Чингизхон номини берамиз. Олам подшоҳларини унга тобеъ қилурмиз. Золимлардан мазлумлар додини қутқаз. ...Жаҳонни нопоклардан тозала, фосиқларни йўқот”.

Тарихда сир-синоат кўп. Аллома Мирзо Улуғбек асари орқали ана шундай сирли маълумотлардан воқиф бўламиз.

Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Чингизхон ҳақида эҳтиром ила шундай ёзган: “У шону шавкатли, олий ҳимматли, оламдай улуғвор, Баҳромдай савлатдор подшоҳ эди”.

¹ *Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.* – Т.: Чўлпон нашриёти. 1994. – Б. 99-100.

Назм:

*Фалакдай буюк ва қуёшдай қудратли,
Жаҳондору бағрикенг ва саодатли.
Саховати беқиёсдур базм чоғида,
Йиртқич шер ҳам ундан қочар жанг чоғида.¹*

Улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ўз асарида Чингизхонни бегона ва босқинчи сифатида эмас, балки шонли турк фарзандлари қаторида тилга олади:

“Эй улуғ Турон, арслонлар улкаси! ...Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли болалари!” дея хитоб қилади.

Чингизхон – буюк салоҳият соҳиби. Тарихда жаҳонгирлик даъвосини қилган ҳукмдорлар кўп ўтган. Улардан айримлари, жумладан, Атилла, Чингизхон ва Гитлер номлари миллионлаб инсонларни қириб юборган “Ёвузлик даҳолари” сифатида тилга олинади. Лекин Чингизхон ҳаёти, қилган ишлари ва у яшаган тарихий давр хусусиятлари чуқур ўрганилса, уни “ёвузлар руйхати”дан чиқариш эҳтимоли катта экан. Буюк Британиянинг машҳур ВВС корпорацияси ижодкорлари Чингизхон ҳақида ҳужжатли фильм яратиш мақсадида тарихий маълумотларни чуқур ўрганиб, ана шундай хулосага келишди.

– Биз “Чингизхон авлиё эди”, демоқчи эмасмиз, – дейди фильм продюсери Эд Базалгетти. – Лекин **Чингизхон тарихи у забт этган халқлар томонидан ёзилган.** Масалан, Англия тарихини ҳиндистонликлар ёки африкалик ҳабашлар ёзишса, қандай бўларди? Чингизхон ўз халқини таламаган, маданият ва қонунчилиқни олиб келган. Унинг даврида муғул халқини қулга айлантириш ман этилади. Тасаввур қилинг:

¹ Амир Темур аждодлари. (Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан терма-таржима). Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. – Т.: “Қомуслар Бош таҳририяти”, 1992.

кўчманчи, деярли ярим ёввойи қабилаларни қисқа вақт ичида бирлаштириб, дунёни зир титратган улкан давлат қуриш учун қанчалик улуғ салоҳият зарур!

Енгилмас қушин ва буюк давлат тузиш учун фақатгина куч-зўравонликнинг ўзи кифоя эмас. Балки, буюк Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганларидек, “Куч ва адолат”ни бирлаштирмақ керак.

– Чингизхон ўз даврининг либерал, байналмилал руҳдаги вакили бўлган, – дейди компания директори Майк Йетс. – У ҳеч қачон ўзга эътиқод вакиллари таъкиб қилмаган.

Бу фикр исботини аллома Алихонтўра Соғуний асаридан ҳам топиш мумкин: “Жаҳонгир Чингиз даврида... у хоқон авлодлари даврида атрофдан келган ислом уламолари ҳам оз эмас эди. Айниқса, Чигатой Баҳодир ўзи ислом динига кирмаган бўлса ҳам, уни яхши кўрганликдан бошқаларга тўсқинлик қилмаган, узоқ-яқиндан келувчи уламоларга ҳурмат кўрсатилар эди”.¹

Чингизхон ўз даврининг мукамал қонун-қоидалар мажмуаси – “Ёсо”ни жорий этган. “Ёсо” – Соҳибқирон Амир Темур давлатида ҳам амалда бўлган. Бу қонунлар туркий халқларнинг ижтимоий ва сиёсий аҳволига мувофиқлиги учун Соҳибқиронга маъқул эди. Машҳур можор (венгер) олими Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” номли асарида қуйидагиларни ўқиймиз: “У ислом динига мухлис бўлиши билан бирга, Чингиз низомларини ҳам жуда ҳурмат қиларди. Бу қонунлар турк халқларининг ижтимоий ва сиёсий аҳволига мувофиқлиги учун Темурга маъқул эди. Темурнинг “Ясоқ” (Ёсо)га рағбати ҳамда уни мусулмон руҳонийларидан ҳимоя қилишининг сабаблари ана шундадир. У мамлакатнинг ҳарбийлари орасида муғул жаҳонгирининг (Чингизнинг – Б. Ҳ.)

¹ *Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.* – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2009. – Б. 152–153.

олийжаноблигига тақлид қиларди... Фақат солиқ солиш қондаси Қуръон таълимотига мувофиқ бўлди”.

Шунингдек, қўшин тузилиши ҳам Чингизхон жорий этган тартибларга мос эди. Вамбери юқоридаги асарида тарафкашлик қилмасдан, Ибн Арабшоҳнинг “Темур Чингизхоннинг ясоқларини Қуръондан юқори кўрарди”, деб ҳақсиз айблашини ҳам туғри таъкидлаб, аслида, ислом ташкилоти аскарий идорадан кўра руҳоний идорага татбиқ этилиб ясалганини, муғул ясоқлари эса давлатни тутиб туришда, ҳимоялашда кучли жанговарликка эгалигини айтади.

Чингизхон қўллаган жазолар шафқатсиз, аммо адолатли бўлган. Айғоқчилар, сохта гувоҳлар, бошқаларга зарар етказувчилар, ахлоқсиз одамлар, нотабиий лаззат олиш билан шуғулланувчилар, табиатни булғатувчилар ва амалидан фойдаланувчи порахўрлар ўлим жазосига ҳукм қилинарди. Айбланувчиларни фақатгина жиноят устида қўлга олинганда ва ўз айбларига иқрор бўлганларидагина жазога маҳкум этардилар.¹

Чингизхон хоинликка ўта мурасасиз бўлган. Сотқинлик қилиб, ўзи томонига ўтган рақиб аскарларини битта қўймай қириб ташлаган. Ўз аскарлари ўртасида темир интизом жорий қилган. Масалан, ўнлик бўлинма аскарларидан биттаси асирга тушса-ю, қолган тўққизтаси уни қутқариб қололмаса, ўша тўққиз нафар аскарни ҳам қатл эттирган.

...Султон Жалолiddин Синд сувидан омон ўтганини кузатиб турган Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам таажжуб ва ҳайратдан ёқасини тутиб: “Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир

¹ М.Иванин. Икки буюк саркарда – Чингизхон ва Амир Темур. – Т.: УзР. ФА “Фан” нашриёти, 1994. – Б. 25.

можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазойи қадар қаршисида қудрат қўлини (мардона) очди. Мардлик билан ундан (қазо) қутулиб бўлмайди. Нима қилсин-қилмасин бу улуғ Худо ишидир”, – деган эди.¹

Ушбу мардларча гапларни сўзлаган зотнинг буюклиги ҳақида ҳам мос равишда қатъий хулоса қилса бўлади.

Вақти қазоси етгач, Чингизхон ўзини бепоён сахро ўртасида дафн этишларини васият қилган. Қачондир душманлар унинг руҳини безовта қилмасликлари учун, қабрини ер билан теп-текис қилишларини амр этган. Чингизхоннинг бу қарори ҳам беҳикмат эмас. Гап унинг ўз қилмишлари туфайли келажак авлодлар “ғазабидан чўчиши” да эмас. Инсоннинг табиати шундайки, баъзан, ўзидан аввал ўтган буюклар шон-шуҳратига ҳасад қилади. Буюк зотларнинг шонли номи, эзгу хотираси, ҳатто, қабри ҳам айрим жоҳилларнинг тинчини бузиши – тарихда кўп учрайди. Собиқ тузум даврида буюк Соҳибқирон Амир Темур номининг қораланиши, қабрининг очилиши бунга яққол мисолдир.

Чингизхон шундай деган: “Кимки ўзини камситиш ва қадрининг топталишига йўл қўймаса, ўша зот – ҳақиқий инсон бўлиб туғилгандир!”

Бу ҳикмат барча даврлар ва инсонлар учун бирдек қимматга эга.

Сўнгги минг йилликда ижобий ёки салбий бўлишдан қатъи назар, **инсониятга энг катта таъсир кўрсатган шахс**ни аниқлаш бўйича хорижда ўтказилган ҳисоб-китобларга кўра, Чингизхон – мингйиллик одами, деб топилган.

Ер юзида авлодлари энг кўп тарқалган инсон сифатида ҳам Чингизхонга етадигани йўқ. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бутун

¹ Мирзо Улуғбек. “Турт улус тарихи”. – Т.: Чулпон нашриёти, 1994. – Б. 183–184.

дунёдаги ҳар икки юзинчи кишининг генеологик илдизи Чингизхонга бориб тақаларкан. Етти миллиард-ни икки юзга тақсимланса, маълум бўладики, ҳозир ер юзида ўттиз беш миллион нафар... “чингизийлар” яшашяпти!

Энди, Соҳибқирон Амир Темурнинг миллатига оид мулоҳазаларга қайтсак.

Тарихий манбаларга кўра:

1. Чингизхоннинг учинчи бобоси Қабулхон (Кўйлухон) ва ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг саккизинчи бобоси Қочувли баҳодир эгизак бўлиб, Туманaxonнинг фарзандларидир.

2. Туманaxon насаби ўн тўрт насл аждоддан сўнг Мўғулга бориб туташади.

3. Мўғул ва Тотор ҳам эгизаклар бўлиб, Алинжахоннинг фарзандларидир.

4. Алинжахоннинг тўртинчи бобоси – Турк.

5. Туркнинг отаси – Ёфас, Ёфас эса Нуҳ алайҳиссаломнинг энг катта ўғли бўлган. Бу шажара рўяхати бир қанча кўҳна китобларда ва Гўри Амир мақбарасидаги қабр тошида ҳам битиб қўйилган.

Бутун инсониятнинг ота-онаси – Одам Ато ва Момо Ҳавво эканлигини тан оламиз. Япон олимлари ер юзидаги барча ирқларга оид генларни энг мукамал компьютерлар орқали таҳлил этганларида ҳам худди шу хулоса келиб чиққан – барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандлари эканлиги яна бир карра тасдиқланган.

Қабила тузилишига кўра, ўзбекларни ҳар ерда “Тўқсон икки бов ўзбек” деб атайдилар (“Бов” – қабила демакдир).¹ Қизиғи шундаки, мазкур 92 уруғ (қабила) ичида Мўғул, Урус, Хитой, Тотор, Қирғиз, Қозоқ, Турк, Туркман, Қорақалпоқ, Нукус, Уйғур номли қаби-

¹ Заки Валидий. Ўзбек уруғлари. Ўзбегим. – Т.: “Звезда востока” журнали кутубхонаси, 1992. – Б. 110–113.

лалар бугунги кунда ҳам мавжуд. Улар ўзларини миллат номи билан “ўзбек” деб атайдилар.

Шажарага кўра, туркийлар, мўғуллар ва тоторларнинг узоқ бобокалони – Туркдир. Демак, мантиқий хулоса: мўғулнинг ўзи ҳам – туркийларнинг бир тармоғи эмасми?

Олтин Ўрда хони Ўзбекхон – Чингизхоннинг авлоди. Ўзбекхон эса ўзбекларнинг аждоди, Мўғул атмаси қаердан келди? Бу ҳақда Чингизхоннинг замондоши бўлган Рашидиддин туркий элларни санаб ўтиб, “улар ўзларини буюклигига урғу бериб ўзларини мўғул (мангу эл) деб аташди, гарчи тарихан улар турк эдилар” дейди. Демак, Чингизхон ўзининг турк қавмини алоҳида “мангу эл” номи билан атаган. Лекин бу билан улар табиийки, турклигини йўқотмаган. Айрим тадқиқотчиларга кўра, бу халқнинг ҳозирги Монголиядаги халха монголларга алоқаси йўқ!

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида мўғул тилидан ўтган юзлаб сўзлар мавжуд. Тарихий манбаларда ёзилишича, Чингизхон қўшинининг тўқсон фоиздан кўпроғини туркий қабилалар ташкил этган. Бу қабилалар (жумладан, мўғуллар)нинг аксарият қисми ҳам юртимиздаги туркий қавмлар орасига сингиб кетганлар.

Туркий халқларнинг насл-насаби, уларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритган улуғ боболаримиз Абулғозий “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима”, Мирзо Улуғбек “Тарихи арбаъи улус” асарларида мўғулларни туркий қавмга мансублиги ҳақидаги қайдларига эътибор берайлик. Ҳар икки муаллиф ҳам мўғулларни Абу Турк авлоди эканларини бир неча бор таъкидлайдилар. Кейинги мутафаккирлардан Ҳасан Ато Абуший “Туркий қавмлар тарихи” асарида ёзади: “Шарқ тарихлари манғул қавмини Тотор исмли шахс ила бир туғишгон Мўғул бир Абу Турк наслидан бўлмиш Олинчахон наслидин келмиш демишлар. Аммо сўнги

ўғир-булғор-можарлар ва усмонли турклар каби икки турли қавм оросиндин ҳосил улмишдир, дейдилар”.

Ушбу сўнгги фикрга таяниб айтиш мумкинки, муғуллар аслан туркий уруғдирлар, аммо кейинги асрларда уларнинг таркибига Чин сарҳадида яшовчи халқларнинг келиб қўшулуви Чингиз салтанатининг емирилишидан кейин бошланган таназзул оқибатида уларга манжурлар таъсирининг кучайиши юз бериб, муғулларнинг туркийликдан узоклашуви юзага чиққан.

Чингизхон ва Соҳибқирон Амир Темурнинг узоқ аждодлари амакиваччалар экан, олис боболари бир инсон булса – уларни нахотки бир миллатга мансуб, дея хулоса чиқарилса?

Иброҳим алайҳиссаломнинг завжаси Ҳожардан туғилган фарзанди Исмоил алайҳиссалом – бугунги арабларнинг бобокалони, Сора исмли аёлдан туғилган фарзанди – Исҳоқ алайҳиссалом эса бугунги яхудийларнинг бобокалони, деб эътироф этилади. Узоқ бобокалонлари бир шахс булгани билан, араб ва яхудий – икки алоҳида миллатлар саналади-ку!

Дейлик, ҳозирги узбек ва қозоқларнинг тарихий илдизи, тили, дини ва қадриятлари ҳам деярли бир – қардош туркийлар эканлиги аён. Аммо бу узбекни – қозоқ ва аксинча, қозоқни – узбек деб атаса булаверарди, дегани эмас-ку?!

“Ватан туйғуси” китобида ёзилганидек, улар ягона миллат эмас, деганимиз билан узоқлашиб қолмайди. Шунингдек, улар ягона миллат десак, ягона миллатга айланиб қолмайдилар ҳам. Чунки миллат булиб шаклланиш узоқ тарихий жараёндир.

Барча туркий халқлар билан илдизимиз бир, қон-қардош эканлигимизни инкор қилмаймиз, албатта. Аммо содда қилиб айтганда, бугун ҳаммамиз алоҳида – “рузғоримиз” булак. Бу – табиий қонуният. Шу билан бирга, узбеклар **“Биз ким, мулки Турон, Амири**

Туркистонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва улуғи Туркнинг бош бўғини” эканлигимиз ҳар қанча ғурур ва ифтихорга лойиқдир.

Хуш, миллат нима? Миллат, бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир. Маънавият – давлат асоси, давлат эса маънавият суянчиғи.

Тарихда туркий қавмлар яшаган ҳудуд – Туронзаминдан кенгроқ макон бўлмаганидек, дунёда Турк бобонинг авлодлари – туркийлардек серуруғ қавм кам топилади. Эндиликда номлари бошқа-бошқа, тили ва дини ҳам ўзгариб кетган туркий қавмларнинг саноғи йуқ.

Масалан, Булғористон (Болгария), Мажористон (Венгрия) мустақил давлатлари, Мордва, Марий Эл, Удмурд, Тува мухтор давлатларининг халқлари ҳамда Сибирь, Узоқ Шарқ ўлкаларида, Хитой, Мўғулистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Болқон давлатларида яшовчи туркий халқлар ҳам ўзларини Турк бобо ва Турон мамлакатининг ворислари деб ҳисоблашлари табиий ҳолдир.¹

Ҳатто, Шимолий Америка қитъасидаги ҳиндулар орасида ҳам туркийлар анчагина эканлиги аниқланган. Уларнинг луғатида жуда кўп сўзлар айнан туркийча, масалан: “Балиқ, бўри, тоу (тоғ)” ва ҳоказо. Санаганда, худди биздагидек “бир, икки, уч...” деб санашаркан. Бу қавмлар қадим замонларда Чукотка ва Аляска оралиғидаги бўғоздан қўшни қитъага ўтган, деган фикр мавжуд.

Собиқ шўро тузуми даврида тарихий воқеаларга баҳо беришда “бизникилар” ва “душманлар” қабилидаги тушунчаларга урғу бериларди. Масалан, “қизиллар ва оқлар”, “шўролар ва немислар” каби. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, олимларимиз ўртасида

¹ *Иброҳимов А., Султонов Х., Жураев Н.* Ватан туйғуси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ нашриёти, 1996. – Б. 204.

ана шу мезонга амал қилиш муайян даражада сақланиб қолганини куриш мумкин. Шу боисдан, бу даврда ёзилган тарихий мақола ва рисоаларда, дарсликлар ва бадий асарларда Амир Темурнинг Мовароуннахр мустақиллиги учун муғулларга қарши кураш олиб боргани тавсиф қилинади. Аслида эса, Амир Темур Мовароуннахр ҳукмдори бўлган маҳаллий ҳукмдор Амир Хусайнни мағлуб қилиб, унинг ўрнига муғул шаҳзодаси Суюрғатмишни тахтга ўтказди.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам фақатгина муғуллар зулмига қарши миллий-озодлик учун кураш олиб борилгани ҳақида ёзилмаган.

Демак, буюк Соҳибқирон бобомиз олиб борган курашлар бирон-бир халққа қарши эмас, балки Мовароуннахрни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, обод қилиш ҳамда буюк давлат тузиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар, дейилса, тўғрироқ бўлади. Бу даврда Амир Темур фақат муғулларга қарши кураш олиб борган, дейиш ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Чунки Соҳибқирон даврига келиб, Мовароуннахрда қолган муғуллар ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан деярли тўла сингишиб кетган эди.

Тўғриси айтганда, тарихий шахсларни яхши билмаслигимиз, “танимаслигимиз” сабабли, улардан биров бегонасирашимиз – бор гап. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизга бўлган муносабати туфайли, Шайбонийхонни унчалик хушламаймиз. Аслида, ўзбек миллатига мансуб Шайбонийхоннинг тарихи, шахсияти, ғоялари ва мафқураси ҳақида аксарият кўпчилигимиз деярли ҳеч нарса билмаймиз.

Шайбонийлар, аштархонийлар сулоалари ва уларнинг юртимиздаги ҳукмронлик даври ҳақида, ҳозирги Шарқий Сибирь ҳудудида Сабир (Сибирь) хонлигини

ташкил этган ўзбеклар туғрисида жуда кам нарса биламиз. Масалан, Ҳожитархон (Аштархонийлар давлати пойтахти, ҳозирги Астрахань), Туманли (Тюмень), Селоба (Челябинск), Саритов (Саратов), Бойқул (Байкал), Чибарқул (маъноси “Қул қул”, ёки “Минг қул”) каби туркий жой номлари ҳам келгуси тадқиқотлар учун катта дастур бўлади. Дейлик, “чиройли, гузал” маъносини англатувчи Барно овул (ҳозирги Барнаул) шаҳри бир пайтлар Қўқон хонлигининг чекка шаҳри ҳисобланган.

Самарқанд Регистонида, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг бурчагида шайбонийлар хилхонаси бор. Ўз вақтида юртимизга раҳбарлик қилиб, Ватан ва миллатга баҳоли қудрат ҳисса қўшган қул ҳукмдорлар мангу сокин топган бу жойда. Демак, қўқон тарихимизнинг жуда қул очилмаган сирлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

ТАРИХ ЖУМБОҒИ

Нима учун Хитой сон жиҳатдан ўсди? Ҳиндчи? Аҳилликлари, қувғинга учрамаганликлари, куча-куч бўлмаганликлари учун.

Уч буюк хоқон (Амир Темур, Тухтамишхон, Йилдирим Боязид) бир-бирларига ён босмаганликларидан кейин, бир-бирларига кечиримли бўлмаганликларидан кейин куч-қудратда тенгсиз уч салтанат таназзулга юз тутди...

Эврил Туроннинг “ОМОНСИЗ ЙИЛЛАР” эссесидан

Соҳибқироннинг Хитойга юриш қилиш режаси Ҳиндистон фатҳи (1398–1399)дан аввалроқ туғилганди. Аммо кутилмаганда учинчи ўғли Мироншоҳ тасарруфидаги Озарбайжонда юз берган беқарорлик ҳақи-

даги хабардан сўнг, яна Ғарбга – машҳур Етти йиллик (1399–1404) сафарга йўл олади.

Кичик Осиёдан Самарқандга қайтган Амир Темур, ўзининг аввалги режаси бўлмиш Хитой фатҳини бошлашга қарор қилади. 1404 йилнинг 27 ноябрида (М.Иванинга кўра, 1405 йилнинг 8 январиди) 200 минглик кўшин билан Самарқанддан йўлга чиқди (Мирхонднинг таъкидлашича, “Соҳибқирон кўшинининг умумий сони 800 000 суворий ва пиёдадан иборат эди ва биргина Хитой сафарига 272 612 нафар аскар жалб этилган”).¹

Бироқ Амир Темурнинг тўсатдан вафот этиши (1405 йил 18 февраль) туфайли, Хитой сафари амалга ошмай қолди.

Улуғ Соҳибқирон вафоти билан юртимиз тарихидаги буюк ғалабалар даври поёнига етди. Зеро, миллий тарихимизда оламари куч-қудрат ва шон-шавкат бобида ҳеч ким улуғ Амир Темурга тенглаша олмайди. Шу уринда кишида тарих ва тақдир ҳақидаги бир неча аламли саволлар туғилади.

Масалан, улуғ Соҳибқирон Амир Темур, Хитой юриши учун 200 минг нафар атрофида сараланган лашкар жамлаганлари тарихдан маълум. Агар умр вафо қилганида, бу ҳарбий сафар фатҳу нусрат ила яқунланиши шак-шубҳасиз эди. Асосийси, Соҳибқироннинг буюк саркардалик салоҳияти туфайли, уша пайтда давлатимиз ва миллатимиз шундай улкан мамлакатлар “панжасига панжа уриш” қудратига эга бўлган. Қолаверса, бобокалон тиклаган Турон салтанати ҳудудий жиҳатдан Хитойдан-да улканроқ эди.

Биринчи унсиз савол шундаки, ўтган асрлар давомида Хитой нуфуси (аҳолиси) ушиб-униб, бир ярим

¹ Чориев Аҳмаджон. Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидан лавҳалар. – Қарши: “Насаф” нашриёти, 2004. – Б. 27.

миллиард нафарга қандай қилиб етди-ю, нега бизнинг миллатимиз ақалли эллик миллионлик маррани ҳам “забт” эта олмади? Ваҳоланки, узаро уруш-босқинлар Хитойда ҳам кўп булган. Манбаларга кўра, 1226 йилда Чингизхон, 1230 йили эса унинг ўғли Угадай лашкар-бошилари ҳамма хитойликларни қириб ташлашни ва уларнинг ерларида кўчманчилик қилишни таклиф қилишган. Аммо Чингизхоннинг донишманд вазири Елу Чусой уларни бу ниятдан қайтаришга эришган.¹

Бугун Ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми Хитойда яшайди. Аҳоли сони ўсишини назорат қилиш мақсадида, ҳар оилага икки нафардан фарзанд кўришга рухсат этиш каби чоралар ҳам қўлланилган. Утмишда бундай чеклов бўлмаган ва Чин мамлакати аҳолиси, асрлар давомида халқона ибора билан айтганда, “ўзидан кўпайган” ва униб-ўсган.

Ўзбеклар ҳам азалдан серфарзанд, болажон халқ. “Чўп бўлсанг ҳам – кўп бўл”, “Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса – қилиғи” каби нақлларимиз ҳам шундан дарак беради. Туркистон мамлакати ҳудудий жиҳатдан, шунингдек, табиий бойликлари ва иқлим шароитига кўра Хитойдан асло кам эмас. Соҳибқирон замонидан кейинги асрларда заминимизда турли босқинлар, кризис (тушкунлик)лар юз берган бўлса-да, минтақавий катта урушлар деярли юз бермади.

Унда, нега улар – бир ярим миллиард, биз эса...

Ҳатто яқин қардошларимиз бўлмиш қозоқ, туркман, қирғиз ва уйғурларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам, нега хитойиклар нуфусининг ярмича чиқмаймиз?

Шунчалик саъй-ҳаракатларимизга қарамасдан, нуфусимиздан барака кутарилишининг сабаблари ни-мада?

¹ Михаил ИВАНИН. Икки буюк саркарда – Чингизхон ва Амир Темур. – Т., “Фан”. – Б. 212.

Шу ўринда табиб Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий (1877–1914)нинг “Тухфаи аҳли Бухоро” асарида айтилган қуйидаги фикрни ҳам эътиборда тутиш ўринли:

“Биз, Шарқ мусулмонлари, соғлиғимизни сақлай олмаймиз. Худо тана тарбиясини фарз деганлигини билсак ҳам, унга эътибор бермаймиз. Шунинг учун бизда тўрт хотин олиш ҳалол деб қабул қилинган бўлса ҳам, нуфусимиз камайиб бормоқда. Носаро нуфуси бир хотин билан ҳар йили бир неча миллион кўпаяди. Бунинг боиси турмушнинг касофати, ҳавосиз жойларда яшаш, зиндонга ўхшаган кўчаларда юришга қарши ҳикмату ақл асосида қурилган уйларда истиқомат қилишдадир”.

Аммо бу миллат сонининг камайишига асосий сабаб, дейиш қийин.

Тарихий вазият, тақдир, шарт-шароит, мамлакат жойлашган жуғрофик макон, табиий бойликлар... Буларнинг бариси миллатнинг сон жиҳатдан ўсишига муайян таъсир кўрсатади, албатта. Бизнингча, бу омиллар қаторига **миллатнинг маънавий даражасини** ҳам киритиш ўринлидир. Яъни, Ватанни севиш, илм-маърифатга интилиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғулари мустақкам бўлган миллат ва юрт, ҳар жиҳатдан ўсиб-униши, шубҳасиз. Бунга тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Facebook тармоғида бир хорижий олимнинг ёзишича, Иван Грозний Қозон хонлигини забт этиш чоғида, ҳар икки давлат (Москва ва Қозон хонлиги)да тахминан 5 миллиондан аҳоли яшаган. “Бугунга келиб, руслар юз миллиондан зиёд, татарлар сони эса, олти миллионнинг нари-берисида...” деб ёзғиради олим.

Бунинг боиси ҳам, юқорида таъкидлаганимиз – бир жиҳатдан маънавий омилларга келиб тақалмай-дими?

Тарихий манбаларга кўра, туркий қавм, хусусан, унинг “бош бўғини” саналмиш ўзбек миллати ватан

тутган тарихий манзиллар бепоёндир. Масалан, Ғози (Олим Юнусов (1893–1938) узининг “Ўзбекларда эл таниш иши” мақоласида шундай ёзади: – “Қариялар ўзбекларнинг “Эл нуғой”дан, “Дашти қипчоқ”дан келганини сузлайдурлар. Демак, бизга ўзбекнинг эски юрти булғон Жойиқ ва Идил буйлариға ҳам бориб, унинг эски изини излаш керак буладир”. Демак, миллатимиз асрлар давомида узининг тарихий ерларини қўлдан бой бера-бера, сурилиб-сиқилиб, бугунги мустақил давлатимиз ҳудудини сақлаб қололди, холос. Ўзбекхон шавкатли давлат қурган тарихий Олтин Ўрда ҳудудлари булмиш бепоён Эдил буйларида эса татар, бошқирд, чуваш каби туркий қардошларимиз яшаб қолишган. Афсуски, улар ҳам бу юртни душманга олдириб, асоратда яшаб келишмоқда. Орадан яна бир неча аср утгач, ўша татар, бошқирд, чуваш каби миллатларнинг вакиллари шимолдан бостириб келган ёвлар билан бирга, тилмоч сифатида Туркистонга – бизнинг юртимизга келишган...

Бу кургулик туркий қавмларнинг кейинги бир неча асрдаги куч-қудрати, ҳамжиҳатлиги ва юксак маънавиятидан дарак бермайди, албатта. Атоқли адиб Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” аса-рида бу фожиа, айниқса, яққол тасвирланган.

Иккинчи мулоҳаза улуғ Соҳибқирон ва унинг ёвқур амирларининг авлодлари хусусида. Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сунг унинг икки ўғли (Мироншоҳ ва Шоҳрух), 19 набираси ва 15 чевара, жами 36 нафар шаҳзода ҳаёт эди. Булардан ташқари Темурбекнинг кичик қизи – Султон бахт бегим, катта қизи – Оғо бегим (1382 йилда йигирма уч ёшида бетоб бўлиб, оламдан куз юмган)дан туғилган ўғил – Султон Ҳусайн Мирзо исми набираси ҳам булган. Шунингдек, юқори

мавқе ва мансаблардаги куплаб қариндош-уруғлари, истеъдодли лашкарбоши амирлари бор эди. Бу аслзода зотлар шу юрт фарзандлари бўлиб, улуғ Соҳибқирон раҳнамолигида оламшумул давлат барпо этгандилар. Бу давлат “дину ойин асосида” қурилган¹, адолат устувор, аҳоли тўқ ва фаровон яшагани, жумладан, хорижий элчининг машҳур эсдаликларида қайд этилган.

Тарихчи олим Турғун Файзиев ва адиб Ҳаким Саторий ўз асарларида бобокалон наслига оид 300 га яқин шахзода ва малика ҳақида маълумотларни жамлаганлар. “Бир сўз билан айтганда, улар одам наслининг қай даражададир камолга етган вакили...” дея баҳо беради ёзувчи.

Унда, нега бу сулола жуда тез вақт ичида тарих саҳнасида тушиб, ғойиб бўлган?

Туғри, тож-тахт ва мерос талашиш, сарой фитналари каби кургуликларни инкор этиб бўлмайди. Тарихий маълумотлардан аён бўлишича, олийнасаб ва юксак тарбия кўрган теурий шахзодаларнинг ўртача умри... 30–40 ёшни ташкил этган. Аксарияти ўз ажали билан эмас, жангу жадаллар ва фитна қурбони бўлган.

Улуғ Соҳибқирон айтмиш “дину ойин ва адолат”-нинг таъсир кучи, умри наҳотки шунчалик қисқа бўлса?!

Японияда император – миллат ва давлат рамзи ҳисобланади. Япония императорлари авлоди дунёдаги энг барқарор ҳукмдорлик сулоласи ҳисобланади. Императорнинг узоқ бобокалони эрамиздан аввалги 660 йили Японияда ўз ҳукмронлигини ўрнатган! Ҳозирги император ушбу кўҳна сулоланинг 125-вакили саналади. Бу ҳам японларга хос ҳамжиҳатлик, ҳукмдор сулолаларга бўлган ҳурмат ва давлатчиликдаги узвийлик, давомийликка яққол мисол бўла олади.

¹ Ойин – қоида, тартиб, расм, усул, одат, равиш, тарз. Темур тузуклари, – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 57.

Бизда-чи? Қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар, кўнғиротлар, минглар... каби ҳукмдор сулолалари тарихда турли номлар билан аталган ўзбек давлатларида ҳукм юритганлар. Шулардан темурийлар ҳукмронлиги юртимизда қарийб 130 йил давом этган (Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳинд юртида қурган давлат 1862 йилга қадар яшагани эътиборга олинса, Соҳибқирон авлодлари қарийб 500 йил ҳукм сурган).

Қолган сулолалар бундан камроқ “муваффақият” билан давлат сўраганлар. Муваффақият сузининг кўштирноқ ичида ёзилиши сабаби, бизнингча, қуйидаги биргина мисолда яққол аён бўлади:

1511 йили олтин ўрдалиқ Элбарсхон Вазир шаҳрида босқинчи эронийлар зулмига чек қўйиб, Хоразмда давлатчиликни қайта тиклаб, хонликка асос солди...

1557 йили пойтахт Хивага кўчирилиб, Дўстхон Бўғчахон бу ерда илк бор тахтга ўтирган. Шундан бошлаб, Хива тахтида 1920 йилгача 57 нафар хон ўтирди.

Шулардан Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз – 47 (1863–1910), Муҳаммад Оқатайхон 44 (1558–1602), Анушахон 26 (1663–1689), Абулғозихон 20 (1643–1663), Муҳаммад Раҳимхон I 20 (1806–1826), Исфандиёрхон I – 19 (1623–1642), Оллоқулихон 17 (1825–1842), Абулғозихон IV 22 (1790–1812) йил тожу-тахтга эгаллик қилган.

Қолган ҳукмдорлар 9, 8, 7, 1 йил, 5–6, 2–3 ой, бир ҳафта, 1726 йилда эса Сори Айғирхон ярим кунгина тахт эгаси бўлган.

Бу хонлар тарихида адаш ҳукмдорлар ҳам анчагина бўлиб, Абулғозихонлар 5, Ёдгорхон, Исфандиёрхон, Муҳаммад Раҳимхонлар 2 нафар эди.

1512 йилдан 1920 йилгача – 408 йил ичида хонлар ўртача ҳар тўрт-беш йилда алмашаверган. Улардан

18 нафари ўз ажали билан бу дунёни тарк этган бўлса, қолганлари фисқу фасод, сарой уйинлари туфайли тахтдан ағдарилган ёки қочган, мажбурий истеъфога чиқарилган. Тахтга чиқиш насиб этган ҳар 3 хондан 2 нафари ўз ажали билан ўлмаган, сарой уйинлари натижасида сиёсат қурбони бўлган, яъни ўлдирилган.

Айтиш керакки, ҳукмдор сулолаларнинг юқоридаги каби таассуфли тарихи фақатгина Хивага тегишли эмас. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги тарихида ҳам худди шундай ҳолатларни истаганча топиш мумкин...

Аслида бу тарих жумбоғи эмас, балки унинг аччиқ сабоғидир. Чунки миллатнинг куч-қудрати унинг сон-саногии билан эмас, балки илм-маърифати ва юксак маънавияти билан белгиланади.

Инглизлар, испанлар, нидерландлар, баъзи араб давлатлари ва бошқа кўпгина халқларнинг ўз қироллари бугун ҳам амалда мавжуд. Инглизларда, бундан ташқари, графлар, герцоглар, рицарлар каби аслзода тоифалар бор. Улар ана шундай шажара ва табақаларини замонлар бўҳронидан омон сақлаб, бугунги кунгача етказишган. Ушбу шажара ва табақалар жамиятдаги барқарорлик, эртанги кунга ва ўзаро бир-бирига ишонч, ўзига хос маънавий қадриятлар ва миллий ғурур манбаларидан бири бўлса, ажаб эмас.

Бизнинг шахзодалар, темурий уруғ-авлодлар, олийнасаб амирлар эса...

Бу сулолалар юртимизда камида минглаб оилалардан иборат бўлган. Улар бегона эмас, ўз миллатдошларимиз. Аммо бу сулолалар тарихнинг қайси чорраҳасида қолиб кетишган? Нега бу оилаларда ўтган шонли аждодлар ҳақидаги хотиралар оғзаки бўлса-да, авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб қолмаган? Масалан, корейсларнинг “Тангем” сериалида қирол оиласи, сарой тартиблари ва ундаги амалдорларнинг вазифа-

лари, қирол ошпазлари ва табибларининг фаолияти, ҳатто таомлар ва кўхна дори-дармонларнинг тай-ёрлаш усулларига қадар батафсил ҳикоя қилинади. Дейлик, биз улуғ Соҳибқирон у ёқда турсин, юз йилдан сал аввалроқ утган Амир Олимхон ва Худоёрхон ҳақида фильм ишласак, уша давр тарихини корейслар каби ёрқин кўрсата оламизми?

Афсуски, йўқ.

Бу ишга аҳд қилган тарихчилар ва ижодкорларнинг ўртасида тушунча ва тарихий маълумотлар бора-сида турли ихтилофлар, келишмовчиликлар юзага келиб, даҳанаки жангларга уланиб кетиши ҳеч гап эмас...

Хорижий олимлар тадқиқотига кўра, дунёдаги ҳар 400 та одамдан бирининг қонида Чингизхон генлари бор. Эътибор беринг, биргина Чингизхоннинг генлари шунча одамзоднинг қонида бўлса, бизнинг юртимизда яшаб, шон-шуҳрати билан олам аҳлини ҳайратга солган минглаб темурийларнинг ҳозирги авлодлари қанча?!

Айрим олимлар, улар бугунги юртимиз аҳолисининг 15 фоизини ташкил этади, деган фикрни айтишган. Балки ундан ҳам купроқдир? Не бўлганда ҳам, бу улуғ зотлар бизнинг юрт фарзандлари, бинобарин, “мен – темурийзодаман”, дейишга ҳар биримиз қай даражададир ҳақлимиз. Бу шак-шубҳасиз. Масалан, олимпия шоҳсупасининг чўққисида, кўзда ёш билан мадҳиямизни куйлаган Ҳасанбой, Фазлиддин ва бошқалар – темурийзодалар эмасми?! Албатта, темурийзода! Асосийси, улуғ аждодларга муносиб авлод эканлигини амалда исботламоқдир!

Мамлакатда шажара ва анъаналар давомийлиги, адолат устуворлиги, миллий тараққиёт ҳамда шу асосда дунё саҳнидан эгалланадиган ўрин ҳақида гап кетганда, барча утган улуғларимиз, якдил таъкидлаган **илм-фан ва юксак маънавият** омили ўз-ўзидан энг бирин-

чи уринга чиқиб келаверади. Зеро, тарихдан маълумки, илмга муносабатига қараб дунёда мамлакатлар урин эгаллаган. Бири тараққий этган ва бошқаси қолоқ. Тараққий этган мамлакатлар хомашёга бой бошқа мамлакатларнинг бойликларини қандай эгаллаб олиш режасини илм туфайли тузганлар (улар фақат илм сабабли оммавий қирғин қуроллари, кучли ҳарбий салоҳиятга, урушиш стратегияси ва тактикасига эгалар. Қолаверса, илм туфайли бошқа майдонларда ҳам пешқадамлар).

Илм-маърифат ва юксак маънавият – бугунги кунда мамлакатлар учун улкан ер майдони, аҳоли сони ва беҳисоб табиий бойликлардан афзал саналади. Деярли ҳеч қандай табиий бойлиги бўлмаса-да, калласини (рахматли Ҳожибой қизиқ айтганидек, нафақат калласи, балки унинг ичидаги миясини ҳам!) ишлатиб, дунёда юксак даражага эришиш мумкинлигини Япония, Корея, Малайзия, Сингапур каби давлатлар мисолида кўриб турибмиз. Бу давлатлар асосан инсон онги маҳсули бўлмиш юқори технологиялар ишлатиб-сотиб бойиган, яъни, фақат илм боис бу юксак даражаларига эришган.

Айрим мамлакатларнинг қолоқлиги сабаби эса айнан илмсизлик ва жаҳолатдадир. Улар илмга эътиборсизлиги туфайли, мул-кул табиий бойликларидан ҳам унумли фойдалана олишмайди. Ё уларни мустамлакачиларга бой беришган ёки арзон-гаровга сотишга мажбур. Масалан, заминдан булоқдек қайнаб чиқаётган ермойи (нефть)ни сотиб, шундан тушаётган мўмай даромад эвазига кайфу сафо қилиш билан ном таратаётган қавмларни ким билмайди? Эрта бир кун нефть булоқлари қуриб қолса, жазирама ва тап-тақир сахро ичида улар қандай аҳволга тушишаркин?..

АМИР ТЕМУР ФАРЗАНДЛАРИ

Соҳибқироннинг эл корига ярайдиган бўлиб вояга етган олти нафар фарзанди – тўрт ўғил, икки қизи бўлган.

Ўғиллари Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ ва Шохрух Мирзолардир. Тўртта ўғилдан иккитаси Амир Темурнинг ҳаётлигида қазо қилган.

Тўнғич ўғил – Жаҳонгир Мирзо 1356 йилда Турмиш оқа деган хотинидан туғилган. У болалигидан отасининг бошига тушган сарсонлик, жангу жадал машаққатларини баробар тортди. Шу тариқа улғайиб, ўн уч-ўн тўрт ёшидан тажрибали амирлар қаторида ҳарбий юришларда иштирок этди. Жаҳонгир 1373 йили Хоразм ҳукмдори Юсуф сўфининг Севинчбека исмли жиянига Конгилда катта тўю-тантана билан уйлантирилди. Соҳибқирон Амир Темур тўнғич ўғлини кўп яхши кўрар эди. Ҳатто у Жаҳонгир Мирзони валиаҳд этиб тайинлаб, унга ўн икки минг отлиқ аскарни инъом қилди. Аммо валиаҳдга шоҳ бўлиш насиб этмади. 1376 йилда авжи гуркираб турган йигирма ёшида бетоб бўлиб, дунёдан кўз юмди. Қабри Шаҳрисабзда.

Жаҳонгир Мирзодан икки ўғил қолди. Тўнғичи Муҳаммад Султон юксак ҳарбий салоҳиятли шаҳзода бўлган. Бу сеvimли набирасини Амир Темур валиаҳд этиб тайинлаган. Аммо тожу тахт Муҳаммад Султонга ҳам насиб этмай, фоний дунёни тарк этди. Муҳаммад Султондан уч ўғил қолган бўлиб, улар Муҳаммад Жаҳонгир, Саъд Ваққос, Яҳё исмли эди.

Жаҳонгир Мирзонинг кичик ўғли – Пирмуҳаммад Мирзо эди. Соҳибқирон Темур вафотидан олдин уни валиаҳд этиб тайинлади. Аммо Пирмуҳаммадга ҳам шоҳ бўлиш насиб этмади. Ундан етти ўғил қолди: Қайду, Холид, Яҳё, Бузинжар, Маҳдий, Санжар, Қайсар.

Тарихий манбаларда келишича, Жаҳонгир Мирзонинг яна бир аёлининг исми Руқия бўлиб, у Амир Кайхисравнинг қизидир. Яна бир аёлининг исми эса Хонзода бўлган.

Иккинчи ўғил 1356 йилда туғилган Умаршайх Мирзо. Онаси Тўлун оқа. Умаршайх Мирзо жанговар

саркардалик қобилиятига эга бўлган. 1394 йилда ҳалок бўлган. Умаршайх Мирзо бир жангда отасининг буйруғига кўра, унга мадад кучлари этаётган вақтида Курдистондаги Ҳармоту қалъасига етганда шу ерни сайр қилишни ихтиёр қилди. Шу пайт бир киши ўқ отаётган эди. Тасодифан ўқ келиб Умаршайх Мирзога тегди ва унинг умрига хотима ясади. Ўттиз саккиз йил умр кўрган. Олти ўғил қолган: Пирмуҳаммад Мирзо, Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Сайид Аҳмад Мирзо, Бойқаро Мирзо. Қабри Шаҳрисабзда.

Учинчи ўғил - Мироншоҳ Мирзо 1366 йилда Менгли бика оқадан туғилган. Мироншоҳ Мирзо Озарбайжонни бошқарар эди. У бу юртда кўплаб ободонлаштириш ишлари олиб борган, хусусан, масжид, мадраса, саройлар қурдирган. Кунларнинг бирида Мироншоҳ Мирзо шикорга чиққан пайтида отдан йиқилиб, боши қаттиқ лат еган. Бунинг оқибатида шаҳзоданинг хатти-ҳаракатлари тушуниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. У ўзи қурдирган биноларни буздириб, ичкиликка берилиб, Ўзбекхоннинг набираси бўлган хотинини хўрлашга ўтган. Албатта, ўғлининг бу ҳаракатларига қарши Соҳибқирон Амир Темур турли чора-тадбирлар кўрар эди. Мироншоҳ Мирзо отасининг вафотидан сўнг, 1408 йилда туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Аскарлардан бири жароҳат олиб, чалажон бўлиб ётган Мироншоҳ Мирзони таниб қолди ва шу заҳоти унинг калласини кесиб олиб, найза учига санчиб, сардорлари амир Қора Юсуфга олиб борди. Мироншоҳ Мирзо 42 йил умр кўрган. Олти ўғил қолган: Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзо, Халил Султон Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Ийжал Мирзо, Суюрғатмиш Мирзо. Мироншоҳ Мирзо авлоди энг узоқ ҳукмронлик қилган. Жумладан, темурийлар сулоласининг энг ёрқин юлдузларидан бири бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ушбу сулолага мансуб.

Мироншоҳ Мирзонинг қабри Самарқандда, Амир Темур мақбарасида.

Тўртинчи ўғил – Шоҳрух Мирзо 1377 йилда Тоғай Туркон оқадан туғилган. Сароймулкхоним тарбиясида улғайган. Дунё тан олган аллома, юлдузлар илмининг султони Мирзо Улуғбек Курагоний Шоҳрух Мирзонинг тўнғич фарзандидир.

Шоҳрух Мирзо маърифатли, тафаккури кенг, вазмин ва иродаси кучли одам бўлган. Соҳибқироннинг машҳур Ҳиндистон юриши олдидан ўтказилган машваратда Шоҳрух Мирзо билдирган мулоҳазалари манбаларда қайд этилган. Бу чуқур ва ўринли фикрлар унинг “етти ўлчаб бир кес” қабилда иш тутганидан дарак беради.

Шоҳрух Мирзо отасининг вафотидан сунг, 1447 йилда вафот этган. Етти ўғил қолган: Улуғбек Мирзо, Иброҳим Султон Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Суюрғатмиш Мирзо, Муҳаммад Жуки Мирзо, Жон Ўғлон, Муҳаммад Ёрий Мирзо. Улуғбек Мирзодан бошқа барча ўғиллар отасидан олдин дунёдан утганлар. Шоҳрух Мирзонинг қабри Самарқандда, Амир Темур мақбарасида.

Биринчи қизи – Тоғайшоҳ Оқабегим хоним 1359 йилда Турмиш оқадан туғилган. Муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Оқабегим хоним ҳусн бобида тенги йуқ, ақл-идрокда беназир бўлган. Амир Темур бу қизини ниҳоятда яхши кўрган ва ўзига яқин тутган экан. Оқабегим хонимни Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка узатганлар. Бу никоҳдан туғилган Султон Ҳусайн Мирзо – қиз фарзанддан туғилган набира, сулола тарихида салбий из қолдирган. Оқабегим хоним 1382 йилда йигирма уч ёшида бетоб бўлиб, оламдан кўз юмган. Қабри Шаҳрисабзда.

Иккинчи қизи – Султонбека оқа (Султонбахт бегим) 1362 йилда иккинчи хотини Улжой Туркон оқадан туғилган. Султонбахт бегим табиатан шаддод, уچار ва эркакшода бўлгани ҳақида айрим қайд-

лар мавжуд. Шер Баҳромнинг ўғли Амир Муҳаммад Миракка узатадилар. Амир Темур Хутталон вилояти-ни куёви Муҳаммад Миракка инъом этган эди. Лекин куёв Соҳибқиронга қарши тиф кўтариб чиқади ва ҳалок бўлади. Иккинчи марта Соҳибқирон жияни Амир Сулаймоншоҳга турмушга чиқади. Амир Сулаймоншоҳ Амир Темурнинг опаси Туркон оқа ва Амир Довуд дуғлотнинг ўғли эди. Малика Султонбахт бегим 1430 йили Нишопурда вафот этган.

ТАРИХ БИЛАН БЎЙЛАШГАН КЎПРИК

Муқаддас Ватанимизда серхосият манзиллар жуда кўп. Қайсидир булоқнинг суви, яна бир жойнинг эса ҳавоси, тупроғи, наботот дунёси... турли дардларга шифо бўлади. Инсонга тетиклик, куч-қувват бахш этади. Гузал манзаралар эса шоир бўлмаганларга ҳам ўзгача бир илҳом бағишлайди. Одамлар бундай хосиятли манзилларга асрлар давомида интилиб яшаганлар.

Ана шундай хосиятли манзиллар яна биттага кўпайди. Аниқроғи, 2016 йили ушбу маскан қайтадан бунёд этилиб, янада роҳатбахш, замонавий қиёфа касб этди. Бу маскан – Қарши шаҳрида, буюк Амир Темур томонидан Қашқадарё узра қурилган тарихий кўприк ва унинг атрофидаги оромгоҳ – боғдир.

“Юртимизда бир-биридан сўлим боғ ва хиёбонлар, ҳашаматли кўприклар жуда кўп. Қашқадарё кўпригининг яна қандай алоҳида “хосиятли” жиҳати бор?” – дейсизми?

Албатта, хосияти бор-да! Буни англаш ва ҳис этиш учун Амир Темур кўприги бўйлаб бир юз йигирма икки метр масофага сокин қадам ташлаб юришингиз керак. Кўприкнинг узунлиги шунчани ташкил қилади. Нисбатан қисқа шу масофада киши худди тарихга саёҳат қилгандек бир олам таассурот олади. Қулоғингизга отларнинг кишнаши, карвон кўнғироғининг

бўғиқ овози, дарвешларнинг “ё, ҳу” деган ҳайқириқлари чалингандек бўлади. Мовий осмонда кабутарлар чарх уради. Қашқадарё сувининг майин эпкини юзингизни силайди. Каттакон ҳикматлар китобини ўқигандек теран мазмун кашф этасиз.

Шу кунгача ўтган умрингизни сарҳисоб қиласиз. “Мана, улуғ боболарим қурган куприк ҳануз бизга хизмат қиляпти. Узоғимизни яқин қилиб, фахр ва ғурур манбаларимиздан бир бўлиб қад ростлаб турибди. Эндиликда бу куприк меъморчилик, тарих, фалсафа, юртни севиш, яхшилик, меҳр... ва бошқа шу каби мавзуларда “очиқ дарс” вазифасини ҳам ўтаяпти. Мен-чи, Ватанга нима бердим, авлодлар эслайдиган қандай эзгу амаллар қилдим?” деган саволлар қалбингиз тубида, албатта, уйғонади.

Ўзингизни яхшиликларга чоғлайсиз. Бу манзилдан ўтган улуғ аждодлар шон-шавкатини янада чуқурроқ англайсиз.

Насафийлар, кешийлар, термизийлар, бухорийлар, хоразмийлар, фарғонийлар, шошийлар... Бу улуғ зотларни эслаш, муборак исмларини санаш учун куприк ўртасида тўхтаб, сувга тикиласиз. Узоқ тин оласиз. Шундай оламшумул зотларнинг авлоди эканлигингиздан юрагингиз фахр ва ғурурга лиммо-лим тўлади.

Фахр ва ғуруримиз шундаки, жаннатмонанд Ватанимизнинг деярли ҳар қишлоқ, маҳалла ва кентидан соҳибкаромат, аллома инсонлар етишиб чиққан. Аслида тупроғимизнинг ҳар бир қаричи бетакрор ва хосиятли эканига шак-шубҳа йўқ...

Оққуш шаклидаги ўнлаб катамаран ва соябонли қайиқларда болажонлар ҳамда ёшлар сайр қилишмоқда. Уларнинг шодон кулгуларини эшитиб, хорижий олимларнинг тадқиқотлари ҳақида ўқиганим эсга тушади. Олимлар денгиз, дарё ва катта сув ҳавзалари одамларга бахт улашади, деган хулосага келишибди. Масалан, мовий ранг кишига хотиржамлик туйғусини

бахш этади. Мовий ранг қон босимини пасайтиради ва юрак уришини секинлаштириши сабабли инсондаги руҳий зуриқишни бартараф этади.

Соҳилда узоқ вақт бўлиш мияни тинчлантиради. Бунинг учун сувга тикилиб туриш кифоя. Сув манзараси миянинг айрим жабҳаларини фаоллаштириб, руҳий мувозанатни тиклайди ва ширин хотираларни уйғотади. Сув билан мулоқот инсонга бахт туйғусини беради.

Қашқадарё суви, кўприги ва боғнинг хосиятларини санаганингиз сайин тугамайди. Бу маскан шукуҳини йигит-қизларнинг ўтли қарашлари-ю, болажонларнинг беғубор кулгусида, хорижий меҳмонларнинг ҳавас ва ҳайратли нигоҳларида ҳам кўриш мумкин.

Халқ орасида “туққиз равоқли кўприк” деб ҳам аталувчи мазкур иншоот билан боғлиқ ривоятлар, ғаройиб тарихий воқеалар ва ҳайратомуз маълумотлар шунчалик кўпки, уларнинг ўзи алоҳида китоб бўлгулик.

– Мазкур кўприкнинг урта аср меъморчилиги анъаналарига содиқ қолган ҳолда таъмирлангани, тарихимизга, хусусан, Соҳибқирон бобомизнинг руҳига юксак ҳурмат ва эъзоз рамзи сифатида намоён бўлди, – дейди тарихчи олим Поён Равшанов. – Унинг атрофи гузал хиёбонга айлантирилгани эса бу ерга ташриф буюрувчиларни бир лаҳза тин олиб, ўтмишга назар ташлашга, миллатимиз, давлатчилик тарихимиз, бой маданий меросимиз ҳақида мулоҳаза қилиб, фахр ва ғурур ҳиссини туйишга ундайди. Ёшларнинг теран фикрли, ўткир зеҳнли бўлиб камол топишига ёрдам беради...

Ҳа, яхши ниятда гап кўп. Закий боболаримиз асрларни бўйлаган ушбу кўприкни ана шундай эзгу ниятларни дилга тугиб, бунёд этишган.

Тарихга бир назар:

Х аср сайёҳлари Қашқадарёни “Кешкурд” деб тилга олишади. Бу дарё тарихий манбаларда “Хашка” деб аталгани ҳам учрайди. Урта асрларда юртимиздаги дарёлар

устига пишиқ ғиштлардан куприк солиш расм була бошлаган ва давр утган сари такомиллаштирилган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, мазкур куприк XIV асрда буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ташаббуси билан барпо этилган. Кейинроқ эса Бухоро хони Абдуллахон II томонидан қайта таъмирланган.

Маълумки, Амир Темур бобомиз юрт ободлиги ва деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. “Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида работлар бино қилишни, дарёлар устида куприклар бунёд этишни буюрдим. Кимки саҳрони обод қилса, ёки боғ кўкартирса, ёхуд хароб бўлиб ётган ерни обод этса, биринчи ва иккинчи йиллари ундан ҳеч нарса олинмасин. Учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин”, деб ёзган эди ўз битикларида Соҳибқирон.

– Тарих ва инсонлар тақдири ҳам баъзан ўхшаш бўлади, – дейди атоқли олим Поён Равшанов. – Хусусан, Қарши (Насаф, Нахшаб) улуғ Соҳибқирон таржимаи ҳолида алоҳида урин тутади. Юрт озодлиги учун ҳаёт-мамوت кураши олиб бораётган Амир Темур болаликдан Қарши шаҳрини яхши билган, унга ихлоси баланд бўлган. Шу шаҳарда унинг мадраса таҳсилани олгани ҳақида маълумотлар бор...

Қарши – Темурбек жасоратининг боқий тимсолидир: 40 нафар навқари билан 12 минг киши қўриқлаётган шаҳар қалъасига бостириб кириб, уни рақибдан тортиб олган эди. Таъкидлаш жоизки, Қарши – Чиғатой хонларининг розилигисиз (тегишли ёрлиқсиз) Амир Темур ҳокимияти урнатилган биринчи шаҳар ҳисобланади. Шу туфайли ҳам ўрта аср мусулмон ҳукмдорлари орасида, кимки Қаршини эгалласа, Мовароуннаҳрни бошқаради, деган ақида ҳам пайдо бўлади.

Соҳибқирон оламшумул юришларининг илк босқичида ҳам ободончилик ишларини муттасил давом эттириб, дарвозалар қурдирди, шаҳарни муҳим савдо ва карвон йўллари билан туташтирди. 1365–1366 йилларда истехком деворини мустаҳкамлайди, масжидлар қуради, қалъа ичига оқар сув келишини таъминлайди. Шаҳрисабздан 20–30 метрлик баҳайбат теракларни келтириб, Қашқадарё устида карвонлар утадиган катта кўприк бунёд этади. Кўприк учун танланган жой ниҳоятда қулай бўлиб, бу ерда дарёнинг тик қирғоқлари торайиб келарди. Шу сабабли кейинчалик барпо этилган ғиштин кўприк ҳам айнан шу жойда қурилади.

Кўҳна Қашқадарё кўприги ўз замонасида йирик меъморий иншоотлардан бири бўлган. У асрлар давомида нафақат аҳоли ва карвонлар манзилини яқин қилган, балки шаҳар мудофаасини таъминлашда ҳам стратегик аҳамият касб этган.

Қашқадарёнинг икки қирғоғини ўзаро боғлаган тарихий кўприк қадимда халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларга ҳам восита бўлган. Ўрта асрларда Насаф орқали Эрон ва Ҳиндистонни Европа билан боғлаган муҳим карвон йўллари ўтган. Шу боис бу воҳа асрлар давомида гуллаб-яшнаган.

Венгер улкашуноси Арминий Вамбери 1863–64 йилларда Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари қатори Қаршида ҳам бўлган. Унинг “Ўрта Осиёга саёҳат” асарида Қарши шаҳри ҳақидаги маълумотлар учрайди. Хусусан, муаллиф: “Қаршида оммавий оромгоҳнинг мавжудлиги мени жуда ҳайрон қолдирди. Бунга ўхшаш жойни на Бухорода, на Самарқандда, ҳаттоки Форсда ҳам учратмагандим. Мазкур оромгоҳ дарё бўйида жойлашган боғ бўлиб, у бир неча хиёбон ва гулзорларга эга”, дея таърифлайди. Арминий Вамберининг ёзишича, 1860 йилларда Қарши шаҳрида 10 та карвонсарой, катта бозор, шаҳар аҳолиси дам оладиган боғ бўлган.

Бу кўприк ўтмиш ва бугунни боғлаб тургани билан ҳам аҳамиятли. Уни бутун маҳобати ила олти юз йилдан кўп йўл босган тарих қарвони қўниб турган қарвонсаройга қиёслаш мумкин.

Бугунги кунда қаршиликлар уни “Амир Темур кўприги” деб аташади. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Қашқадарёга сафари чоғида берган кўрсатмаларига асосан, ушбу кўприк атрофи аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариш масканига айланди. Дарё соҳилида турли тадбирлар ўтадиган баҳаво ҳамда гавжум гуша барпо этилди. Қайта бунёд этилган ушбу гуша, Армий Вамбери кўрган тарихий боғнинг замонавий қиёфадаги кўринишидир.

Тарихий кўприкнинг замонавий қиёфаси

Қаршига келгунча дарё суви суғориш мақсадларида сарфланиб, ён-атрофи қақраган, янтоқ босган дарё ўзани тубида жилдираб оқаётган кичик жилға кўринишига келар эди. Бу манзара кишида қандайдир ҳорғин ва тушкун, оғир кайфият уйғотарди. Ана шундай жойга бутунлай ўзгача қиёфа бағишлаш учун батафсил лойиҳа чизиб берган Биринчи Юртбошимизнинг меъморий даҳосига тасаннолар айтсак арзийди.

Яқиндагина бу гузал хиёбон ўрнида кўримсиз эски бинолар кўзга ташланарди. Энди ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгарди. Амир Темур кўпригига замонавий талаблар асосида қайта жило берилди. Дарё сувининг бир меъёрда оқиши ҳамда тиниқ бўлишини таъминлаш мақсадида учта тўғон қурилди. Биринчи ва иккинчи тўғон сувни филтрлаш вазифасини ўтаса, учинчи тўғон хиёбон ёнида сув сатҳининг бир меъёрда бўлишини таъминлайди. Соҳилда қайиқлар тўхтайдиган тўртта жой қурилиб, ёритиш устунлари ўрнатилди. Дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб 28 хил,

ўн минг тупдан зиёд маҳаллий иқлим шароитига мос дарахт ва буталар экилди. Кўприк ва унинг атрофида барпо этилган кўркам сайилгоҳ чет эллик сайёҳларнинг ҳам севимли масканига айланди.

– Ўзбекистон қадимий ва буюк тарихга эга кам сонли давлатлардан бири. Бу диёр мени тарихий обидалари, миллий қадриятлари, гўзал табиати ва бағрикенг халқи билан мафтун этди, – дейди суданлик сайёҳ Исамелдин Аҳмад Абдулрахмон. – Мана бу зилол сувлар қаердан оқиб келяпти? Тўғриси айтсам, бу манзара биз учун жаннат тимсолининг худди ўзи! Тарихий обидаларнинг мукамал, ўзига хос меъморчилигига тан бермасдан илож йўқ. Асрий миноралар ҳамон янгидай қад ростлаб турибди, оҳори тўкилмаган. Халқ бу тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистон ўз келажагини ўз қўли билан қурмоқда. Мана бу тарихий кўприк, унинг атрофида барпо этилган гўзал хиёбон шу даражада уйғунки, гўё ўтмиши буюк халқ ўзининг бугуни ва келажагини ҳам шундай улуғлаётгандек туюлди менга.

Бу сувлар қаердан келяпти?

Суданлик сайёҳнинг “Бу зилол сувлар қаердан оқиб келяпти?” деган саволи кишининг қалбини тўлқинлантириб юборади. Негаки, бу сувлар ҳақиқатдан ҳам оддий сув эмас, дунёда тенги йўқ гавҳар, десак, муболаға бўлмайди. Бу сувларда меҳр, ҳикмат, қудрат ва саховат мужассам.

Оқсув, Танхоз ва Қизилдарё номли ирмоқларнинг қўшиливидан баракотли Қашқадарё ҳосил бўлади. Китоб туманидаги Ҳазрати Башир зиёратгоҳида бўлганимда, бу ерлик кексалардан ҳайратомуз ривоят эшитгандим. Айтишларича, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг қўшилган жойида улкан ерости денги-

зи бор. Ҷша денгиздан, тоғнинг бу ёнида – Қашқадарё, Ургут томонидан эса – Зарафшон оқиб чиқар экан. Қадим замонда Китоб ва самарқандлик бир неча илми етук, валий зотлар ўша ерости денгизига тушишибди. Қарашса, Зарафшон оқиб чиқадиган сув йўлида катта тош борлиги сабабли, у томонга сув бироз камроқ ўтар экан. Тошни олиб ташлашнинг имкони бўлмагач, шундай дуо қилишибди: **“Серсув Қашқадарё туфайли бу юртда неъматлар кўп бўлсин. Самарқанд тупроғи эса баракали бўлсин!”**

Маълумки, Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида Соҳибқирон Амир Темурнинг пири Мир Саид Барака мангу кўним топган. Китоб туманидаги Муғул қишлоғида эса ислом оламидаги забардаст зотлардан бири, “Неъматуллоҳия” йўналиши асосчиси Шоҳ Саид Неъматулло ибни Абдурахмон номи билан боғлиқ зиёратгоҳ бор.

Ерости денгизи бўйида улуғ боболар қилган дуони эсларкан, қариялар: **“Қашқадарёда Неъмат, Самарқандда Барака бор”**, деб кўшиб кўйишади. Бу эътирофда ҳам мажозий, ҳам асл маъноларда айна ҳақиқат мужассамдир...

Юқорида бошлаганимиз – Қашқадарё кўприги ва сувининг хосиятлари ҳақидаги фикримизнинг давоми ушбудурур:

Уч ирмоқдан бири – Китоб туманидан бошланувчи Оқсув дарёси Ҳазрати Башир булоқлари, Хўжаилмкони чашма-коризлари ва бошқа табаррук зиёратгоҳлар сувидан ҳосил бўлади.

Шаҳрисабздан оқиб ўтувчи Танхоз дарёнинг шифобахш сувлари эса юртимиздаги энг баланд Ҳазрати Султон чўққисидан бошланиб, Мироқи, Ҳазора, Водруғ, Кутчи каби куплаб тарихий қишлоқлардан ўтиб, Қашқадарёга кўйилади.

Ниҳоят, Яккабоғ туманидаги машҳур Амир Темур ғори жойлашган Қалъаи Шерон ва Бовурчи чўққила-

ридан бошланган Қизилдарё сувларидан ҳосил бўлади – Қашқадарё.

Қизилдарё – сувининг таркибида қанчадир фоиз олтин борлиги сабабли шундай номланади! “Тилла сув”ли Қизилдарёнинг хосиятли таркиби олимлар томонидан аллақачон исботланган.

Шунингдек, инсонлар қонининг таркиби улар туғилиб-ўсган жойдаги сувларнинг таркибига уйғун эканлигини олимлар аниқлашган. Сувида олтин зарралари оққан табаррук тупроқда эса ҳазрат Соҳибқирондек оламшумул зотнинг етишиб чиққани асло бежизга эмас...

Қашқадарё суви ўз тўлқинларида кўҳна Қаршига улуғ зиёратгоҳлардан дуои саломлар олиб келади. Кўнгилда эзгу ниятлар билан Қашқадарё кўприги устида тафаккурга берилган одам бу дуолардан, албатта, баҳраманд бўлади.

Хосиятли Қашқадарё шундай дейди: “Мен жароҳатларни даволайман, қайғуларни аритаман. Мендан бахт ва қуёшнинг тафти келади”...

Бугун ва келажакни боғловчи кўприклар

Азалдан ободлик ва бунёдкорлик руҳи билан яшайдиган халқимиз ўзига хос меъморчилик санъати билан жаҳонга танилган. Буюк аждодларимиз томонидан барпо этилган маҳобатли иншоотлар ҳануз дунё аҳлини лол қолдиради. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг беназир салоҳияти ва куч-қудрати у қурган биноларда, иншоотларда намоён. Тарихий манбалардан маълумки, буюк саркарда Амир Темур бунёдкорлик, шу жумладан, кўприклар қуриш ишларига ҳам катта эътибор қаратган. Масалан, тарихчи Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Амир Темурнинг топшириғи билан ўша замонда кўпгина дарёларнинг устига кўприклар қурилган.

Маълумки, кўприк қуриш, қудуқ қазиб сув чиқариш, боғ яратиш каби хайрли ишлардан бири саналади. Қадимдан кўприк кишилар мушкулини осон, машаққатини енгил қилувчи восита сифатида қаралган.

Бугун юртимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда кўркам ва обод манзиллар, сўлим гўшалар, маҳобатли бинолар қатори, замонавий, қулай ва албатта, бетакрор жозибага эга муҳташам кўприклар гавдаланади.

“Соҳибқирон юлдузи” журнали.
2016 йил. №3 (25)

АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИ ТАРИХИ

1865 йили Тошкентни чор Россияси босқинчи қўшини ишғол этгач, Анҳорнинг чап қирғоғи (сувнинг юқори оқими)да рус маъмурлари томонидан янги шаҳар қисмига асос солинган. Илгари у тарафларда аҳоли доимий яшамаган.

Янги шаҳардаги Туркистон ҳарбий округи биноси олдида генерал-губернатор М.Г.Черняев ташаббуси билан император Александр номидаги хиёбон барпо этилган.

Маълумотларга кўра, 1882 йили вафот этган генерал-губернатор Фон Кауфман шу хиёбонга кўмилган. Ҳатто, Тошкент вилоятидаги Янгийўл шаҳрининг номи ҳам ўша даврда “Кауфманский” деб ўзгартирилган экан. Кейинчалик, ҳозирги Мустақиллик майдони ўрнида Спасо-Преображенский (Военный) собори қурилгач, 1889 йили Фон Кауфман суяклари шу ерга кўчирилган. 1935 йили Спасо-Преображенский собори портлатилиб, бузиб ташланган. Унинг қабри ҳам йўқ қилинган.

1913 йилнинг 4 майида Москва ва Кауфман проспекtlари кесишган ерга И.Г. Шлейфер лойиҳаси асо-

сида Туркистон генерал-губернатори К.П. Фон Кауфман (1818–1882)нинг ҳайкали ўрнатилган.

1917 йил Октябрь давлат тўнтаришидан кейин бу ҳайкал ҳам йўқ қилинган. Метин (гранит)дан ишланган таглик қисмида эса байроқ тикланган. Атрофига янги тузумнинг куч-қудрати рамзи сифатида туплар келтириб қўйилган.

1919–1926 йилларда ўроқ ва болға рамзи ўрнатилган бу жой минбар вазифасини ҳам бажарган. Унда эски ўзбек имлосида “Октябрь – инқилоб маёғи” деган битик ёзилган. Кейинроқ ғоявий-тарбиявий жиҳатдан бу шакл ҳам ўзгартирилган.

1930 йилда бу ерда “инқилоб доҳийси” Ленин бюсти ўрнатилган. Унга “Беш йиллик режаси 4 йилда” деган ёзув битилади.

Иккинчи жаҳон урушидан аввал хиёбон Фридрих Энгельс ва Карл Маркс номи билан атала бошланган.

1940 йилларнинг охирларида И.Сталиннинг таваллуд куни муносабати билан бу хиёбонга унинг ҳайкали ўрнатилган. 1968 йилда шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш мақсадида, Сталиннинг ҳайкали олиб ташланиб у ердан К.Маркс бюсти жой олган. 1993 йилда у ҳайкалнинг ўрнига Соҳибқирон бобомизнинг ҳайкали қўйилди.

СЎНГГИ САФАР

1404 йилнинг кеч кузида Соҳибқирон ўзининг ноиб амир Бурундукқа Хитой юришига отланаётган қўшиннинг аниқ сонини олиш, сипоҳнинг қурол-яроғ, озиқ-овқат, уст-бош, ем-хашак билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш, эҳтиёт ва хавфсизлик чораларини кўриш каби вазифаларни юклайди.

Ўз хизмат бурчини сидқидилдан ўташга киришган амир Бурундук Темурбекка Мовароуннаҳр, Туркистон,

Хоразм, Балх, Бадахшон, Хуросон, Мозандарон, Итил бўйи ерлари (тарихий Олтин Урда, ҳозирги Волгабўйи минтақаси – Б.Ҳ.)дан йиғилган икки юз минг кишилик отлиқ ва пиёда қўшиннинг Хитой сафарига шай тургани ҳақида ахборот беради.

Табиийки, Хитой юришига Соҳибқирон ўзининг энг тажрибали амирларини жалб этган, агар умр вафо қилганида, бу юриш ҳам фатҳу нусрат ила якунланиши шубҳасиз эди.

Ўша йили қиш жуда қаттиқ келган. Тарихчи Ҳофизи Абрунинг ёзишича, “совуқнинг зўридан тил оғизда увишиб қоларди”. Сайхун (Сирдарё)ни қалин муз қоплайди.

1405 йилнинг 15 январида Ўтторга келиб тушган Соҳибқирон, ўз саркардалар ва хос мулозимлари руҳини кўтариш мақсадида, улар шарафига зиёфат уюштиради. Бироқ орадан кўп ўтмай, Соҳибқироннинг иситмаси кўтарилиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Бир неча кунлик муолажалар кор қилмагач, ҳазрат ўз хузурига аркони давлатни, дин пешволарини, кўмондонлари, набиралари ва хос мулозимларни хузурига чорлатди. У иймонли бир муслим ва донишманд инсон сифатида бу дунёдан насибаси узилаётганини пайқаган эди.

Сўнги фармон фурсати етган эди.

Соҳибқирон вафоти олдидан ўзининг энг садоқатли амирлари – Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳмалик ва Амир Ҳужа Юсуфларни ёнига чақириб, Жаҳонгининг ўғли Пирмуҳаммадни ўзига валиаҳд деб белгилайди, йиғилганлардан аҳдни бузмасликка сўз олади.

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон 1405 йил 18 февраль чоршанба куни (шаъбон ойининг ўн еттисида), намозшом ва хуфтон орасида жон омонатини ўз эгасига топширди. Унинг сўнги калимаси “Ла илаҳа иллаллоҳ” бўлди...

Амир Темур Самарқандда, набираси Муҳаммад Султон ётган мақбарага дафн этилди.

АМИР ТЕМУР ВАСИЯТИ

... Англаб турибманки, руҳ қуши тан қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман. Сизларни Унинг лутфу марҳаматига топширдим. Обидийда қилиб ултирманглар, оху нола чекманглар, чунки бундан фойда йўқ. Руҳимни фотиҳа ва такбир билан шод этинглар.

Алҳамдулиллоҳ, Тангри таолонинг ёрдами ила маъмурайи оламини шундай зарб этдимки, бутун таом Эрону Туронда бирон кишининг бошқаларнинг ишига аралashiш ёки жабру бепок қўлини бечораларга озор бериш учун кутаришга мажоли йўқдир. Гуноҳим анча кўп бўлса ҳам кечиринглар, деб Тангри таолонинг мулкани беқиёс сахийлик билан қуриқладим, золимларнинг тааррузли қўлини мазлумларнинг ҳаёт этагидан юлиб ташладим. Салтанат қуриб ултирганимда, эшитмаган ёки менга хабар қилмаган, ёхуд дунё собит бўлмаган пайтлардан бошқа вақтда зўравоннинг заиф устидан зўравонлик қилишга йўл қўймадим.

Шундай бўлса-да, дунё менга вафо қилмади, сизларга ҳам вафо қилмайди.

Лекин (зўравонга) монеълик қилиш ишини кечиктириш мамлакатни хавфу ғавго остида қолдиради, жумлаи халойиқнинг ҳузур-ҳаловатини бузади, маслагу тариқатнинг бузилишига олиб келади. Қиёмат куни буни биздан сўрайдилар, суриштирадилар.

Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикким, Самарқанд тахти унинг амри-фармонида бўлғай, тамкинлик ва истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин. Сизлар (эса) унга тобеълик ва бўй-

суниш маросимини ўрнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қўлтиқланглар, токи олам бузилмасин...

Ўғилларим. Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларимни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг йўлларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тош бошингизга тушмас...

Мендан сўнг хоқон – Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўлажакдур. Онга, менга итоат этадур киби итоат этажаксиз. Қўмондонларим, ҳозир итоат омини этингиз...

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Ўзбек миллати ва Ўзбекистон давлати бор экан, Соҳибқирон Амир Темурнинг табаррук номи ҳам абадий яшайди! Улуғ бобомизнинг сўнмас шон-шухрати ва оламшумул мероси халқимизни доимо руҳлантириб, буюк ишларга илҳомлантиради, нурли манзилларга бошлайверади.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи ўрнида	3
Даҳо	8
Хужаилғор.....	14
Хужаилғор тарихида янги саҳифа очилмоқда.....	18
Олам узра таралган нур.....	21
Темурбекнинг болалиги кечган манзиллар	25
Ухшаши йуқ сиймо.....	30
Соҳибқирон, барлос, курагон,	31
Тарағай.....	31
Она	38
Ота	45
Соҳибқирон фақат амир булганми?	50
Бепоён салтанат соҳиби	53
Миллатимиз тарихидаги улуғ даврлар	57
Темурнинг бир кулгани – уттиз элда тантана.. ..	60
Воиз.....	61
Кураги ерга тегмаган лашкарбоши	64
Клавихо ҳайрати.....	70
Оқсаройнинг шифобахш шамоли	71
“Минг бир кеча” эртақларидек.....	73
Мақсади – дунёни обод этиш эди.....	80
Куч – адолатда.....	82
Адолатнинг баҳоси	89
Соҳибқироннинг қатъий аҳди.....	91
Адолатли жазо	94
Амир Темур суйган кабутарлар	99
Умид ва қурқув	103
Соҳибқироннинг сирли тошлари.....	107
Жаннатмонанд боғлар	109
Сароймулкхоним	123
Соҳибқирон яловидаги тинчлик тамғаси.....	126
Биз ким, мулки турон, амири Туркистонмиз.....	129
Тарих жумбоғи	148
Амир Темур фарзандлари.....	157
Тарих билан бўйлашган кўприк	161
Амир Темур хиёбони тарихи.....	170
Сунгги сафар	171
Амир Темур васияти	173
Сунгсўз ўрнида	174

Адабий-бадгий нашр

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

**СОҲИБҚИРОНИ
АНГЛАШ – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**

Бадгий публицистика

Муҳаррир *Иззат Аҳмедов*
Бадгий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Мусахҳих *Дилрабо Минғбоева*
Саҳифаловчи *Азамат Қайимов*

«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № АИ 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2019 йил 10 апрелда рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂ Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.
Шартли босма табағи 9,24. Нашриёт босма табағи 11.
Адади 2000 нусха. Буюртма рақами 223.

“AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ
босмаҳонасида чоп қилинди.

100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10 уй.

17.000 c.



Бахтиёр
ҲАЙДАРОВ

СОҲИБҚИРОНИ
АНГЛАШ – УЗЛИКНИ АНГЛАШ

Ақшуд ба
жадидият



AMANCHILIR.PRESS

ISBN 978-9943-5568-9-8



9 789943 556898